

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ

“МОЛИЯ” КАФЕДРАСИ

“Хорижий инвестициялар”
фанидан

маърузалар курси



Андижон - 2009

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти Илмий-Услубий
Кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган

Кенгаш раиси: _____ А. Хакимов

“ _____ ” _____ 2009 й.

«МАЪҚУЛЛАЙМАН»

“Молия” факультети Кенгашида муҳокама
қилинган ва маъқулланган

Кенгаши раиси: _____ доц. Н. Тўйчибоев

“ _____ ” _____ 2009й.

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

“Молия” кафедраси мажлисида муҳокама
қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудири: _____ доц. М-А. Эшонов

(Кафедра мажлисининг _____ - сонли баённомаси
« _____ » _____ 2009 й.)

Такризчилар:

1. Солиев Б. - и.ф.н., доц. Анд МИИ «Молия» кафедраси,
2. Қайумов И. - и.ф.н., проф. Анд МИИ «Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва статистика» кафедраси

Тузувчилар:

асс. Умаров Л. А. “Хорижий инвестициялар” фани (маърузалар курси)-
А.: Анд МИИ, 2009 йил

СЎЗ БОШИ

Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳам оқилона ва бақувват инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Бунинг учун ички сармояларни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарурдир».

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш молиялаштиришнинг энг тараққий этган замонавий шакллариандир.

Маълумки, ўтиш иқтисодиёти шароитида инвестициялаш сармоя тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш зарурати билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ўзбекистоннинг тузилмавий инвестицион сиёсати қатор вазифалар мажмуини ҳал этишга қаратилган бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларни қўллабқувватлаш, корхоналарга ёрдам бериш;
- иқтисодиётнинг бир қанча истикболли (импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган) тармоқларини ривожлантириш; янги ишлаб чиқаришлар ва тармоқларни яратиш;
- ишлаб чиқаришни технологик қайта қуrolлантиришни рағбатлантириш.

Ўтказилаётган таркибий ўзгаришлар натижаси иқтисодий ҳаётимизда тадбиркорлик фаолияти, инновацион фаолият, инвестиция фаолияти, лизинг фаолияти, аудиторлик фаолияти, дилерлик фаолияти каби янги фаолият турларининг вужудга келшини таъминлади. Янги фаолият турларидан бири ҳисобланган инвестиция фаолиятининг вужудга келиши шу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг инвестиция ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ иқтисодий билимларни кенг эгаллашларига сабаб бўла олди. Шунингдек, бугунги кунда мазкур иқтисодий билимларни кенг, чуқур ва мукамал эгаллашга хизмат қилувчи инвестицияларга доир йигирмадан зиёд янги фанларнинг вужудга келиши республикамызда иқтисодчи ва молиячи мутахассислар орасида шу соҳанинг янги мутахассисларининг етишиб чиқишига олиб келди.

Тавсия этилаётган мазкур маърузалар матни эса шу йўналиш мутахассисларининг инвестицияларни баҳолаш бўйича билимларини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Маърузалар матнида инвестициялар ва уларнинг турлари, тартибга солиш усуллари ва воситалари, инвестиция сиёсати, инвестиция дастурини шакллантириш механизми, инвестиция лойиҳаларининг моҳияти, уларни иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, риск ва инфляция шароитида лойиҳалар таҳлили, инвестиция лойиҳаларини техник баҳолаш, рақобатбардош лойиҳалар таҳлили, қарз олувчиларнинг молиявий фаолияти таҳлили ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида олиб бориладиган мониторинг кабилар ёритилган.

Мазкур маърузалар матни иқтисодиёт йўналиши бакалаврларига ўзининг малакавий даражасини, иқтисодий билимларини оширишни хоҳловчи барча бошқа қизиқувчиларга ҳам фойдали ҳисобланади.

1-мавзу. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти (2 соат).

Режа:

1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Инвестицияларнинг таснифланиши.
3. Инвестицияларнинг иқтисодий функциялари.

***Таянч иборалар:** инвестиция, капитал қўйилма, молиявий ресурслар, инвестиция лойиҳаси, муаллифлик ҳуқуқи, ноу хау, интеллектуал инвестиция.*

1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

Барча корхоналарнинг фаолияти у ёки бу даражада инвестиция фаолияти билан боғлиқдир. Инвестициялаш бўйича қарор қабул қилишни турли омиллар мураккаблаштиради:

- инвестиция тури;
- инвестиция лойиҳаси қиймати;
- инвестициялашга йўналтириш мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг чегараланганлик даражаси;
- қарорни қабул қилиш билан боғлиқ, таваккалчилик даражаси;
- амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар сони ва бошқалар.

Инвестиция заруриятининг асослари турлича бўлади. Умуман олганда уларни 3 турга бўлиш мумкин: мавжуд моддий техник базани янгилаш, ишлаб чиқариш фаолияти ҳажмини ошириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш.

У ёки бу йўналиш бўйича инвестиция лойиҳасини қабул қилиш бўйича масъулият даражаси турличадир. Масалан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш бўйича қарор қабул қилиш деярлик қийинчиликсиз амалга ошади. Чунки, одатда, корхона раҳбарияти қандай ҳажмда ва қандай асосий воситалар кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Бироқ, гап асосий фаолиятни кенгайтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида борса, масала мураккаблашади. Бунда бир қатор янги омилларни инобатга олиш зарур бўлади: товарлар бозорида корхона ҳолати ўзгариши хавфининг мавжудлиги; моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар қўшимча ҳажмларининг мавжудлиги; янги бозорларни ўзлаштириш имконияти ва бошқалар.

Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди»¹, — деб бежиз таъкидламаган эдилар. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Шу боис инвестиция фаолияти тўғрисида сўз юритишдан аввал бу соҳага оид

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодиётнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқсўзи. — 1999 йил 17 февраль.

баъзи бир атамалар (инвестиция, капитал қўйилма, хорижий инвестиция) моҳиятини аниқлаб олишимиз зарур бўлади. Мисол учун, собиқ совет йилларида «инвестиция» ва «капитал қўйилмалар» тушунчалари бир хил мазмунда талқин қилиниб келинарди. Бундай ҳолларда капитал қўйилмалар деганда асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқариш, мавжуд қувватларни таъмирлаш ва уларни кенгайтиришга маблағлар солиш деб тушуниларди. Бу унчалик тўғри эмас, чунки маблағлар айланма активларга ҳам, номоддий активларнинг айрим турларига ҳам, турли молиявий воситаларга ҳам солинади.

Ҳозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари латинча «INVEST» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» билан бирдай қилиб таърифлайдилар.

Хусусан, Нобел мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати бўлган У. Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган «Инвестиция» дарслигида — «Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир»², — деб таърифланади. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини бу қўлланма муаллифи қуйидагича шархлайди: «Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва ҳисоблайдиларки, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин»³.

Швед иқтисодчи олими Клас Эклунд фикрича, «инвестиция — бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»³. Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у «капитал қўйилмаларга» берилган таърифга кўпроқ мос тушади.

«Экономика, принципы, проблемы и политика» дарслигининг муаллифлари инвестиция тушунчасини қуйидагича шархлайдилар, яъни «инвестиция «INVESTMENT» — бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир». Ушбу таъриф ўз мазмунига кўра, кўпроқ, «капитал қўйилмалар» тушунчасига мос келишини таъкиддаб ўтиш жоиз.

Россиялик иқтисодчи олим Е. В. Михайлова эса «инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади», деган фикрни илгари суради. Бу таъриф умумий ва содда қилиб тушунтирилган бўлиб, бозор иқтисодиёти манфаатларига мос талқин қилинган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д. Ғ. Ғозибеков ва Т. М. Қоралиевлар инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайдилар. Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши

² У. Шарп, Г. Александр, Дж. Бейли. Инвестиции. Пер. с. англ.—М.: «ИНФРА», 2000 й., 979-бет.

³ К л а с Эклунд. Эффективная экономика: шведская модель. — М.: «Экономика», 1991 й., 96-бет.

мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан (нау-хау) ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Айниқса, Д. Ғ. Ғозибековнинг «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари» номли илмий асарида инвестицияларнинг макродаражадаги ва ишлаб чиқариш назариясидаги, молия назариясидаги ва умуман, иқтисодийдаги моҳиятини очиб бериши алоҳида аҳамиятга эга. Муаллифнинг фикрича, инвестицияларнинг моҳиятини таърифлаётганда уларнинг турли хил хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ керак. Пулнинг даромад келтириш лаёқати пул келадиган манбаларга ва унинг нималарга сарфланишига, яъни пулнинг қаердан келиши ва нималарга инвестицияланишига боғлиқ.

Бинобарин, капитал манбаларининг ишончлилиги билан маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги ўртасида узвий боғлиқлик кузатилади. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради. Шунингдек инвестицияларнинг ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатлиги, бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларни онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириб ўтадилар. Ва таъкидлайдики, инвестициялар қаратилган соҳа ва қўйиш объектлари, инвестициялаш субъектлари, қайта ишлаб чиқариш ва ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб, муайян мақсадларни кўзлайди ва улар билан боғлиқ бўлган аниқ ва ноаниқ рисклар билан тўқнашади.

Биз инвестицияларнинг моҳиятини очишда уларнинг мақсадлари ва улар билан боғлиқ бўлган рисклар қайта ишлаб чиқариш, қаратилган соҳа ва қўйиш объектларидан, инвестициялар субъектлари ва ҳаракат йўналишларидан келиб чиққан ҳолда уларни таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади.

Шунингдек инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар» сифатида ҳам таърифланади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, умумлаштирар эканмиз инвестициянинг жуда кенг тушунчага эга эканлигини ва уни ҳар хил талқин қилиш мумкинлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун «инвестиция» тушунчасига таъриф бераётганда унинг барча жиҳатларини ҳисобга олмоғимиз лозим. Иқтисодий фаннинг турли бўлимларида, шунингдек амалий фаолиятларининг турли йўналишларига тадбиқан маблағ солиш соҳалари ва объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу атамага турли маъно берилмоқда.

Фикримизча, бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб, қуйидагича таъриф бериш лозим. «Инвестиция» бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодийнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Инвестиция моҳиятини очувчи ушбу таърифга биноан ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида инвестор «чекланган имконият»ларидан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришга «маълум миқдордаги» маблағ сарфлаши натижасида қисман фойда олиши, ушбу ҳолатни умумжамиат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча жаҳаларида қатнашиши натижасида иқтисодий-молиявий ва маънавий ўсишини таъминлайди. Бу ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг — «Инвестиция соҳаси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади», — деб таъкидлаган фикрига бевосита тўғри келади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инвестиция иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи «асосий бирламчи» элементи деган хулоса қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, инвестиция маълум субъект орқали иқтисодиёт соҳаларидан даромад олиш ёки самарага эришиш мақсадида сарфланаётган экан, уни бевосита ва билвосита даромад келтирувчи инвестицияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

2. Инвестицияларнинг таснифланиши.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида узимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиб инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин:

- 1) Молиявий инвестициялар.
- 2) Моддий инвестициялар.
- 3) Ақлий (интеллектуал) инвестициялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг узига хос урни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлари, депозит, сертификатлар, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларнинг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барагдир, яъни улар, мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг ҳиллари бозор муносабатларнинг нечоғлик ривожланишига боғлиқ. Миллий меҳнатга оид ҳақ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, «Ноу Хау», кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа ҳил эғалик ҳуқуқлари киради. Табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳууқлари кўринишидаги

инвестициялари ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Ҳамма турдаги инвестициялар, уларнинг ҳажмидан катий назар, бирор бир инвестицион жараённинг натижасидир.

Олимларнинг инвестициялар тўғрисидаги фикрларини, инвестициялар хусусида қонунларимизда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштирилиб инвестицияга қуйидагича таъриф берилади. «инвестиция деб ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфланишига айтилади».

3. Инвестицияларнинг иқтисодий функциялари.

Инвестиция тўғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифларга асосланиб ҳамда иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қўйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;

- иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;

- мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний қафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;

- иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.

Иқтисодиётга киритилаётган инвестиция миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, мазкур омил, ўз навбатида, инвестиция ресурслари манбаларининг таркибий тузилишига ва унинг барқарорлигига боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан катий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега ва иқтисодий чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар, асосан, жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция фаолияти ва унинг манбалари иқтисодиёт ривожининг жадал суръатларини белгилаб бериш билан бирга у ҳар қандай тизимда кўп жиҳатдан минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиб боришини ва тараққий этиш даражасини ифода этиши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти.
2. Инвестицион фаолиятни амалга ошириш шакллари.
3. Ижтимоий самара келтирувчи инвестициялар моҳияти.

4. Инвестицияларнинг иқтисодий вазифалари.
5. Молиявий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти.
6. Моддий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти.
7. Ақлий (интеллектуал) инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти.
8. Инвестиция фаолияти субъектлари сифатида давлат инвестицияларининг роли ва вазифалари.

2-мавзу. Инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати. (4 соат).

Режа:

1. Инвестиция фаолиятининг объектлари ва субъектлари.
2. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
3. Инвестиция фаолиятида ташқи иқтисодий сиёсатни тартибга солиш усуллари.
4. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллари.

***Таянч иборалар:** юридик шахслар, резидент, эмиссия, концессия, марказлаштирилган инвестициялар, инвестиция дастури, инвестиция иқлими.*

1. Инвестицион фаолиятнинг субъектлари ва объектлари.

Инвестицион фаолиятнинг ташаббускорлари бўлиб, инвесторлар (ёки инвестиция субъектлари) майдонга чиқади.

Инвесторлар ўзлари эгалик қиладиган ва қарзга олинган мулккий ва ақлий қадриятларини тадбиркорлик ишига ишлатиш тўғрисида қарорга келган инвестицион фаолият субъектларидир. Инвесторлар улуш кўшувчилар, кредиторлар, харидорлар ролида майдонга чиқишлари, шунингдек, инвестицион фаолиятнинг бошқа қатнашчилари вазифаларини бажаришлари мумкин.

Инвестицион жараённинг асосий иштирокчилари бўлиб давлат, корхона ва ташкилотлар, компаниялар ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ўз навбатида буларнинг ҳар бири инвестиция жараёнининг талаб ҳамда таклифида иштирок этишлари мумкин.

Инвестициялар фаолиятининг субъектлари бўйича уларни асосий уч гуруҳга ажратиш мумкин, яъни булар:

- давлат инвестициялари;
- хусусий инвестициялар;
- чет эл инвестицияларига бўлиш мумкин.

Давлат инвестицияларига- шу давлатнинг давлат бюджети ва маҳаллий бюджет шаклидаги маблағларнинг бир қисмини, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жойлаштириш тушунилади.

Давлат томонидан маблағ ажратиш йўли билан, айтилишида бу ишни ҳукумат ва бошқарув органлари инвестицион ва ссуда ресурсларини бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига амалга оширади. Бозор иқтисодиёти шароитларида давлатнинг инвестицион фаолиятидаги роли асосан фан-техника тараққиётини рағбатлантириш, малакали ишчи кучини етиштириб бериш, ишлаб чиқариш инфраструктурасига маблағлар ажратиш сингари қиммат турадиган жараёнларга давлат сектори бюджетидан етарли маблағ бериш билан чекланиши керак. Бундан

ташқари, иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва фан-техника тараққиётини тезлаштириш, жамоат ишлаб чиқариши соҳаларини соғломлаштириш, қолоқ туманлар ижтимоий инфраструктурасини индустирлаш ҳамда яхшилаш мақсадларида иқтисодиётнинг устувор соҳаларига давлат томонидан ссудалар ва субсидиялар кўринишида ёрдам берилиши мумкин.

Ижро этувчи органнинг ихтиёрий даражаси учун ҳам ўз фаолиятини молиялаштириш учун кўп миқдорда пул маблағи талаб этилади. Бу фаолият мактаб, касалхоналар ва турар жойларни қуришда капитал қўйиш билан боғлиқдир. Асосан бундай проектлар турли хил узоқ муддатли қарз мажбуриятлари облигациялар чиқариш орқали молиялаштирилади. Пул маблағларига бўлган талабнинг яна бир манбаси бу давлатнинг жорий харажатларидир. Масалан шахар ҳокимиятлари учун тупланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар келиб тушмасидан олдин жорий харажатлар учун пул маблағлари керак бўлиши мумкин. Бундай ҳолда улар қисқа муддатли облигациялар чиқариш ёрдамида молиялаштириладилар.

Айрим ҳолларда ижро этувчи орган пул таклифини амалга оширувчилар томонида қатнашиши мумкин. Агар вилоятда қандайдир муддат давомида пул маблағи бўш турадиган бўлса, у ҳолда бу маблағни жорий ҳисобда ушлаб туриш ўрнига, ҳокимият бу маблағни қисқа муддатли инструментларга жойлаб, бу орқали даромад олиши мумкин.

Хусусий инвестициялар эса – турли хил хусусий корхона ва ташкилотлар, фирмалар, тадбиркорлар ҳамда аҳоли томонидан бирор бир фаолиятга фойда олиш мақсадида жойлаштирган маблағлари киради. Бунда давлат ва юқори вазирлиги бўлмаган хусусий юридик ва жисмоний шахслар, хўжалик уюшмалари, жамиятлар, ширкатлар шунингдек жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар ва жисмоний шахслар томонидан маблағлар ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Кўп корхоналар фаолият туридан катъий назар, узини фаолиятини таъминлаб туриш учун кўп миқдорда маблағга муҳтож бўлади. Бу корхоналарнинг ҳам узоқ ҳамда қисқа муддатли харажатлари мавжуд. Корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатли харажатларини молиялаштириш учун корхоналар турли хилдаги қарз мажбуриятлари ва аксияларни муомалага чиқаради. Уз навбатида уларда буш пул маблағлари мавжуд бўлса, улар бу маблағларни бошқа фаолиятга ёнлатилади ва бу орқали даромад олади.

Жисмоний шахслар эса инвестицион жараёнга турли хил усулда маблағ етказиб бериши мумкин, масалан пул маблағларини банк ҳисоб ракамлардида жойлаш, облигация, аксия ва суғурта полисларини сотиб олиш, турли хилдаги мулкни сотиб олиш ва ҳк. Молиявий инструментларни танлаш – муҳим масала бўлиб, у инвестор уз олдида куядиган мақсадларига боғлиқдир.

Чет эл (хорижий) инвестициялар – бу чет элдан кириб келаётган маблағлар оқими ҳисобланади. Инвестициянинг ушбу тури ҳам давлат ва хусусий турларини ўз ичига олади. Бунда инвестиция фаолияти давлатлар, юридик шахслар ва чет эл фукаролари томонидан чет эл инвестицияларини бериш йўли орқали амалга оширилади.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига, бекаму-кўст хўжалик юритиш ёки оператив равишда бошқариш ҳуқуқига, шунингдек даромалар манбаига, жамғармаларига эга бўлган ва қарзга бериладиган ҳамда жалб этиладиган маблағларни олиш ҳуқуқидан фойдалана оладиган ватан ва чет эл фукаролари, юридик шахслар, шунингдек ажнабий давлатлар томонидан биргаликда инвестициялар ажратиш йўли билан.

Демак, инвестицияларни амалга оширишда инвестицион фаолиятни олиб бориш шакллари ҳам мулкчилик шаклларига қараб белгиланади. Маблағларнинг қайси соҳаларга ажратилиши, ҳажмлари ва инвестициялар беришда қатнашиш шартларига қараб инвестицион фаолиятнинг қуйидаги объектлари тавофут қилинади:

Халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида янгидан яратиладиган ва замонавий ҳолга келтириладиган асосий фондлар ва айланма маблағлар; фан-техника маҳсулотлари, ақлий кадриятлар, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, пул улушлари, мулкый ҳуқуқлар ва бошқалар.

Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларини йиғиндисига тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолиятни қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;
- қимматли-қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;
- концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;
- мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.

Тадбиркорликнинг мулкчилик туридан қатъий назар **инвестиция фаолияти доирасида** давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, қорхонанинг ўз маблағлари, тижорат банклари маблағлари ва аҳоли томонидан жойлаштирилган улушли маблағлар ҳисобидан тўғридан- тўғри молиялаш орқали ўз фаолиятини амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестициялар марказлашган инвестиция ҳисобланади.

Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар давлат органлари томонидан ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган тахминлари, аниқ мақсадга мўлжалланган тахминлари, аниқ мақсадга мўлжалланган илмий техник ва комплекс давлат дастурлари ҳамда ана шу инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқловчи техник-иқтисодий асослар негизида қабул қилинади.

Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган, аниқ мақсадга мўлжалланган комплекс давлат дастурларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджетидан молияланадиган инвестицияларнинг ҳажмларини тасдиқлайди.

2. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун қафолатлар бериш, бу

фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятини қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш;

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки халқаро иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Маълумки инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвес-тицияларлиг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади. Давлат харажатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш функциясининг ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқ-ларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳа-ларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функциясини билан фойдаланилади. Солиқяарни тартибга солиш макроиқтисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Солиққа тортишда имтиёзлар асосан микроиқтисодиётга қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Биз юқорида кўриб ўтган функциялар солиқ ставкалари миқдорили ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар (жазо чоралари) қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда солиқларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан:

Япония, Тайван, Жанубий .Кореяда ўтиш даврида солиқ протекционизмдан унумли фойдаланилган. АҚШ да «буюк депрессия»ни бартараф этиш даврида ҳам худди шундай бўлган.

Фан-техника тараққиётини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари турларидан бири инвестиция солиқ кредити ҳисобланади. АҚШ да солиқ имтиёзининг бу тури 1962 йилдан то 1986 йилга қадар қўлланилган. Бунда чегирма (скидка) миқдори техника-жиҳозлар тури ва уларнинг хизмат муддати бўйича табақалаштирилган. Бу имтиёзнинг вариантларидан бирида АҚШ ишлов берувчи саноатидаги корпорациялар фойда солиғининг ишга туширилган ҳамда хизмат муддати 8 йил ва ундан ортиқ бўлган техникалар қийматининг 7 фоизи миқдорида, хизмат муддати камроқ бўлган техникаларни ишга туширилганлик учун камроқ миқдорларда қисқартириш ҳуқуқини олдилар.

Японияда, масалан, саноат компаниялари илғор техника ва технологияга қилинган инвестицияларнинг 7 фоизига тенг миқдорда фойда солиғини қисқартириш ҳуқуқига эга. Канадада бундай чегирма илғор техникага қилинган инвестицияларнинг 7 фоиздан 20 фоизгача миқдорини ташкил қилади.

Солиқ кредити кўринишидаги имтиёзлар тадбиркорликнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланма-лар (ИТТКИ) харажатларига тадбиқан ҳам кенг қўлланилади. Бир қатор мамлакатларда солиқ кредити компанияларнинг фойда солиғидан бу компанияларнинг ўтган йил ёки базис давр учун ўртача йиллик меъёрларга нисбатан ИТТКИ хара-жатлари ўсишининг муайян ҳиссасини чегириш кўринишида амал қилади (АҚШ да •• 20 фоиз, Францияда -- 50 фоиз, Японияда — 20 фоиз, Канадада 100 фоиз ва ундан юқори).

Ғарб мамлакатларида солиқ имтиёзлари, биринчи навбатда инвестициялар ва илмий техника фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек айрим тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун жорий қилинади. Уларнинг ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, техникалар билан қайта жиҳозлаш учун шароитлар яратилади. Инвестиция, илмий-техника фаолиятини, тадбиркорликни бутун мамлакат доирасида, минтақа миқёсида ва айрим фаолият соҳалари бўйича рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзлари энг барқарор имтиёзлар ҳисобланади. Солиқ имтиёзлари қуйидаги шаклларда қўлланилади:

- фойда солиғидан чегирма тарзида бериладиган солиқ кредити;
- фойда солиғи базасини камайтириш чегирмалари;
- солиқдан бутунлай озод қилиш ёки пасайтирилган солиқставкаларини белгилаш;
- жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш.

Турли мамлакатларнинг тажрибалари тасдиқлашича, жадаллаштирилган амортизация:

- капитал жамғарилишини тезлаштириш (чунки яширилган фойданинг жами суммаси капитал қўйилмаларга кетади);
- асосий капиталнинг янгиланишини жадаллаштириш, муайян даражада уни инфляциядан беҳатар қилиш ва рақобатбардошликни кўтариш;
- инвестицияга йўналтириладиган фойдани солиққа тортишдан қонуний равишда озод қилиш имкониятларини беради.

Мамлакатимизда амалда бўлган қонун ҳужжатларга кўра амортизация ажратмалари нормаларини кўпайтиришга рухсат берилган, лекин улар белгиланган меъёридан икки маротаба ортиқ бўлмаслиги таъкидланган. Шу билан бирга, белгиланган меъёридан ортиқ ҳисобланган амортизация ажратмалари солиққа тортиладиган базага киритилади ва солиқа тортилади. Амалда бундай механизм асосий капиталнинг хизмат муддатини қисқартиришга имконият беради, лекин

ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш харажатларини рағбатлантириш вазифасини бажармайди ва шаклланадиган амортизация фондини инвестициялаш манбаи тарзида кўпайтирмайди. Шундай қилиб, жадаллаштирилган амортизациянинг амалда йўқлиги ишлаб чиқаришда инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирларини чеклаб қўяди. Шундай қилиб амалиётдаги жадаллаштирилган амортизация усули асосий капитал хизмат муддатини қисқартиришга имкон беради, бироқ амалий жиҳатдан жадаллаштирилган амортизацияни деярли истисно қилади

Бозор иқтисодиёти шароитида у ёки бу инвестиция объектига қўйилма қўйиш шу мақсаддан келадиган даромад даражасига боғлиқ. Даромат нормаси, у орқали эса ушбу активларнинг баҳолари, инвестиция товарларига бўлган талаб ва таклиф орқали аниқланади. Бундай ҳолларда давлат ўзининг пул-кредит сиёсати орқали инвестицияга бўлган талаб ва таклифни тузилиши ва нисбатига таъсир этиши мумкин. Натижада эса инвестиция қатнашчилари молиявий активларнинг даромадлилиқ меёрига уз таъсирини ўтказади. Бизга маълумки ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб у ёки бу турдаги инвестиция бозорини тартибга солиш концепциясини куллайди. Жаҳон амалиётида кулланилган ҳар қандай концепциялар икки даражали мақсадни уз ичига олади.

1. Оралиқ мақсад- талаб ва таклиф нисбати, фоиз ставкалари ва пул массасининг ўсишини мутаносиблаштириш ишларини амалга ошириш кузда тутилади.

2. Пировард мақсад- миллий даромадни ўстириш, аҳолининг бандлилиқ даражасини таъминлаш, инфляцияни пасайтириш в.б. ҳисобланади.

Оралиқ мақсад эса пул-кредит ва молия соҳасидаги талаб ва таклиф ўртасидаги мос келадиган нисбатни тартибга солиш мўлжали сифатида хизмат қилади.

Пировард (стратегик) мақсад пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқаришга тасир этиш даражасини аниқлайди.

Умуман олганда давлат томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш қуйдаги мақсадларга боғлиқ:

- ишлаб чиқариш ва бандлилиқ ўртасидаги тебранишни теккислаш;
- баҳони барқарорлаштириш (ҳеч бўлмаганда инфляция даражасини пасайтириш);
- миллий дароматни ўстириш;
- тўлов балансини яхшилаш (ички ва ташқи қарзларни қисқартириш);
- давлат бюджети камомадини пасайтириш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан рағбатлантиришда давлат томонидан амалга ошираладиган чора тадбирларга қуйидаги киради:

1. Кредит экспанцияси (тижорат банклар томонидан бериладиган кредит ресурсларнинг фоиз ставкасини пасайтириш йули билан ссуда капиталининг таклифини ошириш).

2. Давлат манфаатдор бўлган тармоқларни бюджет ресурслари ҳисобидан кредитлаш.

3. Давлат манфаатдор бўлган қарздор тармоқларни тўлов қобилятини кафолатлаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонунида қуйдаги давлат томонидан иивестиция фаолиятини тартибга солиш чоралари белгиланган:

- инвестиция фаолиятининг Қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларининг, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларини табакалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларнинг жадал амортизация қилиш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- инвестиция лойиҳаларининг экспертиза қилиш механизмининг такомиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини юритиш.

3. Инвестиция фаолиятида ташқи иқтисодий сиёсатни тартибга солиш усуллари.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини тартибга солиш ҳам муҳим аҳамиятига эга.

Ташқи иқтисодий сиёсат – бу миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора – тадбирлар мажмуасидир.

Бирор давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати **протекционизм** деб аталади ва бу сиёсатнинг айрим усуллари халқаро айрибошлашнинг бирмунча эркинлашувига қарамай, барча мамлакатлар томонидан қўлланилади.

Маълумки, тарихан таркиб топган объектив ҳолатга қараб Ўзбекистон собиқ Иттифокдош республикалар иқтисодиёти билан ҳамбарчас боғланган эди. Шу боис Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият икки йўналишда олиб борилмоқда; биринчидан, собиқ иттифокдош республикалар билан, иккинчидан, республика илгари бевосита ўзаро муносабатларда бўлмаган хорижий давлатлар билан. Агар биринчи йўналиш, Ўзбекистонни кам харажатлар сарфлаб, кенг қўламда ҳам ашё, тайёр маҳсулотлар, технологиялар, фан-техника ахборотлари бозорига кириб боришини таъминласа, унга кудратли транспорт тармоқлари ва алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратса, иккинчи йўналиш, республика иқтисодиётини кенг равишда жаҳон ҳамжамиятига бирлашувининг иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш имконини беради.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатини шакллантиришда собиқ Иттифокдан мерос бўлиб қолган иқтисодий алоқаларнинг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- Асосан анъанавий товарлар савдоси билан чекланиб қолиш, халқаро иқтисодий муносабатларнинг хизматлар ва ахборотлар, молия капитали ва ишчи кучи билан айрибошлаш каби турларини деярли ривожланмаганлиги;
- Импортнинг экспортдан устунлиги. Масалан, 1990 йилда республикаимизнинг ташқи савдо обороти ташиб келтириш ҳажми 2,8 млрд. сумни, четга маҳсулот чиқариш ҳажми 1,2 млрд. сумни ташкил этган эди;
- Экспорт ва импорт структурасининг самарасизлиги: четга асосан ҳам ашё чиқарилган, четдан халқ истеъмоли моллари келтирилган.

Бундай ҳолат республика иқтисодиётидаги номутаносибликни янада чуқурлаштирди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига қушилиши Республиканинг мавжуд имкониятларини объективни баҳолашни ва улардан миллий манфаатлар йулида имкони борича тулик фойдаланишни талаб қилади.

Эслатиш лозимки, Ўзбекистон собиқ Иттифокнинг йирик республикаларидан

бири бўлиб, аҳолисининг сони бўйича 3-уринни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича 5-уринни эгаллаб келган. Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми бўйича Болгария, Сингапур, БАА, Кувайт каби давлатлардан олдинда бўлиб, дунёдаги 40 та йирик мамлакатлар каторига киради. Республика табиий ресурсларга бой, саноатда ва кишлок хўжалигида етарли даражада ривожланган айрим ишлаб чиқаришларга эга. Масалан, Ўзбекистон табиий газ казиб олишда дунёда 9- уринда, олтин казишда 7-уринда, олтингугурт кислотаси ва менерал угитлар ишлаб чиқаришда ҳамда пилла етиштиришда 7- уринда туради. 90-йиллар Ўзбекистон иқтисодий мустакиллигининг дастлабки босқичи ҳисобланади ва давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг мақсадлари шу даврнинг ўзига ҳос хусусиятларига мос келиши керак. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилар:

- Экспортни ривожлантириш ва унинг тузилишини яхшилаш. Чунки экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш миллий ишлаб чиқаришни техник иқтисодий жихатдан жаҳон даражасига кутаради, унинг тузилишини такомиллаштиради, республика валюта захираларини купайтиради;

- Импорт тузилишини такомиллаштириш, яъни миллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтиришга қаратиш, илгариги хато ва камчиликларни бартараф этиш;

- Ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жихатидан янги босқичга кутариш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш;

- Ўзбекистон иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, яъни маълум даражада ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт – импорт операциялари, валютани олиб чиқиш, бошқа халқаро битимлар устидан давлат назоратини ўрнатиш.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати аниқ белгиланган мақсадлар ва уларни амалга ошириш учун асосий тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, Республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминловчи соҳаларини аниқлаш.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб – қувватлаш усулларида кенг фойдаланиш. Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

- Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича кўп муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни суғурталаш;

- Экспорт қилувчиларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариши харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш;

- Давлат томонидан республикага замонавий технологиялар, тажрибалар, билимларни кириб келишига субсидиялар ажратиш;

- Экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар бериш;

- Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи, хориждан келтириладиган хом – ашё ва материаллар, асбоб – ускуналар ва жиҳозлар улушини босқичма – босқич камайтириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий – сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашинувини таъминлашни, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислохотини тугаллашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат

ташкilotлари томонидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлаш жараёнини ўзида акс эттиради. Бу чора-тадбирлар мамлакатнинг халқаро ихтисослашувдаги иштирокидан келадиган фойдани олиш, жаҳон хўжалигидаги даврий пасайишларнинг таъсирини йўқотиш ёки камайтириш, шунингдек валюта курсларининг тебраниши ва жаҳон иқтисодиётидаги бошқа салбий ҳодисаларнинг ички иқтисодиётга таъсирини пасайтиришга ёки йўқотишга, дунё бозорида миллий ишлаб чиқариш мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бошқача айтганда, давлат томонидан тартиблаш ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифасини, яъни миллий иқтисодиётни самарали ривожланиши учун қулай ташқи шароит яратишни кўзда тутувчи чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартиблашга туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатларда катта аҳамият берилади. Айниқса Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва хўжалик юритишнинг янги моделини шакллантиришда бош ислохотчи сифатида давлатга муҳим роль ажратилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш қуйидаги ташкilotлар орқали амалга оширилади:

- Республика Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш стратегиясини аниқлайди, унинг норматив базасини ишлаб чиқади ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ҳаракатига умумий раҳбарликни ва улар устидан назоратни амалга оширади;

- ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги – ягона ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни, халқаро алоқаларнинг барча иштирокчилари, яъни давлат, ширкат, пайчилик, жамоат, хусусий ташкilotлар фаолиятини назорат қилишни таъминлайди;

- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг давлат усуллариини ишлаб чиқади ва қўллайди (божхона тарифлари, экспорт квоталари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга рухсат ва бошқалар);

- вазирликка тақдим этилган рўйхатга мос келувчи маҳсулотлар бўйича экспорт-импорт операцияларни ўтказди;

- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тузиладиган ташқи иқтисодий шартнома ва келишувларни текширишни амалга оширади.

«Инновация», «Ўзагроимэкс», «Интерсервис», «Ўзташқитранс», «Ўзэкспомарказ» - Ташқи иқтисодий алоқа Вазирлиги тизимидаги йирик хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо ва иқтисодий ташкilotлар ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият банки ёки республика Миллий банки:

- ташқи иқтисодий операцияларга хизмат кўрсатади, шунингдек экспорт-импорт, сармоявий ва бошқа битимлар тузади;

- корхоналар, ташкilotлар, хусусий шахсларнинг валютадаги ҳисоб-китобларини олиб боради;

- хорижий валюта сармояларини жалб этади, уларга хизмат кўрсатади, валютадаги кредит заҳираларини йўғади ва валютада кредитлашни амалга иширади;

- валюта заҳираларини яратади, сақлайди ва республиканинг валюта манфааиларини ҳимоя қилади.

«Ўзбекинвест» Давлат суғурта компанияси мамлакат ва хорижий

инвестицияларни суғурталаш бўйича ташкилот ҳисобланади.

Давлат Божхона қўмитаси божхона масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари ичида божхона божлари ва тарифлари жуда муҳим ҳисобланади. Улар ёрдамида халқаро муносабатларнинг кўринишларидан бири бўлган ташқи савдо тартибга солинади. Тарифларни ўзгартириш орқали давлат экспорт ва импортни рағбатлантириши ёки қисқартириши, унинг тузилишини вужудга келтириши, бу орқали эса миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Божхона божи — бу мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқилаётган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир. Халқаро амалиётда божхона божларининг турли хиллари қўлланади ва уларни ҳисоблаш йўллари, ифодаланиши ҳамда ҳаракат соҳасига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

Амалиётда қўлланиладиган божхона божлари турлича. Агар уларнинг ҳисоблаш бўйича гуруҳланишини кўрадиган бўлсак, маҳсулот нархига нисбатан фоизда белгиланадиган адвалер божлар жаҳонда кўпроқ тарқалган. Шу сабабдан ҳам божнинг бу тури қўлланиладиган мамлакатларда маҳсулотнинг бож қийматини, яъни адвалер божларини ҳисоблашига асос бўлган маҳсулотнинг нархини аниқлаш усуллари катта эътибор берилади. Унинг ортиқ белгиланиши тариф ставкасини кўпайиши билан тенг кучлидир. Бож қиймати, импорт ва экспорт қилувчи, ташувчи ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан маҳсулотлар баённомасида кўрсатилади ва шунга мувофиқ ҳужжатлар билан тасдиқланади. Аммо баъзи ҳолларда божхона маҳсулотнинг эълон қилинган нархини тан олмасликка ва уни ўзи мустақил аниқлашга ҳуқуқи бор.

Амалдаги қўлланилаётган усулга қараб маҳсулот нархи 20 — 25 фоиз, ҳатто 2 мартагача кўпайтирилиши мумкин. Шунинг учун маҳсулот нархини белгилашнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб; уни белгилаш қоидалари тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош битимга (ГАТТ) киритилган. Шунингдек, жаҳон амалиётида ташқи савдони тартибга солишда ўзига хос (специфик) ва аралаш божлар ҳам қўлланилади.

Божхона божларининг ифодаланиши ва фаолият соҳаси бўйича бирлаштирилган иккинчи гуруҳи аввало импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлар давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Ўз навбатида улар энг кам ва энг кўп миқдордаги импорт божларга бўлинади. Энг кам миқдордаги импорт божлар ўзаро қулай шароитлар тартибини яратиб беришни кузда тутувчи савдо шартномалари ва битимлари бўлган мамлакатлар маҳсулотларига ўрнатилади. Энг кўп миқдордаги импорт божлари эса бундай шартнома ва битимлар тузилмаган мамлакатлар маҳсулотига нисбатан ўрнатилади. Ундан ташқари кўплаб мамлакатларда имтиёзли божлар ҳам қўлланилади ва бу божлар асосан ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинаётган маҳсулотларга нисбатан ўрнатилади.

Экспорт божлар мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигини олдини олиш мақсадида белгиланади. Импорт ва экспорт божлар билвосита таъсир кўрсатиш усуллари гуруҳига тааллуқлидир. қолганлари эса бевосита таъсир кўрсатиш усулларига киради.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек божхона божлари ставкаси, яъни уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифлари қандайдир белгилашга кўра тақсимланган маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилари (классификаторлари) асосида курилган. Бундай белгиларга ишлаб чиқариш, табиий фарқлар (хайвонот ва ўсимлик дунёси) қайта ишлаш даражаси (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар)ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Замонавий шароитда жаҳон савдосида товарларни шархловчи сифатида БМТнинг халқаро савдо классификаторидан, Брюссель Божхона Номенклатураси номланган классификаторидан кенг фойдаланилади. Бу классификаторлар маҳсулотларни тарифлаш ва шартли белгилашнинг уйғунлаштирилган тизими бўлиб, унда олти хонали шартли рақамли белгига эга бўлган маҳсулот ҳақидаги асосий маълумотлар ҳамда унинг маҳсулотлар номенклатурасидаги ўрни кўрсатилган.

Божхона тарифлари бир ёки бир неча бож миқдорлари устунига эга бўлиши мумкин, яъни улар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий божхона тарифлари устун маҳсулотлар келиб чиққан мамлакатлардан қатъий назар маҳсулотларга ягона ставкаларни кўзда тутди. Мураккаб божхона тарифлари устунда эса, маҳсулот бир неча бож ставкаларига эга бўлади ва у ёки бу мамлакатга унда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий вазиятга қараб танлов асосида қўлланилади.

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усуллари қараганда бевосита усуллари кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усуллар ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёри ҳукукий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

Лицензиялаш — бу ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорт, молия операциялари ўтказиш, хорижда ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар кириди. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади, бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган. Лицензиялаш маълум вақт давомида умумдавлат мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар, хизматлар билан битимлар бўйича экспортни (импортни) чегаралаш ва носоғлом рақобатни огоҳлантириш чораси сифатида қўлланилади.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солишга, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралашга ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишини тўхтатишга ҳамда савдо балансини тенглаштиришга имкон беради.

Лицензиялар Бош лицензиялар ва бир марталик лицензияларга бўлинади. Бош лицензиялар Марказий ҳукумат томонидан берилади ва ўзида маълум мамлакатларга стратегик бўлмаган, лицензия ҳужжатларини ҳақиқатда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган маҳсулотлар экспортига расман рухсат беришни акс эттиради. Бир марталик лицензиялар лицензия бериш ҳукуқига эга бўлган давлат идоралари томонидан экспорт ёки импорт бўйича ҳар бир алоҳида битимга рухсат кўринишида берилади.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек Марказий банк.

Белгиланган чегаралар доирасида амалга ошириладиган битимларга лицензиялар ҳар бир алоҳида битим учун мол етказиб бериш ҳажми ёки қийматига Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармонида белгиланган квоталар доирасида лицензиялар бериладиган маҳсулотлар рўйхати, экспорт қилиш тақиқланган маҳсулотлар рўйхати ҳам белгиланган. Булар асосан муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари давлат ресурсларидан ун, гўшт, ҳайвон ёғи, чой, қанд ва бошқалар. Олинган лицензиялар нусхаси Ўзбекистон давлат чегарасидан маҳсулотларни ўтказиш учун асос ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда импортни лицензиялаш уни чегаралаш мақсадида киритилади. Масалан, Ҳиндистонда истеъмол молларининг импорти деярли тақиқланган, улардан баъзилари хорижда фақат махсус давлат ташкилотлари томонидан сотиб олинади.

Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан республика Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ўз ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар миллий молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарисида чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш, хорижий молия-кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Умуман, молия операцияларини лицензиялаш давлатга мамлакат ичида валюта оқими ҳаракатини тартибга солиш имконини беради.

Миллий давлат ва шунга ўхшаш тузилмаларга бериладиган ишга жойлаштириш лицензиялари, уларга хорижий шериклар билан келишган ҳолда хорижга ўз, ишчи кучини етказиб бериш ҳуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсулотлар, шунингдек ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ёки импортга миқдорий ёки қиймат чегараларни (квоталарини) белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини, ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун, музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмол молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш асосан халқаро барқарорлаштириш битимларига мувофиқ қўлланилади. Бу битимлар, қандайдир бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда ёки экспорт қилишда ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг ҳиссасини белгилайди.

Масалан, нефть экспорт қилувчи мамлакатлар халқаро ташкилоти ҳиссасига жаҳон нефть захираларининг 77 фоиздан ортиғи туғри келади. Нефтнинг жаҳон бозоридаги нархини барқарорлаштириш мақсадида бу ташкилот ўз аъзоларига экспорт квоталари миқдорини белгилайди. 1991 йилда Саудия Арабистони учун кунига — 5,4, қувайт учун — 1,5, Ироқ учун — 3,1, Эрон учун — 3,1, Бирлашган Араб Амирликлари учун — 1,5, Венесуэла учун эса — 1,9 млн. баррель миқдорида

нефть экспорт қилиш белгиланган эди.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларини эмас, балки ишчи кучи оқимларини ҳам тартибга солишда қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Лицензиялаш ва квоталашдан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятни турли кўринишларини тартибга солиш мақсадида иқтисодий ҳарактердаги бошқа бевосита усуллар ҳам қўлланилади. Уларга божхона божларининг баъзи турлари, экспортни ихтиёрий чегаралаш, пасайтирилган экспорт баҳоси ва энг кам импорт баҳоси, экспорт субсидиялари, корхона низом фондида капитал ҳиссасини аниқлаш, белгиланган валюта курси ва бошқалар киради.

4. Инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллари.

Инвестицияларнинг иқтисодиётга кириб келиши ва уларнинг интенсивлиги бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, бу омиллар бир суз билан инвестицион муҳит деб аталади.

Инвестицион муҳит бир неча омиллардан иборат. Уларнинг асосийлари қуйидаги-лардир:

1. инвестиция сиёсати;
2. инвестиция иқлими;
3. инвестиция фаолияти инвестиция;

Инвестиция сиёсати инвесторларнинг ҳақ ҳуқуқлари, имтиёзларини таъминлаш билан бир каторда иқтисодиёт тармоқларига тегишли асосий фондларни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришга йуналтириш, солиққа тортиш механизми ва молия-кредит сиёсатини таъминлаш билан билан боғлиқ бўлган тадбирлар йигиндисидан тркиб топади.

Инвестиция иқлими, яъни климати, жуда кенг маъноли тушунча бўлиб, бунда, инвесторлар томонидан уз маблағлари қай йўсинда сарфланиши турли усуллар орқали баҳоланади, мисол учун, мамлакатда капитал қўйилмаларни жойлаштириш учун яратилган шарт-шароитлар қанчалик даражада эканлигига баҳо берилади, шунингдек, мамлакатнинг ички сиёсати, иқтисодиёти, маданияти ва хатто мафкураси ҳам ҳисобга олинади.

Инвестиция иқлими тушунчаси микро ва макроиқтисодий доираларда кўриб чиқилади ва улар ўзаро бир- бири билан узвий боғлиқ бўлади.

Макро доирадаги бу тушунча мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият сингари омилларни ўз ичига олади. Жумладан, давлатнинг инвесторлар хусусидаги сиёсати, халқаро битимларга риоя қилиш анъаналари, хорижий инвестицияларни национализация (миллийлаштириш) қилишга мойиллик, молиявий институтларнинг мустахкамлиги, иқтисодиётда давлат аралашувининг даражаси ва бошқалар сингари кўрсаткичлар хал қилувчи ролни ўйнайди.

Микро иқтисодий инвестиция иқлимида эса инвесторнинг конкрет субъектлар, яъни давлат органлари, хўжалик субъектлари, мол етказиб берувчилар, меҳнат жамоалари, молия кредит тизимлари билан бўладиган муносабатлари намоён бўлади

Инвестицион фаолият, инвестициялашнинг энг асосий марказий бўғини ҳисобланади, чунки айнан шу жараёнда инвестиция бир кўринишдан иккинчи кўринишга утади, яъни жамғармалар(ресурслар), қўйилмалар (харажатлар),

капитал мулк (тайер махсулот), иқтисодий самара (даромад, фойда) шаклини олади.

Қонуний иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, солиқ тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган субъектлар орасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи Қонуний механизмларнинг йўқлиги, инвестиция даражаси, миллий валютанинг курси, чет эл инвестицияларининг суғурта қилиш билан боғлиқ химоя механизмларининг поёнига етказилмаганлиги, инвестицион лойихалар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқлиги, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ва шу кабилар инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, инвестиция муҳити сармояни муайян объектга ёки мамлакатга жойлаштиришнинг барча афзалликларини белгилайдиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ва бошқа шароитлар мажмуидир.

Назорат учун саволлар:

1. Инвестиция фаолияти субъектлари сифатида давлат инвестицияларининг роли ва вазифалари.
2. Инвестиция фаолияти субъектлари сифатида хусусий инвестицияларининг роли ва вазифалари.
3. Инвестиция фаолияти субъектлари сифатида чет эл инвестицияларининг роли ва вазифалари.
4. Инвестиция ресурслари ҳақида тушунча.
5. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар.
6. Инвестиция иқлими ҳақида тушунча.
7. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари.
8. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш йўналишлари.
9. Жадаллаштирилган амортизациянинг корхона инвестиция фаолиятига таъсири.
10. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари турлари.
11. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг роли ва вазифалари.
12. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда ташки иқтисодий фаолиятнинг роли.
13. Протекционизм сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.
14. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда фаолиятни лицензияшлашнинг роли.
15. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда божхона божларининг роли.
16. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда квоталашнинг роли.

3-мавзу. Иқтисодийни ривожлантиришда хорижий инвестициялар (4 соат).

Режа:

1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги роли.
2. Хорижий инвестицияларни иқтисодийга жалб қилишнинг объектив зарурлиги.
3. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ва улар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар.
4. Миллий иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари.

3-мавзу. Иқтисодийни ривожлантиришда хорижий инвестициялар (4 соат).

1. Хорижий инвестицияларни моҳияти ва жалб қилишнинг эволюцияси.
2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва улар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар.
1. Хорижий инвестицияларни моҳияти ва жалб қилишнинг эволюцияси.

***Таянч иборалар:** хорижий инвестиция, интеграция, валюта захиралари, экспорт, импорт, преференция.*

1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги роли.

Биз мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантириш тадбирларини уч босқичга бўлиб ўрганишимиз мумкин. Биринчи босқич 1920-1940 йилларни, иккинчи босқич 1987-1991 йилларни, учинчи босқич мамлакатимизнинг мустақиллик даврини ўз ичига олади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантиришнинг биринчи босқичида «концессия» шартномалари марказий ўринда турган.

1925 йилда собиқ Иттифоқда 92 та хорижий концессия шартномаси мавжуд бўлиб, улардан 43 таси саноат тармоғида фаолият кўрсатган. қолганлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ташкил қилинган. Ушбу корхоналарда 54 мингга яқин ишчи ва хизматчилар меҳнат қилган. Бу ўша давр учун юқори кўрсаткич ҳисобланар эди. Концессия шартномаси асосида фаолият кўрсатган хўжалик субъектлари хусусий корхоналардан ортида қолса ҳам улар иқтисодий самарадорлиги юқорилиги билан ажралиб турган. Масалан, америкалик капиталист Арманд Хаммер Москвада перо ва қалам ишлаб чиқариш фабрикаси ташкил этиб, қисқа давр ичида ушбу товарларга бўлган ички талабни қондириш билан бир қаторда, хорижга ҳам экспорт қила бошлаган.

Бошқа бир америкалик тадбиркор Аверелл Гарриман Сибирдаги марганец конларидан бирига эгалик қилган. Аммо у тадбиркорлик фаолияти айна авжига чиққан даврда, шарт-шароит тақозосига кўра, концессия ҳуқуқини ҳукуматга сотишга мажбур бўлди.

1937 йилга келиб, мамлакатда охириги концессия шартномаси бекор қилинди. Сўнгра давлатга хорижий инвестицияларнинг кириб келишига бутунлай чек қўйилади.

1987 йилдан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига молиявий тангликдан ва иқтисодий турғунликдан чиқишга ҳаракат бошланди. Мазкур даврни биз хорижий инвестицияларнинг иқтисоддаги ўрнининг иккинчи босқичи, деб белгиладик.

Собиқ Иттифоқда олиб борилган қайта қуриш жараёни хорижий капиталга

ҳам ўз таъсирини ўтказди. 20-30 йиллардаги концессия шартномалари юксак ривожланишга ўз таъсирини кўрсатмасда, хорижий инвестицияларни ривожлантиришнинг назарий ва сиёсий йўналишларини белгилаб берган эди. Социалистик лагердаги давлатларда хорижий инвестициялар дастлаб Польша, Венгрия, Хитой Халқ Республикаларига ва сўнг собиқ Иттифок давлатига ҳам етиб келди.

Дастлабки хорижий инвестицияли корхоналар 1987 йилнинг январ ойидан бошлаб ташкил қилина бошланди. Бу жараён қайта қуришнинг дастлабки даврларига тўғри келган, ҳали бу вақтда «Тўла хўжалик ҳисоби ҳақида» ги қонун қабул қилинмаган эди. Бироқ ҳаракатлар қаттиқ ва қатъий бўлсада, кутилган натижа олинмади. Хўжалик юритишнинг янги йўналиши кучга кирган биринчи йилда бор йўғи 23 та қўшма корхона рўйхатдан ўтди. Иккинчи йили қарийб 200 та ва кейинги йили яна 800 та хорижий инвестицияли хўжалик субъекти ташкил қилинди. қўшма корхоналар тузиш бўйича ҳамкор ГФР, Италия ва Финландия давлатлари бўлиб, АҚШ ва Япония давлатларининг улуши деярли йўқ эди. Рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар Устав фондида хорижий шерикнинг улуши жуда кам бўлиб, 15 млн. рублдан ошмас эди. Бунинг устига рўйхатдан ўтган корхоналарнинг бор йўғи 10 фоизи фаолият кўрсатгани ҳам бу борада инвестиция муҳити яхши эмаслигидан далолат берар эди.

Хорижий инвестицияларнинг келишига ва қўшма корхоналар ташкил этишга аввало ҳуқуқий чеклашлар дастлабки сабаб бўлди. Яъни қўшма корхона устав фондида хорижий ҳамкорнинг улуши кўпи билан 49 фоиз қилиб белгиланган, бунинг устига корхонага албатта маҳаллий фуқаро бош раҳбар этиб тайинланиши лозим эди.

1988 йил декабрга келиб, қўшма корхонада хорижий капитал улуши бўйича чекловлар қисман олиб ташланди; корхона раҳбари албатта маҳаллий кадр бўлиши тўғрисидаги қоида бекор қилинди; корхона ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиб қоидалари соддалаштирилди. Қўшимча солиқ имтиёзлари берилди бошланди. Энди фақат давлат ташкилотларигина эмас, балки кооперативлар ҳам хорижий шерик билан қўшма корхона қуриш имконига эга бўлди.

90-йиллар бошида хорижий сармоядорлар иттифокдаги сиёсий иқтисодий ислохотларнинг барқарорлигига ишончсизлик билан қарадилар. Гарчи улар мамлакатдаги демократик ҳаракатлар ва ошқораликни қўллаб қувватласаларда, лекин эски вақтларга қайтиш эҳтимоли борлиги учун шошилмасдан, қулай сиёсий «обҳаво»ни кутишди. Истиқболли хорижий сармоядорларнинг асосийлари собиқ Иттифок давлатидаги маъмурий буйруқбозлик усули сақланиб қолганлиги ва айрим идораларда устувор аҳамият касб этаётганлигини сезишарди.

Собиқ Иттифокда томонлар манфаатларининг уйғунлашмаганлиги ва режали иқтисоднинг бозор иқтисодига мос келмаслиги, қолаверса, шўро мутахассисларининг бозор қонунларини тан олмаслиги ҳам хорижий сармоя солишга тўсиқ бўлди. Ушбу фикрни исботлаш учун бир мисол келтирамиз. Америкалик бир фирма эгаси озиқ овқат хом ашёсини қайта ишлайдиган завод дастгоҳларини сотиш ҳақида иттифокдаги Озиқ овқат саноати вазирлиги билан шартнома тузган. Ушбу завод жамиятга ҳаводек зарур бўлиб, зарарларни қискартиришга ва импортга талабни тубдан бартараф этишга хизмат қилиши лозим эди. Шартномага биноан дастгоҳларни қулай бино билан таъминлаш вазирликка юклатилган. Бироқ таклиф этилган бино дастгоҳлар учун мос бўлмаган. Агарда бу бинодан фойдаланиладиган бўлса уни кўтариш ёки дастгоҳларни кичрайтириш

керак эди. Хорижий вакилнинг бошқа бино бериш ёки янги бинони тез куриб олиш учун бир парча ер беринглар, деган мурожаатларига рад жавоби берилган. Зотан, режали иқтисод учун бундай тезкорлик ёт эди. Шундай қилиб, маъмурий буйруқбозлик тизимининг бюрократик иллатлари сабабли фойдали лойиҳа барбод бўлган эди.

Бинобарин, иқтисодий, сиёсий манфаатларнинг уйғунлашмаганлига кўплаб тушунмовчиликларга олиб келган. Шу сабабли, 1990 йил охирида собиқ Иттифок давлатида қарийб 4000 га яқин қўшма корхона рўйхатга олинган бўлсада, улардан бор йўғи 1/3 қисмигина фаолият кўрсатган, холос. Мазкур қўшма корхоналарнинг асосийлари собиқ Иттифокнинг Европа қисмида ташкил қилинган, Марказий Осиё Республикалари манфаатлари бу масалада ҳам эътибордан четда қолган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантириш асосан икки мезон бўйича ташкил қилинади:

1. Устувор тармоқларни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш;
2. Меҳнат ресурслари кўп ҳудудларда қўшимча иш жойлари ташкил қилиш.

Собиқ Иттифокда биринчи мезон бўйича етарлича тадбирлар амалга оширилади. Иккинчи мезон бўйича ҳам фақат иттифокнинг Европа қисмларида ишлар олиб борилди. Иш жойлари ташкил қилиш бўйича Кавказorti ва Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётига деярли сармоя солинмади. Пировардида, иқтисодий тангликка учраган мамлакатда молиявий инқироз янада кучайди, Эндиликда иттифокқа аъзо бўлган республикаларнинг ҳар бири ўз кучи ва иродаси ила тангликдан чиқиши лозим эди. Чунки йирик империядаги иқтисодий танглик шу қадар кучайган эдики, уни иқтисодий сиёсат орқали бартараф этиш мушкул эди.

Мустақилликка эришганидан сўнг ҳар бир республика ташқи иқтисодий алоқаларни ўзи эркин ҳал қила бошлади. Республикаларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиши хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантиришнинг учинчи босқичини бошлаб берди.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон режали иқтисоддан ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишни асосий мақсад қилиб олди. Биз собиқ Иттифок давридаги режали иқтисодиётда яшаётган давримизда қўшма корхоналарнинг афзаллиги сезилган эди. Ўша даврдан бошлаб, то иқтисодиётни янги шаклга ўтказгунга қадар қўшма корхоналар сони иттифок бўйича салмоқли бўлсада, бироқ Ўзбекистон шароитида бу кўрсаткич иттифокникидан бир неча бор кам эди. Албатта, бунинг қатор сабаблари бўлган. Бироқ фикримизча, бунда объектив сабабларга нисбатан субъектив сабаблар кўпроқ эди.

Кейинги йилларда ҳукумат раҳбарлари томонидан қўшма корхоналарга алоҳида эътибор берилди бошланди ва ҳозирги кунга келиб бу корхоналар учун Ҳамдўстлик давлатларига қараганда етарли иқтисодий ҳамда ҳуқуқий инфратизимлар яратиб берилди.

Бозор иқтисоди ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, улар ўз иқтисодини юксалтириш жараёнида, албатта, у ёки бу турдаги хорижий инвестициялардан фойдаланган. Бундай тажриба бизнинг республикамизга ҳам хос хусусият. Хорижий инвестициялар халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодига жалб этилган тақдирда бу тармоқлар босқичмабосқич ривожланади. Бундан қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самараларга эришилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, ишсизлик камаёди;

- иккинчидан, товар ва хизматларнинг асосий ўлчов мезони бўлган сифат яхшиланади;

- учинчидан, мамлакатга импорт қилиниши лозим товарлар ва хизматлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Натижада, валюта захиралари тежалиши билан бирга, валюта даромадлари кўпаяди;

- тўртинчидан, давлатлараро иқтисодий яқинлашув, сиёсий музокаралар орқали стратегик ҳамкорлик қилишга туб асос яратилади.

Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради. Капиталларнинг мамлакатлар бўйлаб кўчиб юришидаги асосий ҳаракатлантирувчи мотив -• уларни сафарбар этиш ҳамда банд қилишнинг нафлироқ шароитларидир.

Хар қандай давлат ташки иқтисодий алоқаларсиз фаолият кўрсата олмайди, чунки жаҳонда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар тури 21 миллиондан ортиқдир. Уларнинг барчасини ишлаб чиқаришга ҳеч бир давлатнинг қурби етмайди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Республикамизда 1994 йил 5 майда қабул қилиниб, амалда бўлган «Чет эл инвестицияси ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 1998 йил 30 апрелида қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоялаш чора тадбирлари тўғрисида»ги иккита янги Қонун билан алмаштирилди. Иккала янги Қонун ҳам инвесторларни ҳуқуқларини анча кенгайтиради, уларга қўшимча кафолатлар ва химоялаш чораларини беради ҳамда уларни илгари ҳуқуқ ва имтиёзларини асло камайтирмайди. Аксинча хорижий инвесторлар мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратади.

1998 йил 9 февралда Президентнинг «Чет эл инвестициялари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция дастурларини шакллантириш” департаменти ташкил этилди. У давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишга жавобгар бўлган бирдан бир ваколатли идорадир. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мониторинги жараёнида департамент фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат деб белгиланган:

- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳамма босқичларида уларнинг илгари силжишига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш муддатларини белгилаш;

- инвестиция фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Сармоядорларни жалб қилишни мақсад қилган ривожланаётган давлатларнинг ҳам, инвестицияларни йўналтираётган ривожланган мамлакатларнинг ҳам ўзига

хос стратегик мақсадлари бўлади. Уларни қуйидагича изохлаб бериш мумкин.

Ривожланган мамлакат сармоядорларнинг ривожланаётган давлатлар иқтисодига сармоя солишдан асосий манфаатлари қуйидагича:

- табиий бойликлардан фойдаланиш имконини олиш;
- янги бозорлар кашф этиш ва мамлакат иқтисодиётига кириб бориш;
- малакали ишчи ресурсларига кам харажат сарф қилиб юқори иқтисодий самара олиш;
- дунё бозорида рақобатга бардош берадиган товарларнинг янги турларини яратиш учун илмий изланиш ва техник янгиликлар натижасидан фойдаланиш;
- иқтисодий ва молиявий имтиёзларга эга бўлиш.

Ривожланаётган мамлакатларнинг хорижий сармоядорларини жалб қилишдан асосий стратегик мақсадлари эса қуйидагилардир:

- хорижий замонавий техник; ва технологиядан фойдаланиш;
- ички жамғармани қўшимча манбалар билан тўлдириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун хорижий бошқарув тажрибаларидан фойдаланиш;
- импортни қисқартириш ҳисобига валютани тежаш;
- асосан тайёр саноат маҳсулотлари ҳисобига экспортни кенгайтириш;
- маҳаллий иқтисодни мувозанатлаштиришга эришиш.

Ҳар қандай хорижий сармоядор қўшма корхона ташкил қилишдан олдин бу тадбир унинг учун қандай ва қанча иқтисодий, ижтимоий самара беришини таҳлил қилиб кўради. Агарда сармоядор ихтиёридаги бойлик иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона очмайди. Шундай экан, хорижий сармоядор учун шундай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиб бериш керакки, пировардида, улар ҳам, мамлакат ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий самара олиши лозим.

Марказий Осиё кейинги йилларда ислоқотларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичларига хос бўлган БЧИни жалб этишдаги юқори суръатларни йўқотди.

Кейинги йилларда жалб қилинган БЧИ ҳажмининг бир қадар ўсиши Қозоғистон бўйича кузатилади. Марказий Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатларда эса жалб қилинган БЧИ ҳажми кескин ўзгаришларсиз сақланиб келмоқда.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг маълумотларининг кўрсатишича, БЧИ ни жалб қилиш ҳажми бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар орасида қозоғистон ва Туркманистондан кейин учинчи ўринда туради.

1-жадвал

**Марказий Осиё мамлакатларига бевосита
чет эл инвестициялари динамикаси.
(млн. АКШ долларида)**

Мамлакатлар	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Қозоғистон	635	964	1,137	1,320	1,136	1,584	1,244	2,000
Қирғизистон	38	96	47	83	109	38	29	40
Тожикистон	12	10	18	18	25	21	22	22
Туркманистон	103	233	108	108	62	89	131	150
Ўзбекистон	73	24	90	167	140	121	73	71
Марказий Осиё	861	1,279	1,400	1,696	1,472	1,853	1,499	2,283

бўйича								
--------	--	--	--	--	--	--	--	--

Қиёсий кўрсаткичлар асосида, БЧИ келиш оқимларини баҳолаш учун асосий маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларига БЧИ оқими (тўлов балансида соф оқимлар)

Мамлакатлар	2001-2008 йиллардаги жами БЧИ (млн. АҚШ долл.)	2001-2009 йил- ларда аҳоли жон бошига жами БЧИ, (АҚШ долл.)	Аҳоли хон бошига БЧИ (АҚШ долл.)		ЯИМга нисбатан БЧИ (фоиз)	
			2007	2008	2007	2008
Қозоғистон	8,593	577	106	84	9,4	6,8
Қирғизистон	440	93	8	6	3,0	2,2
Тожикистон	144	23	3	4	1,9	2,2
Туркменистон	913	171	17	24	3,8	4,4
Ўзбекистон	697	28	5	3	1,5	1,2

Ҳар бир мамлакат ўз тараққиети хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда БЧИнини ёки янги корхоналар ташкил қилиш орқали жалб қилиш сиёсатининг ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларига (самарадорлик, ишлаб чиқаришни ўстириш, даромадларни тақсимлаш, бозорларга кқриб бориш ва бошқалар) қараб ўзи мустақил белгилайди. Ҳозирги босқичда БЧИ ни Ўзбекистонга жалб этиш биринчи навбатда хусусийлаштириш жараёнлари ва иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Бевосита чет эл инвестицияларининг дунё бўйича умумий ҳажми 1980 йилдагига қараганда 14 баравардан зиёд ўсиб, 2003 йил ҳолатига, жами 7 трлн АҚШ доллариغا етди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 64 мингга яқин мамлакатлараро компаниялар мавжуд бўлиб, улар 870 мингта хорижий шуъба корхоналари фаолиятини назорат қилиб туради. Ушбу корхоналар сотилаётган маҳсулотлар ҳажми тахминан 18 трлн АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ўз навбатида, бутун жаҳон экспорти ҳажмидан 2 бараваридан зиёддир.

Мустақиллик йилларда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар масалалари тегишли қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар,¹⁰ чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иктисодиётининг, қонун билан тақиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкый, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молилаштириш манбаига киради. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда, фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига таалукли. Чунки, чет эл кредитлари ва ҳалқаро мойия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан бярға белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб этиладиган хорижий инвестициялар билан, яъни реал инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир.

Шунинг учун республикамизда 2007 йилги инвестиция дастури доирасида 1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилиши мўлжалланган бўлиб, бу маблағларнинг қарийб 68 фоизи тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки ҳалқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган ҳалқаро ташкилотлар;
- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилтопган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳарқандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;
- 100% мол - мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Ҳозирги кунда республикамизда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 33 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 300000 АҚШ долларига тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган (Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудлари учун 150000 АҚШ доллари) корхоналарга айтилади. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасига меёрий чегара қўйилиши сифатсиз маҳсулотларининг олди - сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш билан

шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш тури ҳам бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол - мулклари бир қисмини ажратиб, шуъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шуъба корхоналарга ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда ҳалқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Концессия шартномалари - бу табиий бойликларни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси эса чет эл инвестициялари иштирокида асбоб - ускуналарни, техника - технологияларни узоқ муддатга ижарага олиш.

Тендерлар эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир.

Эркин иқтисодий ҳудуд - бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир.

Молиявий активлар - бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишни мақсад қилган давлатларнинг шунингдек уларни жойлаштирадиган мамлакатларнинг ҳам ўзига хос стратегик мақсадлари бўлади. Уларни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин.

Инвестицияларни жойлаштирувчи давлатларнинг асосий манфаатлари ва мақсадлари қуйидагича:

- ҳудудда табиий бойликлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиш;
- янги бозорлар кашф этиш орқали мамлакат иқтисодиётига кириб бориш;
- ишчи ресурсларига кам харажат сарф қилиб юқори иқтисодий самара олиш;
- иқтисодий ва молиявий имтиёзларга эга бўлиш ва бошқалар

Хорижий инвестицияларни жалб қилувчи мамлакатларнинг асосий стратегик мақсадлари қуйидагилардир:

- замонавий илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- миллий иқтисодиётни қўшимча манбалар билан тўлдириш;
- хорижий бошқарув ва бошқа интеллектуал тажрибаларидан фойдаланиш;
- импортни қисқартириш ҳисобига валюта жамғармасини тежаш ҳамда экспортни кенгайтириш ва бошқалар.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади. Ўзбекистондаги хорижий инвестиция қатнашган корхоналар республика ҳудудида ўзининг филиаллари ёки вакил корхоналарини ташкил этишлари мумкин. Бундан ташқари улар бошқа давлатларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва улар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этмоқда. Инвестицияларни жалб этиш вазифасини давлатимиз кўп укладли бозор иқтисодиётини яратиш ва ривожлантириш асосида ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш билан боғлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси, Россия, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Хорижий инвестицияни ўз иқтисодиётига жалб этаётган ҳар бир давлат хорижлик шерикларига ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар яратиб беради. Бу жараён жаҳон тажрибасида синовдан ижобий равишда ўтган. Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестициялар тўғрисидаги қонунининг 9- моддасида шундай ёзилган: Республика ҳудудида ўз инвестиция фаолиятини олиб бораётган хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини Ўзбекистон Республикаси кафолатлайди. Бу кафолат, албатта, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида берилади. Агарда Ўзбекистоннинг янги қабул қилинган қонунчилиги инвестиция шароитларини ёмонлаштиради, ўн йилгача хорижий инвестициялар улар жалб қилинган даврда қабул қилинган қонунчилик шартлари сақланиб қолади. Бу талаб муҳофаза, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликни ўзгартирмайди. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ҳуқуқий нормативларни қабул қилган тақдирда, инвесторларга етказилган зарар шу органлардан суд орқали ундирилади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- қўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатида олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади ва давлат томонидан белгиланган имтиёз ва кафолатлар тизимига қўшилиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республикаимизда хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган

лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Бундан ташқари хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди.

Бу қарорга асосан, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютадаги қўйилмалар эса мажбурий тарзда сотилмайди, шунингдек, инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди - сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб - рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди. Бундан ташқари давлат улуши потенциал инвесторларга сотилаётган корхонанинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари реструктуризация қилиниши мумкин.

Агар чет эл сармоясининг улуши корхона устав фондининг 50 фоизи ва ундан кўпини ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан икки йил муддатга даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этилган.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича

Хорижий инвесторлар томонидан хорижий инвестицияли корхонага уларнинг устав капитали сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик ускуналар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги, болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқаришларида фойдаланиш учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган..

Мол-мулк солиғи бўйича

Устав фондида чет эл сармоясининг улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этадиган ишлаб чиқариш корхоналарининг мол-мулкини мол-мулк солиғига тортилмайди.

Ер солиғи бўйича

Чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида ер солиғини тўлашдан озод қилинадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона белгиланган имтиёз муддати тугашидан илгари тугатилган тақдирда солиқ суммаси корхонанинг фаолият юритган бутун даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқларнинг бир неча турлари бўйича

Экспортга йўналгарилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, солиқларнинг айрим турлари бўйича имтиёзлардан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредитини олиш ҳуқуқи берилган, фойда, қўшилган қиймат ва ер солиқлари бўйича бюджетга тегишли тўловлар икки йилга кечиктирилган. Бунда солиқ кредитига солиқ тўловларининг битта ёки барча учала тури бўйича ҳам

берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида нефть ва газ қидириш ва разведка қилиш билан шуғулланувчи чет эл компаниялари, шунингдек улар томонидан кўрсатилган ишларга жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган солиқлар, ажратмалар ва тўловларнинг барча турларини тўлашдан, геологик қидурув ишларини ўтказиш даврида озод қилинади. Нефть ва газ қидириш ва ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.

Чет эл компаниялари томонидан эксклюзив асосда шартлашилган ҳудудларда олиб бориладиган қидурув ва разведка ишларининг умумий муддати 5 йилдан ошмайди. Бунда бундан кейин геологик қидурув ишларини ўтказиш учун қизиқиш уйғонадиган майдонлар аниқланган тақдирда чет эл компанияларига ушбу майдонларда ишларни яна 3 йилга қадар муддат давом эттириш имконияти берилади. Нефть ва газга доир қидурув ва разведка ишларини амалга оширувчи чет эл компаниялари иштирокидаги, нефть ва газ қазиб олиш бўйича ташкил этиладиган қўшма корхоналар қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

- нефть ёки газ қазиб олиш бошланган пайтдан бошлаб 7 йил муддатга фойда солиғини тўлашдан. Кўрсатилган муддат тугагач, кўрсатилган қўшма корхоналар фойда солиғи ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Мол-мулк солиғини ва қўшма корхоналарда улушбай иштирок этишдан чет эл иштирокчилари оладиган даромаддан солиқ тўлашдан: қидурув ва разведка ишларига қўйилган сармояни қоплаш даврида, нефть ва газ қазиб олиш ва қайта ишлашга доир фаолият натижасида олинган маҳсулотни сотишдан валюта тушуми бир қисмини мажбурий сотишдан. Ҳукумат қарорига кўра Ўзбекистон республикасида нефть ва газни излаш, разведка қилиш ва қазиб олиш билан шуғулланувчи чет эл компанияларига айрим ҳолларда қўшимча, шу жумладан солиққа оид имтиёз ва преференциялар берилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш муҳимки, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, улар учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш омилларидан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари ва ривожланиш йўналишларидан, хусусан экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар, харидоргир халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва ҳоказоларда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари учун кўзда тутилган барча турдаги солиқ имтиёзларидан ҳам фодаланилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун имтиёз ва преференциялар солиқ қонунчилигидан ташқари, қонунчиликнинг бошқа соҳалари: божхона, банк қонунчидиги ва ҳоказоларда ҳам амал қилишни ҳам таъкидлаш зарур.

Назорат учун саволлар:

1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти.
2. Жаҳон амалиётида инвестицияларнинг интеграциялашуви.
3. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг узига хос мақсадлари.

4. Чет эл инветорлари томонидан хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жойлаштиришнинг мақсад ва вазифалари.

5. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳақида тушунча.

6. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун белгиланган имтиёзлар.

7. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун белгиланган кафолатлар.

8. Эркин иқтисодий савдо маконларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.

9. Эркин иқтисодий хизмат кўрсатиш (сервис) маконларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.

10. Илмий техникавий ва илмий ихтиро маконларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.

11. Эркин иқтисодий ишлаб чиқариш саноат маконларини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари.

12. Инвестиция мухити ва унга таъсир этувчи омиллар.

13. Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш узига хос имкониятлари.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БОЗОРДАГИ ИСТИКБОЛЛАРИ.

РЕЖА:

1. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмуни, тамойиллари ва тузилиш сабаблари.
2. Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари.
3. Эркин бозорни ташкил этувчи элементлари.
4. Эркин иқтисодий зоналарнинг турли мамлакатлардаги тажрибаси
5. Жаҳон иқтисодий интеграцияси жараёнларида эркин иқтисодий зоналарнинг роли
6. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратилиши истикболлари.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БОЗОРДАГИ ИСТИКБОЛЛАРИ.

1. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмуни, тамойиллари ва тузилиш сабаблари.

Жаҳон тажрибаси ва амалиётида ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўзига хос тажриба ва анъаналари мавжуд. Ҳозирда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққий этишига асос бўлган усуллардан бири бу мамлакатда маълум бир ҳудудни ёки

бутун бир кичик мамлатлар ўз иқтисодиётини эркин иқтисодий маконга айлантириб ривожланиш сари қадам қўйганлар.

Эркин иқтисодий маконларни асосан муайян бир давлатнинг маълум бир минтақаси ёки алоҳида бир ҳудудида ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Аммо ҳудуди ва маъмурий бошқарув тизими унча катта бўлмаган алоҳида давлатларнинг бутун иқтисодиёти эркин иқтисодий маконларга айлантирилган ҳоллар ҳам учраб туради. Эркин иқтисодий маконларни ташкил этишдан асосий мақсад қисқа муддатларда мамлакатни ривожланган жаҳон ҳамжамияти аъзолари қаторига қўшиш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни тезлаштиришдан иборат.

Ушбу маконларнинг ташкилий тузилиши ва номланиши турлича бўлсада, уларни ташкил этишдан асосий мақсад имкон қадар хорижий инвестицияларни, замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш ҳисобига мавжуд иқтисодий, молиявий ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Тарихий манбалар далолат беришича, эркин божхона ва товарларнинг транзит маконлари бундан бир неча аср олдин пайдо бўлган бўлиб, улар давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда кенг қўлланилган. Масалан, Шарқ ва Европани бевосита савдо орқали боғлаб келган Буюк Ипак йўлини божхона ва маҳсулотларни транзит қилиш эркин маконига мисол бўла олади.

Эркин иқтисодий маконларнинг қарор топишини тавсифловчи белгилар орасида қуйидаги омиллар алоҳида ўрин тутади:

- инвестор учун ҳудуднинг иқтисодий жуғрофий ҳолати жуда қулай бўлиши шарт;

- камида минтақавий аҳамият касб этувчи магистрал йўлларнинг кесишган жойлари бўлиши лозим;

- денгиз ва дарё портларига яқин бўлишлари керак;

- аэропортлар халқаро мақом олган бўлишлари лозим.

Эркин иқтисодий маконларда маъмурий бошқарув тизими алоҳида бир махсус мақомга эга бўлиб, инвесторлар хом ашё ва материалларни импорт қилиш ҳамда тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнида божхона тўловларидан тўлиқ озод қилинади ёки маконнинг маъмурий бошқарув органларини молиялаштиришга етарли даражадаги имтиёзли солиқ тўловлари ўрнатилади. Инвесторларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи кенгайди ва уларга кенг қўламли солиқ таътиллари тақдим этилиши билан бирга, божхона назорати минимал даражага туширилади.

Дунё тажрибасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бир нечга кўринишдаги эркин иқтисодий маконлар мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- **Эркин савдо маконлари.** Ушбу маконнинг ўзига хос белгилари шундан иборатки, улар камида минтақа аҳамиятига эга бўлган магистрал йўллар кесишган жойларда, шу жумладан, денгиз ва дарё бандаргоҳи ёнидаги портлар ҳудудида ташкил этилади. Уларда божхона тўловлари ва транзит йиғимлари минимал даражада бўлиши шарт.

- **Ишлаб чиқаришсаноат маконлари.** Мазкур маконни ташкил этишдан асосий мақсад хорижий бозорларга тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бўлиб, давлатнинг иқтисодий салоҳиятини тайёр маҳсулотлар орқали реклама ва тарғибот қилишдир. Натижада, мамлакатга чет эл инвесторларининг қўшимча

сарфхаражатларсиз кириб келиши учун руҳий таъсир кўрсатиш имкониятлари пайдо бўлади.

• **Илмий-техникавий ва илмий ихтиро маконлари.** Ушбу маконлар таркибига ташқи бозорни компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникалари орқали забт этиш мақсадида мавжуд технологик парклар замирида ташкил этилган «Технополис» маконлари киради.

• **Хизмат кўрсатиш (сервис) маконлари.** Ушбу макон шаклининг ўзига хослиги шундан иборатки, унда турли кўринишдаги молиябанк марказлари, суғурта бозорлари ва фонд биржалари ташкил этилади. Бундан асосий мақсад молиябанк хизматидан кенг имтиёзлар бериш ҳисобига юқорисалоҳиятга эга хорижий инвесторларнинг ликвидли капиталларини жалб қилишдир.

Муайян уставга эга бўлган эркин иқтисодий маконларнинг кенг тарқалиши ўтган асрнинг 50 йиллари охирида бошланган.

1959 йилда Ирландиянинг Шенон шаҳри шундай эркин иқтисодий маконга айлантирилган. Ирландия ҳукумати Шенон халқаро аэропортига асосий эътиборни қаратиб, унинг ҳудуди ёнида халқаро эркин тадбиркорлик маконини таркиб топтиришга расмий рухсат берди. Шундан кейин жаҳон иқтисодиётида турли хил хўжалик юритиш ва фаолият кўрсатиш тартибига амал қиладиган минглаб эркин иқтисодий маконлар таркиб топа бошлади.

Ҳозирги пайтда эркин иқтисодий маконларнинг аксарияти Америка ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳудудларида жойлашган. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, эркин иқтисодий маконларнинг алоҳида мамлакатдаги самарали ташкил этилиши ва фаолият юритиши аввало ундаги сиёсий барқарорлик, инвестицияларни кафолатлаш, сифатли ва замонавий инфратузилма хизматлари ташкил этилганлиги, ишчи ва хизматчиларнинг маҳорати ва малакаси, маъмурий бошқарув тузилмаларининг қулай ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Дунё амалиётида, мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб, ўз иқтисодига, жуғрофий жойлашишига мос келадиган эркин иқтисодий макон турларини танлаб, жорий этганлар. Масалан, Ғарбий Европа давлатлари денгиз портларида юкларни ортиштушириш ишларини ортиқча расмийликсиз ва божхона тўловларисиз амалга ошириш мақсадида, кўплаб эркин савдо маконлари ташкил этишган. Эркин аэропорт маконлари ташкил этиш Буюк Британия давлатига хос бир амалиёт бўлса, молиябанк марказлари ва Оффшор маконлар Швейцария, Лихтенштейн, Нормандия оролларида яхши йўлга қўйилган. АҚШ ва Японияда «Технополислар ривожланишига қулай шароит яратилиб, ҳозир уларда кескин юксалиш палласи бошланди. Дунёдаги энг катта «Технополис АҚШдаги эркин иқтисодий маконда жойлашган бўлиб, у Силикон водийси деб номланади ва ҳозирги пайтда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаларининг қарийб 20 фоизи айти шу маконда тайёрланиб, дунёнинг турли мамлакатларига реализация қилинмоқда.

Шарқий Осиёда эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш бўйича Хитой Халқ Республикаси, Сингапур ва Тайван мамлакатлари пешқадамлик қилмоқда. Хитойда эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш учун асосан денгиз бандаргоҳига яқин бўлган ҳудудлар ва минтақавий аҳамият касб этадиган транспорт магистраллари кесишган жойлар танлаб олинди. Дастлабки маконлар 70-йиллар охирида ташкил этила бошланган. Эркин иқтисодий маконларни ташкил этишда қуйидагиларга эришиш асосий мақсад қилиб белгиланган:

- хорижий капиталларни, техника ва технологияларни жалб этишни максимал рағбатлантириш ҳамда интеллектуал меҳнат ўрнини босадиган техника корхоналарини ташкил этиш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мамлакатнинг жаҳон меҳнат тақсимида кенг иштирок этишини таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш ҳисобига валюта тушумини кўпайтириш;

- эркин иқтисодий маконларда замонавий товарларни кўплаб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув тажрибаларини ўргатадиган мактаблардаги илғор тажрибаларни мамлакатнинг қолган ҳудудларига ҳам кенг жорий этиш;

- эркин иқтисодий маконларда фаолият юритаётган ишчи ва хизматчиларнинг турмуш даражасини Сингапур, Гонконг бошқа индустриал давлатлардаги фуқаролар турмуш даражасига етказиш;

- мамлакатда ортиқча ва арзон ишчи кучидан самарали фойдаланиб, вужудга келаётган ижтимоий иқтисодий тангликни олдини олиш.

Собиқ шўро республикалар ўртасидаги режали иқтисодий алоқалар узилганидан сўнг, ҳар бир республика ўз ҳудудида имкон қадар эркин иқтисодий маконларни ташкил этишга кириша бошлади. Эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш бўйича улар орасида Россия Федерацияси етакчи ўринни эгалламоқда. 1990-1991 йилларда эркин иқтисодий маконлар сони 12 та бўлган бўлса, ҳозирги пайтда улар 20 тадан ортиб кетган. Бироқ ташкил этилган бу маконларнинг айримлари ривожлана олмаяпти. Масалан, Ингушетия Республикасида ташкил этилган Халқаро бизнес маркази фаолияти ҳозир тўхтатилган. Энг фаол ривожланаётган эркин иқтисодий маконлар Калининград, Ленинград ва Магадан вилоятлари ҳисобланади. Қолган минтақаларда ташкил этилган эркин иқтисодий маконларнинг иқтисодий самараси кўнгилдагидек бўлмаяпти.

Тахлилчилар фикрига қараганда, ривожланишга салбий таъсир этаётган асосий омил кўпчилик эркин иқтисодий маконлар мамлакатнинг ичкарисида жойлашганлиги, уларнинг денгиз ва дарё бандаргоҳидан анча узоқлиги ва инфратузилма хизматларининг талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқдир. Чунки инфратузилмани яхшилашга маҳаллий ва федерал бюджетдан молиявий ресурслар етарлича сафланмаётир.

Мамлакатимизда сиёсий мустақилликка эришилган дастлабки пайтлардан бошлаб, иқтисодиётга замонавий техника ва технологияларни хорижий инвестиция шаклида жалб қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Хорижий инвестицияларни республика вилоятларида тенг тақсимлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида, маркетинг тадқиқотларидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда, эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш ва ривожлантириш ишлари устида ҳам кенг амалий тадбирларни бажариш давом этмоқда. Пировардида, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида хорижий инвестицияли замонавий корхоналар барпо этилиб, меҳнат ресурсларини юқори даражада иш ҳақи билан таъминлайдиган иш ўринлари ҳам очилмоқда. Шу жумладан, республиканинг жаҳон ҳамжамиятида салоҳиятли аъзо сифатида танилишига ёркин ҳисса қўшувчи, давлат бюджетига салмоқли солиқ тўловчи субъектлар пайдо бўлиб, улар бюджет камомадини қисқартиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг кириб келишини тезлаштирувчи асосий омил мамлакатда эркин иқтисодий маконларни ташкил этиб, уларнинг маъмурий бошқарувига кенг ҳуқуқий имтиёзлар, инвесторларга эса молиявий имтиёзларни

кафолатлаб беришдир.

Республикамизда эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш ва ривожлантиришга бевосита жавоб берадиган ва кафолатлайдиган меъёрий хужжатларни қабул қилиш ва иқтисодиётга жорий этиш бизда бир оз кечроқ, аниқроғи, 1995 йилда бошланди. 1995 йил 30 августда «Концессия тўғрисида»ги, 1996 йил 25 апрелда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, 1996 йил 29 августда «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди ва иқтисодиётга жорий этилди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга кириб келишига инвестициялар ҳажмининг йилдан йилга ошиб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

"Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида жаҳон амалий тажрибасида мавжуд бўлган эркин иқтисодий макон турларининг қарийб барчаси акс эттирилган бўлиб, хорижий инвесторларни кафолатлаш учун уларда барча асослар мавжуд. Ҳукуматимиз томонидан катта имкониятлар берилишига қарамай, мавжуд ҳолат бизни тўла қаноатлантирмайди. Масалан, эркин иқтисодий маконларнинг ҳеч бўлмаганда битта турини замонавий кўринишда ташкил этиш ва ривожлантириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Харитага назар ташласак, дунёнинг ҳеч бир океанига чиқиши учун бизда тўғридан тўғри йўл йўқлиги, бунинг учун камида иккита давлат ҳудудини босиб ўтиш кераклиги маълум бўлади. Бу жуғрофий жиҳатдан юқорида таҳлил қилган мамлакатларга нисбатан анча ноқулай жойлашганлигимиздан далолат беради. Бу албатта эркин иқтисодий маконларни кенг кўламда ташкил этишимизга тўсик бўлади. Бироқ республикамиз Буюк Ипак йўли устида ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли сони жиҳатидан етакчи ўринни эгаллашимизни инобатга олиб, минтақа даражасида эркин савдо маконларини ташкил этишимиз учун етарли имкониятлар мавжуд экани аён бўлади. Мамлакатимиз мутахассислари илмий салоҳияти жиҳатидан энг юқори ўринлардан бирини эгаллаши бир неча бор қайд этилган. Шундай экан, улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун, аввало, эркин илмий техникавий ёки «Технополис» маконларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун маҳаллий маъмурий ташкилотлар эркин иқтисодий маконлар инфратузилмасини яхшилашга молиявий ёрдам бериши лозим. Шунда бу борадаги мақсадларга эришиш учун замин яратилади. Натижада, мамлакатимизга хорижий инвестициялар кириб келиши кўпаяди, шунингдек, маҳаллий инвестицияларнинг ривожланишига кенг имкониятлар пайдо бўларди.

Хозирги даврда саноати ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатларда ҳам албатта турли мақсадларни кузлаб эркин иқтисодий зоналарни вужудга келтирмоқдалар. эркин иқтисодий зоналарни куп таърифлари мавжуд: БМТ нинг ТМК марказининг шу муаммога бағишланган ишида 20 дан ортиқ таъриф келтирилган 1 марта эркин иқтисодий зоналарнинг ёки "франко зонаси" нинг 1973 йилда Киото конвенциясида берилган. "эркин иқтисодий зоналарни давлат ҳудудининг муайян натижаларга эришмоқ мақсадида миллий ва хорижий тадбиркорлар учун иқтисодий фаолиятнинг преференциал шартлари, бошқарувнинг алоҳида режими ва бошқа ташкилий маъмурий тадбирларни жорий этиладиган қисми сифатида таърифлаш мумкин. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар чегараларини кенгайтириш ва иқтисодий фаолият шартларининг узи билан бевосита ва билвосита боғлиқ бошқа хужалик соҳалари, тармоқлари, ҳудудларга ёйиш лаёқатига эгадир. Эркин иқтисодий зоналар маълум даражада чекланган

географик территориядир. "Эркин иктисодий зоналар" таърифи илмий ахборот ва ташкилотлар ҳисоботларида кенг қулланилсада, лекин ушбу ходиса мазмунини тула ифодалай олмайди уларда қулланиладиган иктисодий коида, махсус маъмурий қонунлар, маълум юридик ҳуқуқий ва ҳужалик режимидан батамом холи қилиб қуймасдан, балки уларни осонлаштиради, тадбиркорликни рағбатлантирадиган имтиёзларни яратади ҳолос. Давлат ушбу зонани уз аралашуви доирасини қискартиради, (Лассер фаиссер). Ривожланаётган мамлакатлар учун махсус иктисодий зоналар узининг территорияси жихатидан ишчи хизматчиларининг турмуш даражасининг ишлаб чиқариш потенциалини мужассам жойлашганлиги билан қупрок тугри келар эди.

- ☐ Ҳозир жаҳонда 4 мингдан ортиқ эркин иктисодий зоналар мавжуддир. Улар турли вазифаларни бажариши конкрет мақсад қилиб қуйган.
- ☐ Махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий муолажаларни соддалаштириш туфайли хорижий капитални ва ил\ор технологияларни жалб этиш.
- ☐ Тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш учун меҳнат тақсимооти афзалликларидан фойдаланиш.
- ☐ Мамлакат ва минтақа бюджетига валюта тушумини усиши.
- ☐ Янги иш жойларини яратиш.
- ☐ Ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаш соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳисобидан иш қучи малакасини ошириш;

Эркин иктисодий зоналар ишлаб туришини таъминловчи хорижий инвесторлар бир қатор афзалликларга эга буладилар: имтиёзли солиқлар, миллий бозорга қириш, қам унумли қичимларни таъминлаш, шу жумладан, арзонроқ иш қучи ҳисобидан қоплаш, пасайтирилган фоиғ ставкалари буйича молиялаш имқони, ерга мулкчилик ҳуқуқи.

Эркин иктисодий зоналар жаҳон миқёсида миграция қилиб юрган капиталлар учун "қопқон" вазифасини утайди. Хорижий капитални миллий иктисодиётга жалб қилишдан ташқари саноат эркин иктисодий зоналарини яратилишини 3 асосий вазифа билан бо\лайдилар:

- ☐ Саноат экспортини ра\батлантириш ва бунинг асосида валюта мабла\ларини қулга қиритиш;
- ☐ Бандлик даражасини ошириш;
- ☐ Зоналардан ҳужалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш учун синов майдони полигон сифатида фойдаланиш.

Эркин иктисодий зоналарнинг яна бир афзаллик хусусияти шундаки миллий мамлакат хорижий капитал учун уз иктисодиётини тула очиб беришни ёки махсус инвестицион иқлимдан тула фойдаланишни хохламайди, махсус зона сифатида қисман, локал очиклик сифатида қуллайди.

Турли мамлакатларда конкрет вазифасига қараб эркин иктисодий зоналарнинг яратилиши мақсадлари турли туман булиши мумкин: АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония депрессияга учраган ҳудудларда майда ва ўрта бизнесни жонлантириш мақсадида ҳудудий сиёсат сифатида амалга ошади ва тадбиркорларга бошқа районларга қараганда қўпроқ фаолият эркинлиги молиявий имтиёзлар берилади. Ушбу программалар хорижий капитални жалб қилишга қаратилмаган.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам тузилаётган эркин иктисодий зоналардан мақсад илғари иктисодий жихатдан қолоқ бўлган районларни

ривожланаётган районларга айлантириш булган, лекин бу ерда диққат эътибор хорижий капитални жалб килишга каратилган.

Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари.

Эркин иқтисодий зоналар зоналарнинг ташкилий функционал структураси турли тумандир.

Эркин иқтисодий зоналар турлари:

№	Савдога йўналтирилганлари	Саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган.	Техник зоналарига йўналтирилган	Сервис йўналтирилган
1.	Эркин божхона	Импортни ўрнини босувчи	Технополис	Оффшор
2.	Бонд омборлари	Экспорт и.ч	Технопарк	Молиявий марказлар
3.	Эркин порт	Саноат парклари	Янги ва юксак технологияларни ривожлантирувчи зоналар	Банк хизматлари
4.	Эркин савдо зонаси	Макиладорас		Туристик хизматлар
				экопарк

Эркин иқтисодий зоналарни тузишда икки концептуал ёндашиш мавжуддир: территориал ва функционал. 1- ёндашувда зонадаги барча резидент корхоналари хужалик мижозлардан фойдаланадилар. 2 -ёндашувда эса зона бу хужалик юритувчи муайян шаклига, соҳа, корхонага нисбатан мамлакатнинг кайси нуқтасида булмасин имитёзли режим шароит кулланди. 1 типга Хитойнинг, Бразилиянинг Манаус ва ривожланаётган мамлакатлардаги экспорт ишлаб чиқариш зоналар киради. 2 типга оффшор зоналар, "дрюти фри" магазинлар киради.

Вақт ўтиши билан саноат зоналари узғариб борди уларнинг ҳудудларига нафакат товарлар балки камёб кам келтириладиган, уларда ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шугуллана бошлашди. Натижада саноат ишлаб чиқариш зоналари пайдо булди.

Дастлабки эркин савдо зоналари халқаро савдони ривожлантиришга каратилган сиёсат воситаси булганлиги сабабли, улар товарлар ҳаракатининг халқаро йуналишларига яқин жойлашган минтакаларда кенг ёйилган.

Саноат ишлаб чиқариш зоналари махсус божхона режими мавжуд булган экспортга мулжалланган ёки импортни урнини коплайдиган маҳсулот ишлаб чиқариладиган ҳудудда тузилади. Бу ҳудудлар сезиларли даражада солиқ ва молия имтиёзларидан фойдаланиш режимида давлат саноатининг энг устивор тармоқларини ривожланиши таъминлайди. Базан пировард маҳсулот импорт усқунлар ва технологиялар ёрдамида маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилади.

Илмий технология зоналари III-авлод зоналаридир. Ҳозирги адабиётда уларни технопарклар (А+Ш) технополислар (Япония) деб атайдилар. Уларнинг ҳудудларида йирик илмий тадқиқот марказлари Университет теваарида жойлашган кўп бўлим талаб қилувчи фирмалар шаклида илмий ва ишлаб чиқариш технологик фаолияти бирлашади. Бундай зоналар барча моддий ва меҳнат ресурсларини яъни технологияни саноатга тезкор жорий қилиш учун сафарбар

этиш мақсадида тузилди. Энг машхур технопарк бу силикон Веллидир. У А+Ш нинг Калифорния штатига яқин жойлашган ва компрютер хисоблаш техникасига зарур бўлган эҳтиёт қисмларнинг 20% ни етказиб беради. Бу зонада 20 минг ишчи хизматчи ишлайди ва бундай зоналардан А+Ш да 80 дан ортиқ. Японияда технополислар 20 дан ортиқ Хитойда эса 20 га яқин янги ва юксак технологияларни ривожлантириш мавжуд.

IV-авлод-оффшор зоналардир: рўйхатдан ўтказилган корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмасдан, фақат воситачилик билан шуғулланади. Банк ва тижорат ишидаги махфийлик энг олий даражада. Хозир жаҳонда 300 дан ортиқ оффшор марказлари бор. Оффшор зоналари мавжуд бўлган мамлакатлар қуйидагилар.

Лихтенштейн, Панама, Норманд ороллари, Мэн ороли, Антилр ва Модейра ороллари, Либерия. Швецария, Гибралтор, Малрта ва Маврикийди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг умумий характерли томони шундаки уларда ушбу мамлакатда тадбиркорларга қўлланадиган умумий режимга қараганда қулай божхона инвестицион молиявий имтиёзлари ва афзалликларнинг мавжудлигидир.

Ушбу имтиёзлар 4 га бўлинади:

Молиявий имтиёзлар

- ❖ Субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш.
- ❖ Арзон баҳода коммунал хизматлар кўрсатиш.
- ❖ Участкалар ва ишлаб чиқариш улардан арзон ижара ҳақи.

Солиқ имтёзлари

- ❖ 20 йилгача даромад солиғи тўлашдан озод қилиш.
- ❖ қайта инвестицияланувчи фойдага солиқ солмаслик.
- ❖ Хорижий ходимларни даромад солиғидан озод қилиш.
- ❖ Солиқ таътиллари.
- ❖ Жадаллаштирилган амортизация.

Мамурий имтёзлар

- ❖ Инвесторларини инфратизим восита билан таъминлаш.
- ❖ қулай шароит билан ижарага бериш.
- ❖ Рўйхатдан ўтказиш ва божхона муолажаларини соддалаштириш.
- ❖ Хорижий фуқароларни келиб кетишини осонлаштириш.

Ташқи савдо имтёзлари.

- ❖ Экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш.
- ❖ Эркин иқтисодий зоналардан товарлар экспортини квоталар ва лицензиялардан озод қилиш.
- ❖ Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш.

Эркин бозорни ташкил этувчи элементлари.

80 йиллар охиридан бошлаб бозор ростлагичлари ,бозор мунособатлари,бозор иқтисодиети хусусан бозор ва ҳакозолар деган суз бирикмалари турмушимизга мустаҳкам сингиб кетди.Бозор-нима?Агар унга тула илмий таъриф бериладиган булса,у холда бу иқтисодий категориянинг тушунчанинг бутун мураккаблигини акс эттириш зарурати тугатилди.

Биринчидан,кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараенида бозор мол алмашинуви соҳаси сифатида номаен булади.Уни ҳосил қилиш /шакллантириш/узок тарихий жараен булиб ижтимоий меҳнат таксимотининг юзага келиши ва чуқурлашуви ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг хужалик жихатидан

ажралиб чикимлари билан богликдир.Мол алмашинуви сохасида молни харид килиш сотиш буйича узига хос ишлаб чикариш мунособатлари амал килади.

Иккинчидан ,бозор молни ишлаб чикарувчилардан истеъмолчига етказиб беришга мулжалланган хужалик фаолиятдан иборатдир.Бу фаолият мол ишлаб чикариш ва сотишнинг маълум хужалик механизмини ,сотиш шакли ва усуллари яратиш,молларнинг рекламасини йигиш ва уни утказишни бошқаришни хал этиш.молга булган эхтиежни урганиш ва уни шакллантириш билан богликдир.Айтилганларни умумлаштириб шуни таъкидлаш зарурки ,бозор мол алмашинуви сохаси булиб ,у ерда молларни ишлаб чикариш ва сотиш билан боглик булган конкрет хужалик фаолияти амалга оширилади.

Бозор иктисодиетининг амал килиб туришида катта урин эгаллайди,у у кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришнинг иктисодий конунларига мувофик иш куради. Бу киймат конуни булиб у конунга мувофик мол ишлаб чикариш ва алмаштириш ижтимоий зарур меҳнат сарфи асосида амалга оширилади.иккинчи эхтиеж ва таклиф конуни булиб,унинг талабларига кура мол ишлаб чикариш ва уни сотиш жараенида киймат ва натурал ашевий бирлиги ошади.

Бозор куйидаги асосий белгилари билан таснифланади.

--худудий микеси

- ◆ ижтимоий-иктисодий формация
- ◆ ижтимоий ишлаб чикариш жараенида
- ◆ молнинг тутган урни
- ◆ молнинг нотурал -ашевий шакли

Худудий микеси буйича жахон бозори ,алохида китъаларнинг ички бозори алохида китъаларнинг ички бозори /Осие бозори,Европа бозори ва хакозо/давлатларнинг давлат ичидаги алохида регионларнинг бозорлари бири-биридан фарк килинади.

Жахон бозори Октябрь инкилобига кадар вужудга келган Капитализм ривожлана бориб ,хужалик оборотига янгидан янги давлатларни жалб килаверади.Бора бора жахон бозори ва унинг алохида булаклари ташкил топди.

Ижтимоий иктисодий формация бозорларнинг капиталистик социалистик аралаш турларини белгилайди.Кейинги вақтларгача социалистик бозор тушунчасининг тугрилиги мунозаралар кетмокда социализм шароитида бозор мунособатларининг мавжуд булиши мулкчилигини тан олувчи муросамага келтирувчи нуктаи назар ҳам бор.Агар авваломбор социализм бу инсониятнинг ривожланиши унинг ижтимоий одилликка интилишнинг ифодаси эканлигидан келиб чиксак бу холда бозор -бу мақсадга етиш механизмидир,холос.Бунда хусусан социалистик хужалик амалиетида юзага келган купдан куп иктисодий кашфийетлар ихтироларнинг ҳаммасини инкор этиш инсофдан булмаса керак.

Бозорнинг кучи шундаки у тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар ечади.рағбатлантирувчи омиллар яратади.

Рахбарлик курсатмаларисиз ракобат воситасида чекланган ресурсларни моддий неъматларни самарали таксимлайди.

Жахон иктисодий тараккиетида гов солувчи миллий чегараларни амалга бартараф этади.

Бирок бозор механизмлари куйидагиларга кодир эмас.

---паст даромадли одамларни биринчи галда зарур буладиган моллар ва хизматлар билан таъмин эта олмайди.

--вужудга келган ижтимоий кусурларни бартараф эта олмайди еки уларни олдини

олмайди

--- иш кучига буладиган келгусидаги эхтиезини таклиф билан баробар кила олмайди, яъни ишсизликни тугата олмайди шу боисдан меҳнат бозоридаги аҳволни олдиндан белгилаш талаб этилади.

---яшаш муҳитни химоя кила олмайди ва саклай олмайди

---нархларни узгариб туришини мослаштиролмайдиган хужалик структураси муаммоларини ҳал этолмайди

---табиий офатлар, миллий ҳавфсизликни таъминлаш давлат муассасаларнинг иш қилиши билан боғлиқ муоммоларни ҳал эта олмайди

Булар давлат ҳукуматининг алоҳида ҳуқуқларидир. Аралаштурдаги иқтисодий аҳвал ана шу тарзда вужудга келади. Жаҳон капиталистик социалистик бозорлари у еки бу давлатга нисбатан ташқи бозор ҳисобланади. Булар билан бир қатор ҳар қайси мустақил давлат узинингички бозорига эга бўлиб мамлакат аҳолисининг шахсий эҳтиёжларига хизмат килади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси пул қаражатлари умумий ҳажмида молларни харид этиш 70 % дан ортигини ташкил этади. Қабул қилинаётган тижорат ечимларининг тугрилигини таъминлаш учун истеъмол этишга мулжалланган қандай ҳажмдаги ресурслар тугрисидаги гап кетаётганлигини қандай ҳажмдаги ахборот йиғиш ва унга ишлов бериш зарурлигини тасаввур қилишгина осон.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида молнинг уришга қура бозорлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

---ишлаб чиқариш бозорлари

--ҳалқ истеъмоли моллари бозорлари

---хизматлар бозори

--уй жой бозори ва ҳақозо

Савдо иқтисодчилари учун биринчи навбатда ҳалқ истеъмоли моллари ва хизматлар бозори қасбий қизиқиш уйғотади.

Ҳалқ истеъмоли моллари бозорининг урни шу билан таърифланадики харид қилиш сотишдан кейин мол шахсий истеъмолга ўтади. Шу ерга ишлаб чиқариш иқтисодий оборотдан чиқади. Молнинг моддий ашёвий моҳияти жиҳатидан бозор молшунослиқ таснифи бўйича турларга бўлинади.

Республикамизда бозор механизмнинг асосий унсурларини қайтадан яратиш зарурати тан олинган кесимчилар ташкил этади. Меҳнат бозори қимматбаҳо металллар бозори ер бозори, капитал бозори.

Ҳалқ истеъмоли бозори ташкилий ва нотаъкилий бозорга бўлинади нотаъкилий бозор деганда майда ердамчи хужалиқларнинг ортиқча маҳсулотларини олиш сотиш тушунилади. Шунинг айтиш керакки бу ерда чакана давлат ва кооператив савдосида ҳамма ишлар юқоридан белгиланган нархлар бўйича режа асосида амалга оширилган. Реал амалиёт шунинг курсатадики, бу ҳал ресурсларни тақсимлашда ва уларни сотишда суистеъмол молларга олиб келиши мумкин экан, чунки бунда табиий ростиғич талаб бўлмайди. Бозорнинг таркибий унсурлари молга бўлган таклиф аҳолининг шу молга бўлган эҳтиёжи ва молнинг нархи

Молга бўлган таклиф сотиш учун мулжалланган моллар юзасидан иборатдир, бозорда мавжуд бўлган еки бозорга етказиб берилиш мумкин бўлган маҳсулот. Молга бўлган таклифнинг асосий манбаи -ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш. Ҳалқ истеъмоли молларни асосий етказиб берувчилар

--давлат енгил, озиқ овқат егачга ишлов бериш, маҳаллий саноат қорхоналари, машинасозлик қорхоналари қишлоқ хужалиқ маҳсулотлари. Бозор

ресурсларини моллар билан тулдиришда халк истеъмоли моллари мол таерловчилар анча катта хисса кушадилар.

Халк истеъмоли моллари бозорини тулдириш манбаи булиб шунингдек, мол захиралари импорт моллар хизмат килади. Шуни таъкидлаш керакки, такчиллик шароитларида бартерлик битимлари буйича олинган моллар хизмат килади. Шуни таъкидлаш керакки, такчилик шароитларида бартерлик, битимлари буйича олинадиган моллар алмошув соҳасида тобара купрок кулланиладиган булади.

Ахолининг эҳтиежи - бу бозорга олиб чиқилган харид куввати етадиган эҳтиежидир. Жамиятда хакикий эҳтиежлар мавжуд булиб, улар ахолининг мол ва хизматларга булган хакикий эҳтиежининг бутун хажмидан иборат булади. Шунинг учун одатда харид куввати етадиган эҳтиеж ҳамма вақт микдор жихатидан бозорга чиқарилган хакикий ижтимоий эҳтиежлардан кам булади. Идеал ҳолда бир бирига тенг булади. Бирок, жамиятда нарх навонинг кутариш қонуни катъий амал килади ва эҳтиежларни молиявий қоплаш манбаларининг ўсишидан илгарилаб юради. Шу қонун таъсирида эҳтиежнинг ўсишида доимо микдор ва сифат ўзгаришлари юз бериб туради натижада эҳтиежининг ҳажми ва структураси ҳам ўзгариб туради.

Шубҳасиз, бизнинг республикамизда айтиб ўтилган омилларининг ҳаммаси амал килади. Бинобарин, биз уларнинг қушилишидан мультипликатив самара деб юритиладиган самарага дуч келамиз. Шу боисдан истеъмолида молларнинг хакикий нархлари уларнинг қийматидан ортиқ юради. Амалда нарх шу боисдан мол сифатининг рўстагичи була олмайди. У энди иқтисодий бошқариш пишанги, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш воситаси, аҳоли реал даромадининг воситаси сифатида амал қилмайди. Нарх эркин ўзгариб турган ҳоллардагина истеъмоли бозоридаги мувозонат нарҳини шакллантириш тугрисида гапириш мумкин. Бу шундай нарҳки,бу нарх билан ҳамма одам ҳамма вақт ўзига керакли молни ололмайди, молни ўз қиймати билан хар қим ололмайди.

Харид куввати етадиган эҳтиеж, молга булган таклифнинг айна ҳажмида ва ўлғуржи нархларида мол сотишнинг энг қўп эҳтимолий ҳажми бозор сизими деб юритилади. Мол сизими, регионал бозорлар, уларнинг алоҳида бўлимларнинг сизими бир-бирини фарқ қилинади. Бозор сизимини билиш савдо қорхоналарига мол обороти, мол захираси, нарх даражаси шу қабилар билан зудликда иш қўриш имконини беради.

Биринчи новбатда савдо ваколатининг ўсиш имкониятларини ҳалол баҳолаш зурур. Ўсиш стратегияси ўқ даражада ишлаб чиқарилиши зурур.

Биринчи даража-юзага қелган фаолият микесида савдо қорхоналари фойдаланиши мумкин булган имкониятларни аниқлаш бу жадал ўсиш имкониятлари/иккинчи даража -ўзининг ва бошқа савдо ишлаб чиқарувчи тизимларнинг ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш имкониятларини аниқлаш. Жадал ўсиш савдо ўз молларининг ўзи эгалланган бозорнинг имкониятларидан охиригача фойдаланилмаган ҳоллардагина ўзини оқлайди. Чунончи, дукон

1/Харидорларнинг айна дуконда харид қиладиган моллар микдорини қўпайтиришдан рағбатлантириш ,масалан совға тарзида

2/Ўз молларига паст нарх қўиш эвазига бошқа дуконларнинг ,жуда ўзқда жойлашган бўлса ҳам,харидорларни жалб этиш,/бу ҳақда бугун гапириш эрта бўлишга қарамасдан шуни таъкидлаш зарурки хўсўсий ва бошқа нодавлат мўлкчиликнинг ва ўларга мўс хўжалиқ юритиш ҳолларининг ривожланиш натижасида бундай ўсиш йўли амалда мўқаррардир/ ўз дукондаги молларни реклама қилишни қўчайтириш.

3.Айни регионда яшовчи ишловчи шу жойда транспорт укувчи аҳоли контингентини ҳисобга олган ҳолда потенциал харидорлар контингентини вужудга келтиришга ҳаракат қилиши

4.Харидорларнинг ҳулқ атвордаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иложи борида кенг харидорлар контингенти учун дуконни узиға тортадиган қилиши

Биз бозор сизимини ва уни қупайтириш имкониятларини баҳолаб,бозор аҳолини олдиндан белгилашимиз,яъни вақтнинг ҳар қайси пайтида эҳтиёж ва таклиф нисбатини белгилаб берувчи иқтисодий ,иҷтимоий,сиёсий,ташқилий шароитлар мажмуини аниқлашимиз мумкин.Аҳолни урганишдан асосий мақсад бозорни оператив бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш учун ахборот олишдир.Бу иш Республика халқ ҳужалиқ мажмуини барча соҳалари бўйича утқазилади.Унинг асосий ахборот оқимларидан тизимлар бўйича фойдаланишдир.Бозор аҳолининг узғариши нархларнинг амал қилиши ишлаб чиқариш ҳажми ва структураси узғариши аҳоли бандлигининг узғариши ва ҳақозо турли оқимлар таъсирида юз берди.

Бозорнинг мол ишлаб чиқарувчиларга ва молни истеъмолни юргизадиган барча воситаларга энг қуп фойда оқимларига имқон берадиган аҳоли энг қулай аҳол ҳисобланади.Эҳтиёжнинг узиш суръати таклифидан узган шароитда бундай аҳол вужудга қелиши мумкин.Таклиф эҳтиёждан ортиб қетганида ноқулай аҳол вужудга қелади.Ишлаб чиқариш қисқартилади,ишсизлик қупаяди.Мийердаги аҳол эҳтиёж ва таклиф мувозанатланганда юзага қелади,бунда аҳоли эҳтиёжи мол захираларининг мийердаги ҳолатидан қондирилади.Агар Ўзбекистон Республикасида истеъмол бозорининг аҳолини тасвирлашга ҳаракат қилинса қуйидагиларни таъқидлаб утиш мумкин.

70-йилларнинг бошида Республикада истеъмол бозорининг нисбатан мувозанатлашуви ташқил топди,бирок аҳолининг асосий нознеъматлар билан қондириши паст эди.Шунга қарамасдан аҳолининг жамғариши ва туплами учун пул даромадларининг нисбатан доимий улуши бозордан ортирилиб қоинарди.Бирок,70-80 йиллар қегарасида харид қуввати етадиган эҳтиёжнинг узиш суръати молга булган таклифнинг узишидан анча узиб қетди.Мол бозорнинг аҳолини сузсиз мол ишлаб чиқарувчилар учун қулай дейиш мумкин эди Уша даврнинг ҳужалиқ фаолияти шароитларда янги моллар,айниқса модали буюмлар ишлаб чиқариш ниқоби остида нархларни ошириш учун шароит яратилган эди.Қейинчалиқ социализм даврида турмуш даражасининг тухтовсиз узиб бориши тугрисидаги гоаяий ақида парастликда риоая қилиш зарурлиги оқибатида тарғиботчилиқ шиорлари остида халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва фаровонлигини ошириш олиб борилди.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида истеъмол бозорида ишлаб чиқарувчиларнинг ва воситали тузилмаларнинг амри билан боғлиқ булган тула қегарасизлик ҳуқм сурди.Бу ерда бозор аҳоли гапириб утирмаса ҳам булади.Пештахтага нима қикса ,ҳаммаси сотиб олинади.Мол захиралари қамайиб боради Истеъмолчиларда мол моддий бойлиқлар захираси орта боради.Бизнинг юқори даражадаги раҳбарлиқларимизнинг нарх ошиши қупдан қуп етакчи иқтисодчи оқимларимиз пессимистик башоратлари халқнинг сумга булган ишонқини узил қесил йуқотди.ва у бир неча ой ,ҳатто бир йилгача мулжаллаб захира тулашга мажбур булди.Бозор тугрисида гапирганда истеъмол бозорининг асосий турларини давлат бевосита ростлаб турадиган бозорларни ва тижорат бозорларини бир биридан ажратиб қараш зарур.

Эркин иқтисодий зоналарнинг турли мамлакатлардаги тажрибаси.

Жахон мамлакатлари ичида эркин иқтисодий зоналарни яратишда Хитой тажрибаси кўпгина ривожланган мамлакатларга тўғри келиши мумкин. Хитойнинг Шенгенр зонасида (Гонконгга яқин) 320 кв км, аҳолиси 50 мингдан 700 мингача. 80 йилларда 4-5 та уйчаси бор хароб қишлоқ ўрни 5-47 этажли уйлари бор 1980 йилда - 3700 та қўшма корхона тузилиб уларнинг жами капитал 2,8 млрд \$ ташкил қилади. Бу ерда дастлабки ривожланиш соҳаси бўлиб капитал қурилиш соҳаси эди ва у 100 минг иш кишини иш жойи билан таъминлади. Қўрилган 200 ателрда 2 млн та киши келиб кетиши мумкин эди. Чеванр ва Шеньду аэропортлари қурилди.

Хорижий инвестицияларнинг энг кўп тарқалган шакли 50\50 эди. Хорижий фирмалардан SANYЎ ва PEPSI фирмалари энг кўп товар оборотли фирмалар ҳисобланади. Гонконгнинг Лукс фирмаси кунига 100 мингта телевизор ишлаб чиқаради. Шенгенр эркин иқтисодий зонаси Хайнаг, Пудун, Шенрчженр, Чжухай каби зоналарни вужудга келтиради. Уларни пайдо бўлишида Хитой ҳукуматининг улуши нихоятда катта ва хар бир 1 млрд хорижий долларга ҳукумат 4,5-5 млрд доллар сармоя қўшган.

Лекин ҳамма жойда ҳам эркин иқтисодий зоналарни яратиш муваффақиятли бўлмади. Шри Ланка, Гватемала, Либерия ва Сенегалда иқтисодий сиёсий ва маъмурий сабабларга кура эркин иқтисодий зоналар тузиш амалга оширилди.

Жахон иқтисодий интеграцияси жараёнларида эркин иқтисодий зоналарнинг роли

"Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизни барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларининг асосий боъловчи бўйинига айланди"(И.А.Каримов, Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда (Тошкент Ўзбекистон 1998 й.)

Мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг биринчи устувор йўналиши мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш. Бу борада Республикаимизда жуда кўп қонунлар қабул қилинди. 1996 йил апрелда қабул қилинган "эркин иқтисодий зоналар" ҳақидаги қонун иқтисодиётни эркинлаштиришни хар томонлама ишлаб чиқилган қонуний ҳўжалик системасига интеграция жараёнларини жадаллаштиришда иқтисодий эркинлик, бу самарали ўтиш даврининг асосий ўзагини ташкил этади.

"Жахон тажрибаларини хар томонлама ўрганиш, иқтисодий ислохотларни ўтказиш бўйича жахон тажрибасида тўпланган барча мутараққий ишларни кенг қўллаш" ижтимоий, иқтисодий тараққиётни янгиланишнинг биринчи йўлдир.

Ўзбекистон иқтисодининг жахон ҳамжамяти аъзоларига нисбатан очиқлик даражасини таъминлайдиган бир қатор шартномалар, қонуний асослар, савдо иқтисодий ҳамкорликни олиб боориш учун шарт шароитлар яратилди. Жахон ҳўжалик фаолиятини ўрганар эканмиз, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва уларни фаолияти, алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашимиз лозим. эркин иқтисодий зоналарнинг жахон тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай территориал аиклавлар зонани ташкил қилган мамлакат учун юқори иқтисодий самара бериб, минтақанинг кўп муаммоларини хал қилишда роли каттадир. эркин иқтисодий зоналар ривожланиш тарихи узок ўтмишга тақалиб, улар XIX аср бошларида Харбий Европа, Буюк Британия, Германия эркин савдо портлари, очиқ

шахарлар, божсиз зоналар шаклида бўлиб, улар у ерда яратилган маълум имтиёзлар асосида савдо иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир этдилар.

эркин иқтисодий зоналарнинг ҳозирги вақтда 25 га яқин функционал моделлари мавжуд бўлиб, улар иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

ЭИЗ лар нафақат ривожланиб келаётган давлатлар территориясида, балки саноати ривожланган мамлакатларда, янги индустриал мамлакатларда ҳамда ўтиш иқтисодиёти даврида бўлган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларнинг бой тажрибасидан тўғри фойдаланиш ҳозирги замон давр талабига мос келди. Ўзбекистон "эркин иқтисодий зоналар" қонунига асосан, Республика ҳудудида бундай зоналарнинг уч модели, яъни 1) эркин савдо зоналар; 2) саноат зоналари; 3) технологик зоналарни ривожлантириш кўзда тутилган. Республикамизда эркин ҳамкорликда иқтисодий фаолият олиб боориш учун барча шарт-шароитлар яратилгандир. Хорижий инвесторлар учун халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормативлар яратилди.

Республикамиз ўзининг улкан иқтисодий салоҳияти, қулай табиий иқлимий шарт-шароитлари, маълум даражада малакали меҳнат ресурслари ва мустаҳкам қонуний асослари билан эркин иқтисодий зоналарни учдан ортиқ моделларини ташкил этиб, уларни ривожлантириш учун имкон яратди.

Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ЭИЗларнинг энг оптимал моделларини ташкил этиш, бир томондан Республикамизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий ва самарали таъсир эъта, иккинчи томондан халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрнини кўтаради. Бундай ҳамкорлик асосида жаҳон иқтисодиётига хос бўлган фундаментал хусусият, яъни байналминаллашув жараёни ётади. Бу муносабатларнинг шаклланиши, жаҳон иқтисодиёти жараёнлари глобаллашувининг асосий мезонидир.

Мустаҳкам барқарор, ишлаб чиқариш, савдо иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлар ўртасида шаклланиши ва ривожланиши, бозор иқтисодиёти механизмининг муҳим элементларидан биридир. Шундай экан, қабул қилинган қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш, эркин иқтисодий зоналар тузишнинг техник-иқтисодий асосланган ривожланиш дастур ва проектларини ишлаб чиқиш биз илмий ходимлардан чуқур изланишларни талаб этади.

Назарий жиҳатдан Ўзбекистон учун турли функционал моҳиятли ЭИЗлар ривожланиши концепциясини ишлаб чиқариш мумкин. эркин савдо зоналари "Буюк ипак йўли, қўшни ҳамдўстлик давлатлари чегараларида тузилса, эркин экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқариш зоналарини эъта табиий, ер ости бойликлари, меҳнат ресурслари бой бўлган территорияларда технологик паркларни тармоқ илмий текшириш институтлари, лойиҳа конструктор бюрolari ва оилй ўқув юртлари ҳамкорлигидаги илмий марказларда ташкил этиш юқори, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради.

Бундай лойиҳа ва концепцияларни ишлаб чиқаришдаги асосий муаммо, жаҳон инвестиция оламида инвестициялар учун кураш ва рақобат мавжуд бўлган бир пайтда, ЭИЗ ташкил этиш учун бир хил асосий(критерий) кўрсаткичларининг йўқлигидир. ЭИЗ тузиш ва ривожлантириш мақсадларини уч гуруҳга жамласа бўлади.

Бу 1)иқтисодий ;2)ижтимоий; 3) илмий техникавий мақсадлардир. Шу

мақсадлардан келиб чиққан ҳолда республиканинг алоҳида олинган маълум территорияларида, турли мақсадларни амалга оширишга қаратилган ЭИЗ ларни маълум моделларини ривожлантириш лозим.

Республиканинг Жиззах, Навоий вилоятларини иқтисодий салоҳиятини таҳлили шуни кўрсатдики, бу минтақалар ўзининг ҳам қишлоқ хўжалик, ҳам саноат ишлаб ишлаб чиқариш даражаси билан ҳудудида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш зоналарини, эркин тадбиркорлик ва эркин савдо зоналарини ташкил этиш учун қулай ҳисобланади. Хар бир регион ўзининг ҳудудида у ёки бу тармоқни ривожланиш даражаси ва мавжудлиги билан фарқ қилади. Бу омил ЭИЗнинг маълум йўналишдаги моделини танлашда ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқаришда ва инфратузилмасини яратишда муҳим ҳисобланади.

Республикада ЭИЗ ларини оптимал моделларини ривожлантириш, мавжуд жаҳон тажрибасининг биз учун қулай бўлган иқтисодий самарали усулларида фойдаланиш, очиқ бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилган ҳолда, устувор йўналиш- иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон хўжалиги тизимида интеграция жараёнларининг чуқурлашувига олиб келади. Натижада, тузишда қўйилган иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий мақсадларга эришилади.

6. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратилиши истикболлари.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарининг истикболлари қандай? Хар қандай ҳудудда ҳам биринчи қўйиладиган талаб - сиёсий барқарорлик электр энергия билан етарли таъминланганлик транспорт коммуникациялари билан етарли тарминланганлик. Кўпчилик инвесторлар сиёсий барқарорликни белгиловчи омил деб баҳолайдилар.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш учун нималар қилиш керак.

- ❖ Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини бутун хўжалик ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш, махсус ишлаб чиқариш
- ❖ Транспорт коммуникацияларни ривожлантириш
- ❖ Зарур инфратизим: сув таъминоти, электр таъминоти ижтимоий шароит ва бошқалар
- ❖ Тижорат инфратизими: банк, консалтинг, юридик хизматларнинг мавжудлиги
- ❖ Бозорга кира олиш
- ❖ Меҳнат қиймати ва унумдорлиги.
- ❖ Мавжуд саноат базаси.
- ❖ Эркин иқтисодий зоналар маъмурий бошқарувининг самарали тузилмаси.

Фойдаланган адабиётлар

1. И.Каримов "Ўзбекистон XII аср буса\сида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари, тараққиёт афолатлари" Ўзбекистон 1998.
2. Авдокушин.Г.Ф. "Международно-экономические отношения" (82 101бет).
3. Мирзалиева С."Эркин иқтисодий зоналар асосий йўналишлари ва тамойиллари" август 1999 й.

4-мавзу: Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури (2 соат).

Режа

1. Инвестиция дастури мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таркибий қисми сифатида.
2. Инвестиция дастурини шакллантиришнинг тамойиллари ва тартиби.

1. Инвестиция дастури мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури (кейинги ўринларда — Дастур деб аталади) республикани ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатини устувор йўналишларини акс эттиради. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга ва иқтисодиётга зарур таркибий ўзгартиришларни, табиий, минерал—хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи инвестициялар қўйиш асосида унинг жаҳон иқтисодий тизимида кенг интеграциялашувига эришиш Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича капитал қўйилмалар прогнози;
- устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати;
- инвестиция лойиҳаларининг аниқ, дастури;

Дастурнинг мувозанатланганлигини таъминлаш.

Дастур:

-табиий, минерал —хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишни;

-давлат бюджети ҳамда республиканинг ички ва ташқи қарзлари ҳажмларини ўзаро боғлашни;

-мблағ билан таъминлашнинг тасдиқланган манбалари билан объектларни ишга тушириш ва кредитларни узишни, шунингдек, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноати қувватларини мувозанатлашни;

-янги корхоналарни иқтисодий ва экологик жиҳатдан асосланган ҳолда жойлаштиришни ҳамда минтақаларни комплекс ривожлантиришни, табиий бойликлардан, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаларидан, меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ, фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб турган корхоналарда қўшимча қувватлар ташкил этишни таъминлашга қаратилган капитал қўйилмалар прогнозини ифодалайди.

Дастурни шакллантириш тартиби ва муддатлари.

Дастурни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришга оид барчаи шларни Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти мувофиқлаштиради.

Дастурни шакллантириш давлат мақсадли дастурлари, иқтисодиётни устувор йўналишларини ва алоҳида минтақаларни ривожлантириш бўйича директив қарорлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, мулкчиликнинг барча шакларидаги корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда амалга оширилади ва олдинги йил декабрь ойининг биринчи кунлигидан кечикмай Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Дастурни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳар йили инвестиция таклифларини тайёрлашга оид методик кўрсатмаларни ва уларни тақдим этиш муддатларини манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга, уюшмалар, корпорациялар ва компанияларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, корхоналар ва ташкилотларга етказди.

Ишлаб чиқилган Дастур Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Капитал қўйилмалар прогнози.

Капитал қўйилмалар прогнози Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Марказий банк, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий йил ва прогнозлаштирилаётган йиллар учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш қурилишлари бўйича ишлаб чиқилади.

Прогноз капитал қўйилмаларнинг қуйидаги манбаларини ҳисобга олиши керак:

а) марказлаштирилган қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондлар маблағлари;
- ташқи қарзлар лимитларидан келиб чиқиб ҳукумат кафолати остида бериладиган чет эл инвестициялари ва кредитлари;

б) марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхоналар маблағлари, шу жумладан, қўшма корхоналар, хорижий корхоналар ва хусусий корхоналарнинг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари маблағлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маблағлари;

- банкларнинг, шу жумладан, хорижий банкларнинг тижорат кредитлари;

- аҳоли маблағлари.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари қуйидагилар ҳисобига белгиланади:

Давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари фондлар маблағлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш чоғида ва йиғма бюджет таркибида тасдиқланади;

ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий инвестициялар ва кредитлар алоҳида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ,

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар фақат қуйидагиларга ажратилади:

- республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича инвестиция лойиҳаларини, давлат мақсадли дастурини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;

- эгасининг номи кўрсатилган уй — жой облигациялари бўйича уй жой қурилишига;

- янги ерларни ўзлаштириш ва сугориладиган ерларни тиклашга, сув хўжалиги қурилиши ва кичик гидроэнергетикани ривожлантиришга;

- аҳоли яшайдиган жойларнинг, биринчи навбатда, яқка тартибда қурилган уй жой мавзеларининг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;

- маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;

- давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат

илмий муассасаларининг моддий—техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

-умумдават табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига.

Устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати.

Устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларнинг таклифларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан биргаикда тузилади.

Куйидагилар (экология нормалари ва талабларига мувофиқ келиши улар учун мажбурий шартдир) инвестиция таклифларини Дастурга киритиш учун танлаб олишнинг асосий мезони ҳисобланади:

а) ишлаб чиқариш объектлари бўйича:

- маҳаллий хом ашё ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш кўламини кенгайтириш, уларни рақобатбардош тайёр маҳсулот даражасигача етказиш;

- экспорт салоҳиятини ривожлантиришга мўлжалланган рентабелли, юқори технологияли ва ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- коммуникациялар, суғориш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг замонавий тизимларини ривожлантириш;

- истеъмол бозорини энг зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш;

б) ноишлаб чиқариш объектлари бўйича:

- аҳолининг ижтимоий инфратузилма хизматларига бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш;

- ноишлаб чиқариш хизматлари сифатини ва улар билан аҳолини қамраб олиш даражасини ошириш.

Бунда ишлаб чиқариш лойиҳалари бўйича Дастурга киритиш учун:

-технология жиҳатидан ўзаро боғланган ёки тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган;

-тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида амалга ошириладиган;

-қишлоқ жойларда ва ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларда жойлаштириладиган кичик ва ўрта бизнес;

-республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни таъминлайдиган таклифлар устувор ҳукуқа эга бўлади.

Йиғма рўйхат мамлакатимиз инвесторларини ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун аниқ устувор йўналишларнинг қисқача баёни ҳисобланади, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва тегишли каналлар, халқаро ахборотномалар, молия институтлари, интернет тармоғи орқали потенциал инвесторларга етказилади.

Йиғма рўйхатта киритилган инвестиция таклифлари:

-кейинчалик Инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига киритиш учун улар инвестиция лойиҳаси жараёнига келгунга қадар шакллантиришнинг барча босқичларида улар устидан доимий мониторинг амалга оширилиши ва инжиниринг жиҳатидан комплекс кузатиб борилиши керак;

-ҳукумат қафолати остидаги хорижий кредит линияларидан фойдаланишнинг устувор ҳукукига эга бўлади.

Йигма рўйхатга киритилган инвестиция тақлифининг ташаббускори уни амалга оширишда қатнашишдан манфаатдор бўлган хорижий шериклар (потенциал инвесторлар) билан олдиндан эришилган келишув якунлари бўйича "Ўзинвестлойиҳа" компанияси ёки бошқа инжиниринг ташкилоти билан биргаликда ёки мустақил равишда лойиҳанинг техник — иқтисодий асосланишини ишлаб чиқади, лойиҳа экспертиза қилинади, белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига мўлжалланаётган инвестиция тақлифларини амалга ошириш учун потенциал инвесторларни (бош пудратчиларни) жалб қилиш, қоидага кўра, тендер асосида амалга оширилади.

Дастурни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури (кейинги ўринларда — Аниқ, дастур деб аталади) ҳар йили ишлаб чиқилади ва маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари бўйича буюртмачилар ва хорижий шериклар кўрсатилган ҳолда устувор инвестиция лойиҳалари, энг аввало, келгуси йилга ўтувчи инвестиция лойиҳалари рўйхатини, жорий йил учун капитал қўйилмаларни ўзлаштириш прогнозини ифодалайди.

Инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури Дастур таркибида тасдиқланади ва унга йил давомида қўшимча инвестиция лойиҳалари киритилишига йўл қўйилмайди, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар бундан мустасно.

Аниқ, дастурга киритиш учун қуйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

- белгиланган тартибда тасдиқланган техник — иқтисодий асосланишнинг мавжудлиги;
- маблағ билан таъминлаш манбаларининг ва кредитлар шартномада белгиланган муддатларда узилишининг исботланганлиги.

Тасдиқланган Аниқ дастурга мувофиқ буюртмачилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган ҳолда Қурилишларнинг аниқ рўйхати тасдиқланади.

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб — қувватлаш чора — тадбирлари маблағ билан таъминлашда кўмаклашиш, солиқ, имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар бериш, давлат мониторингини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Маблағ билан таъминлашда кўмаклашиш устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан, хорижий кредитлар бўйича мажбурий аванс, тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун қайтариш ёки қайтармаслик асосида бюджет маблағлари ажратиш, шунингдек, хорижий кредитлар учун ҳукумат кафолатлари бериш йўли билан амалга оширилади.

Амалга оширилиши учун марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур бўлган устувор инвестиция лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаментининг Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тайёрлаган тақлифлари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Кўриб чиқиладиган йил учун марказлаштирилган молиявий ресурсларнинг прогноз лимитлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан олдинги йилнинг сентябрь ойидан кечикмай эълон қилинади.

Солиқ имтиёзларига ва бошқа имтиёзларга соликлардан вақтинча озод қилиш,

имтиёзли солиқ, солиш ва жадаллаштирилган амортизация тартибини белгилаш, божхона имтиёзлари бериш ва бошқалар киради. ҳар бир лойиҳа ёки умуман дастур бўйича имтиёзлар рўйхати амалдаги қонун Хужжатларига мувофиқ белгиланади.

Дастурнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

Давлат мониторинги Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан давлат назоратининг асосий механизми ҳисобланади.

Қуйидагилар Дастурга киритилган инвестиция лойиҳалари устидан Давлат мониторингини амалга оширишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- инвестиция лойиҳаларининг ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши, шу жумладан, лойиҳаларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий асослашларининг асосий кўрсаткичларига риоя қилинишига оид қисми устидан назоратни таъминлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, инвестиция жараёни бошқа катнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ, масалаларнинг ўз вақтида ҳал қилиниши учун уларнинг жавобгарлигини ошириш;

- инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ҳажмлар ва муддатларга қатъий мувофиқ маблағ билан узлуксиз таъминлаш;

- хорижий шериклар оддида қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

- лойиҳаларни амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш ва уларнинг тезкорлик билан бартараф этилишини таъминлаш;

- инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Давлат мониторинги инвестиция лойиҳалари Дастурга киритилиш манфаатдор вазирликлар ва идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида Вазирлар Маҳкамасини Инвестиция дастурлари департаменти томонидан ташкил этилади.

Ахборот тақдим этиш, шунингдек Давлат мониторингини амалга ошириш тартиби ва муддатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жавобгарлик лойиҳаларнинг буюртмачилари зиммасига юкланади.

2. Инвестиция дастурини шакллантиришнинг тамойиллари ва тартиби.

Марказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш, қоида тариқасида, давлат контракти асосида амалга оширилади.

Давлат контракти инвестиция фаолияти иштирокчисини – бажарувчини танлов (тендер) асосида саралаб олиш орқали тузилади. Бунда мазкур бажарувчи учун қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар белгилаб қўйилиши мумкин.

Ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг **Инвестиция дастурига** киритилади.

1998 йил 9 февралда Президентнинг «Чет эл инвестициялари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари департаменти ташкил этилди. У давлатнинг инвестиция

сиёсатини амалга оширишга жавобгар бўлган бирдан бир ваколатли идорадир. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мониторинги жараёнида департамент фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат деб белгиланган:

- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳамма босқичларида уларнинг илгари силжишига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш муддатларини белгилаш;
- инвестиция фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш иштирокчиларига солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилади. Ҳар бир алоҳида инвестиция лойиҳаси бўйича ёки умуман Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури бўйича бериладиган имтиёзларнинг аниқ рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига, шунингдек чет эл инвестицияларини Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқмати кафолати остида жалб этилган ҳолда молияланадиган инвестиция лойиҳалари **экспертизадан ўтказилиши** шарт. Экспертизани ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Бошқа манбалар ҳисобига молияланадиган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар бажарилишига доир қисмида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

Инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасига қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

1-жадвал

**Республикада инвестиция дастурини
шакллантириш схемаси**

Босқич-лар	Тадбирлар	Муддат-лар	Масъуллар
1-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги уч йиллик даврга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиш учун таклифларни тайёрлашга оид методик кўрсатмаларни тармоқ вазирликлари ва идоралари, қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда буюртмачилар деб аталади) ҳар йили етказди	апрель	Иқтисодиёт вазирлиги
2-босқич	Буюрмачилар лойиҳалар бўйича дастлабки ахборотни тайёрлайди, уларни уч йиллик даврда амалга ошириш учун танлаб оладилар ва таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этадилар	май-июнь	Буюрмачилар
3-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги таклифларни кўриб чиқади ва ўртача муддатли даврда аниқ тармоқни ривожлантириш устуворлик-ларига мувофиқ лойиҳаларни танлаб олади	июнь-июль	Иқтисодиёт вазирлигининг тармоқ бўлимлари

4-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Давархитектқурилиш" қўмитаси ва ваколатли банклар билан биргаликда Инвестиция дастурига киритиладиган лойихаларни узил-кесил танлаб олади	август-сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Давархитектқу-рилиш" қўмитаси, ваколатли банклар
5-босқич	Инвестиция дастурининг лойихаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Бирлашган хайъат томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарорига кўра ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари билан келишиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига тақдим этилади	сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Бирлашган хайъат, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари
6-босқич	Инвестиция дастурининг лойихасига Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда тузатиш киритилади	сентябрь-октябрь	Иқтисодиёт вазирлиги
7-босқич	Инвестиция дастурининг лойихаси тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади	октябрь	Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти
8-босқич	Инвестиция дастурини амалга оширишнинг биринчи йилига киритиладиган янгидан бошланадиган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилади	октябрь-ноябрь	"Давархитектқу-рилиш" қўмитаси, буюртмачилар
9-босқич	Тасдиқланган Инвестиция дастурига ва ўтказилган танлов савдоларига мувофиқ белгиланган тартибда шартномалар тузилади, қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатлари, келгуси йиллар лойихалаш ишларининг аниқ рўйхатлари тасдиқланади	декабрь	Буюртмачилар, пудратчилар

Банкларнинг кредит ресурслари ҳисобидан молияланадиган кичик бизнес ва тадбиркорлик инвестиция лойихалари тижорат банки томонидан мазкур инвестиция лойихасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида **экспертиза қилиниши** лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойихалари шу шартномаларда назарда тутилган тартибда экспертиза қилиниши лозим.

Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг, давлатнинг ваколатли органи ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг ваколатли органи инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарорни:

- инвестор қонунда белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилинган ёки топилганда;

- фавқулодда вазиятлар юзага келганда;

- инвестиция фаолияти жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда қабул қилиниши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция Дастурини шакллантиришнинг мақсади ва вазифалари.

2. Дастурнинг мувозанатланганлигини таъминлаш.
3. Дастурни шакллантириш тартиби ва муддатлари.
4. Капитал қўйилмалар прогнози.
5. Устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатини шакллантириш тартиби.
6. Инвестиция лойihalарининг аниқ дастурини тузиш.
7. Дастурни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.
8. Дастурни амалга оширилишини назорат қилиш.

мавзу. Инвестиция фаолиятида капитал қурилиш (2 соат).

Режа:

1. Капитал қурилишни молиялаштиришда танлов (тендер) савдоларининг роли.
2. Капитал қурилишда шартнома муносабатлари ва уни молиялаштириш.

***Таянч иборалар:** тендер, пудратчи, субпудратчи, буюртмачи, офферта, офферент.*

1. Капитал қурилишни молиялаштиришда танлов (тендер) савдоларининг роли.

Пудрат савдоларини ташкил этиш бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 114-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, бошқарманинг асосий фаолияти ўзаро бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, бир-бирига яқин корхоналар бирлашувига кўмаклашиш, улар томонидан келишилган равишда инвестицион сиёсат олиб бориш, бошқарма жойлашган ҳудудда капитал қурилиш соҳасида пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этувчи ва ўтказувчи тузилмалар ташкил этиш, Республика ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган ҳудудий ва жисмоний шахслар учун танловлар ташкил этиш йўли билан уларни қурилиш соҳасидаги пудрат ишларига жалб этиш учун шарт-шароит яратиш ҳисобланади.

Пудрат савдоларини ташкил этиш бошқармалари ўз зиммасига юклатилган масалаларга мувофиқ қўйидаги вазифаларни бажаради:

- Ҳудудида капитал қурилиш соҳасида танловлар ва пудрат савдоларини ташкил этиш, давлат корхоналари, акциядорлик жамиятлар ва бошқа хусусий ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиш-бўлмаслигидан катъий назар, ҳамда танлов асосида жихозларни, алоҳида турдаги маҳсулот ва хом-ашё етказиб берувчиларни танлаб олиш;
- Ўзбекистонда қурилиш хизматлари бозорини ташкил этиш;
- Капитал қурилиш соҳасида тендерлар ўтказиш ва рақобатни бошқариш йўли билан бозор муносабатларини ташкил этиш ва шарт-шароитлар яратиш;
- ҳудудий ва жисмоний шахсларга, ҳамда чет эл инвесторларига қурилиш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этиш учун кенг йўл очиб бериш;
- Республика бошқармасининг ишончли шахси ёки воситачиси сифатида иш юритади;
- Савдоларни эълон қилиш учун ҳужжатларни тайёрлайди, эълонларни матбуотда чоп этилишини таъминлайди ёки уларни таркатади;
- Тендер бўйича таклифларни йигади ва таҳлил қилади.

Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан иш юритган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари марказлаштирилган манбалар, давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар хариди фақат танлов савдолари натижалари бўйича амалга оширилади.

Республикада капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда танлов савдолари мажбурий ўтказилиши учун буюртмачилар, танлов савдоларини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши учун эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танлов савдолари ташкилотчилари жавоб берадилар.

Объектни қуриб битказиш пудратчининг лойихада назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни технология ва муҳандислик асбоб-ускуналари билан бутлаш бўйича мажбуриятларини назарда тутати ҳамда тайёр қурилиш маҳсулоти яратишнинг ягона узлуксиз комплекс жараёни сифатида амалга оширилади.

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи ва пудратчи қатнашчилар ҳисобланади. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган янги қурилишда, ишлаб турган корхонани кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан жиҳозлашда мажбурий ҳисобланади.

Лойиҳаларни бошқа манбалар ҳисобига амалга оширишда объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш томонларнинг келишуви бўйича ёки танлов савдолари шартларига қараб қўлланилиши мумкин.

Фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун пудратчи субпудратчи ташкилотларни жалб этиши мумкин, уларга нисбатан пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

Қурилишни қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан, шунингдек барча намунавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар, ностандартлаштирилган, технологик ва энергетика асбоб-ускуналари билан, шу жумладан махсус материаллар билан таъминлаш пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Пудратчи шартномада белгиланган кафолатли даврда объектдан лойиҳада назарда тутилган параметрларда фойдаланилиши учун буюртмачи олдида мулкӣ жавоб беради.

Ҳозирги кунда Республикада Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бошқармаларида танлов савдолари икки йўналишда олиб борилади, булар:

- очик танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;
- ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Очик, ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакасини олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли ўтказилиши ҳам мумкин.

Танлов савдоларининг биринчи турида талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаб олинади ва иккинчи турда эса танлов савдоларининг ғолиби аниқланади.

Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очик ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар

ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари, буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган, шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари куйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда, концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳолари кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда, танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ёки унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 25 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

- харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

- етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва таснифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

Эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.

Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафари ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади. Баҳолаш комиссияси-нинг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми ишлар (хизматлар)ни бажариш ва ёки товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади.

Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Республикамизда хорижий пудрат ташкилотлари томонидон амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдорида ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари-резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

Оферталарни тақдим этиш муддати тугагунгача танлов савдолар ташкилотчиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир, ташкилотчи улар тўғрисида танлов ҳужжатларини олган талабгорларга дарҳол хабар қилиши, оферталарни тақдим этиш муддатини офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт узайтириши керак.

Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Тўлов миқдори буюртмачи ва ёки танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ва ёки талабгорлар ўртасида хабарлар, билдиришномалар ва бошқа ахборотларни алмашиш танлов ҳужжатлари таркибида тасдиқланган шакл бўйича ёзма равишда амалга оширилади.

Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Оферта уни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин.

Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади. Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Танлов савдолари ғолиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект қурилишининг суғурта қилинишини таъминлайди.


Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида амалга оширилади. Танлов савдолари танлов савдолари предмети сотишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилинган тақдирда уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги харажатлар бўйича буюртмачи томонидан қопланади.

Юқорида кайд этилган фикр ва мулоҳазалар асосида Пудрат савдоларини ташкил этиш бошқармаларининг бош мақсади пудрат ишлари (тендер савдоси хизматлари) бозорларини эркин рақобат муҳитини шакллантириш асосида яратишдан иборат.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда улкан қурилиш иншоотлари барпо этилмоқда ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан катта миқдорларда пул маблағлари сарфланмоқда. Бунга мисол қилиб, биргина Андижон вилоятига Республика бюджетидан сувбенция ҳисобида 2003 йил мобайнида 16739000 минг сўм миқдоридаги маблағлар ажратилиши режалаштирилиб, ҳақиқатда 100 фоиз ажратилиши таъминланган.

1-схема

Бошқармаларнинг асосий фаолият турлари



Бу ишларга бюджетдан сарфланаётган маблағларнинг мақсадли ва тўғри сарфланиши устидан назорат эса албатта вилоят назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига юклатилган.

Қурилиш соҳаси ўзининг бир қанча хусусиятлари билан бошқа соҳалардан ажралиб туради. Бу эса текшириш жараёни учун қурилиш соҳаси мутахассиси ҳам қатнашишини талаб қилади.

Ҳозирги кунда бу соҳани текшириш учун бошқа ташкилотлардан мутахассис чақирилиб олинади. Бу эса ўз навбатида бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

Назорат тафтиш бошқармалари тафтиш ва текширишлар мобайнида ҳўжалик субъектидаги корхоналар, кичик корхоналар ҳамда ҳозирги кунда фаолият кўрсатувчи бюджет муассасаларига капитал ҳамда жорий таъмирлаш харажатлари учун бюджет параметрларида кўзда тутилиб, ажратиладиган маблағларни мақсадли ва самарали фойдаланишини сифатли назорат қилиш учун расмийлаштирилган 2-шакл далолатномаларини амалдаги қўлланмаларга мос равишда бажарилганлигини текшириш учун ҳудудлар назорат тафтиш бошқармаларига қўшимча ўрин бирликлари ажратилиши мақсадга мувофиқлигини билдирамыз.

2. Капитал қурилишда шартнома муносабатлари ва уни молиялаштириш.

Фойдаланишга тайёр холда қуришда объектни маблағ билан таъминлаш, маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ буюртмачининг аванси (30 фоизгача), жорий маблағ билан таъминлаш (аванс бериш ҳисобга олинган холда 50 фоизгача), пудратчининг ўз маблағлари ва банкнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Пудратчи билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш буюртмачи томонидан қурилиш тамом бўлгандан ва объект фойдаланишга топширилганидан, шу жумладан кредит олиш ва улар бўйича пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан фоизлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар қоплангандан кейин амалга оширилади.

Объектларни фойдаланишга тайёр холда қуришда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари объект фойдаланишга топширилгунга қадар пудратчининг балансида бўлади ва унинг солиқ солинадиган базасига киритилмайди.

Белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати капитал қўйилмаларнинг тасдиқланган лимитига мувофиқ объектлар қурилишининг аниқ рўйхатида назарда тутилган қурилиш учун банкларнинг кредитларини жалб этишда пудратчи учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ажратилган маблағлардан буюртмачи томонидан қурилишларнинг титул рўйхатида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагилар тақдим этилади:

- қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиха-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);
- қурилишнинг титул рўйхати;
- буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;
- қурилиш-монтаж ишларини бажаришга "Давархитектқурилиш" қўмитасининг рухсати.

Буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида инвестиция лойихасини амалга ошириш юзасидан тузилган шартномада ва унга илова қилинадиган маблағ билан таъминлаш жадвалида қуйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

а) қурилиши янгидан бошланаётган тайёр холда фойдаланишга топшириладиган объектларни қуришда:

қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдорда тенг улушларда ажратилиши;

жам бўлган холда аванс тўлови ҳам ҳисобланадиган аванс беришни ҳисобга олган холда объект қийматининг 50 фоизгача миқдорда жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

Қолган 50 фоизни жорий молиялаштириш пудратчи томонидан ўз айланма маблағларидан ва (ёки) жалб этилган маблағлардан фойдаланган холда амалга оширилади.

Қолган 50 фоизни пудратчига йўллаш буюртмачи томонидан объект қурилиши тугалландандан кейин тузилган шартномага мувофиқ икки босқичда:

объект қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - камида 45 фоиз миқдорида;

шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгач - молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай 5 фоизгача миқдорда тўланади;

б) объектларни шартнома асосида куришда (2002 йилга ўтувчи объектлар, объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда куриш ҳолларидан ташқари):

жорий ойма-ой молиялаштириш ишларнинг амалда бажарилишидан келиб чиқиб 5 фоиз миқдоридаги қолган қисмини шартномада қайд этилган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай тўлаган ҳолда объект қийматининг камида 95 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Тасдиқланадиган лимитлар доирасида алоҳида объектларни маблағ билан таъминлаш йирик ва стратегик жihatдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган алоҳида схемалар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларни молиялаштириш лимитининг (аванс тўлангандан ва 50 фоизгача миқдорда жорий молиялаштирилгандан кейин) қолган қисми тасдиқланган лимитлар доирасида марказлаштирилган манбалар ҳисобига аниқ мўлжалли қурилишлар рўйхатларга киритилган объектларда ишлайдиган пудрат ташкилотларини кредитлаш учун кредит ресурслари ҳосил қилиш манбаи сифатида вақтинчалик асосида, ойма-ой хизмат кўрсатувчи банкларга берилади.

Маблағ билан таъминловчи органга буюртмачи томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-кидирув ишларининг аниқ мўлжалли рўйхати);

қурилишнинг титул рўйхати;

буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

Маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Хизмат кўрсатувчи банк билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун буюртмачига ҳар қайси қурилиш объекти бўйича "талаб қилиб олинadиган" алоҳида иккиламчи депозит ҳисоб рақамлари (кейинги ўринларда молиялаштириш ҳисоб рақамлари деб аталади) очилади. Молиялаштириш ҳисоб рақамларидан буюртмачи таъминоти бўйича харажатларга маблағ тўланишига йўл қўйилмайди.

Буюртмачи таъминотига харажатлар ҳар ойда, алоҳида депозит ҳисоб рақамидан белгиланган тартибда тасдиқланган ва молиялаштирувчи органлар томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Пудрат ташкилотларининг танлов савдоларида иштирокини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан, агар уларнинг ўз айланма маблағлари объект бўйича ишлар қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этган тақдирда, қурилиш давомида айланма маблағларнинг етишмаётган қисмини белгиланган миқдоргача тўлдириш учун кредит ажратиш тўғрисида кафилик берилиши мумкин.

Танлов савдолари пудрат ташкилоти томонидан ютиб чиқилган тақдирда унга кафолат берган тижорат банклари ушбу ташкилотларга қурилишнинг бутун

даврида уларни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида объектни ишга тушириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш учун объект қийматининг 20 фоизигача бўлган миқдорда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит беради.

Пудрат ташкилотига кредит бериш учун банк томонидан буюртмачини молиялаштириш ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси асосида қурилишнинг ҳар бир объектига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очилади.

Кредит ва фоиз ставкалари миқдорлари, кредитни қайтариш ва у бўйича фоизлар тўлаш муддатлари ва тартиби банк билан пудрат ташкилоти ўртасида тузилган кредит шартномасида белгиланади.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан молиялаштириш ҳисоб рақамидан пул маблағларини ўтказиш буюртмачи томонидан тўлов топшириғи тақдим этилгандан кейинги кун бошланишидан кечикмай амалга оширилади.

Хизмат кўрсатувчи банк қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Тўлов топшириқномасига бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги "маълумотнома - счё-т-фактура" илова қилинади.

Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда жорий маблағ билан таъминлаш ишларни бажариш ва маблағ билан таъминлаш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади.

Аванс тўлови пудрат ташкилотининг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Молиялаштириш ҳисоб рақамидан қурилишнинг титул рўйхатига ва унда кўрсатилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишларига мувофиқ бўлмаган тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

Жорий маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминловчи орган томонидан амалда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ҳисобга олинган ҳолда ҳар ойда 20-кундан кечикмай амалга оширилади.

1-жадвал

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилишни молиялаштириш ва кредитлаш жадвали.

Босқичлар	Тадбирлар	Муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ буюртмачилар қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини, келгуси йиллар лойихалаш ишларининг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиб оладилар ва тасдиқлайдилар	10 январгача	Буюртма-чилар, пудратчи-лар
2-босқич	Хизмат кўрсатувчи банкда молиялаштириш бошланади	январь	Буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
3-босқич	Йилнинг дастлабки икки ойида тенг улушларда ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда аванс ажратилади	январь-февраль	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
4-босқич	Объект молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ берилган аванс ҳисобга олинган ҳолда объект қийматининг 50 фоизига миқдорда жорий молиялаштирилади	Молиялашти-риш ва ишларни бажариш	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи

		жадвалларига мувофиқ	банклар
5-босқич	Пудратчи томонидан қурилиш объекти қийматининг қолган 50 фоизини молиялаштириш учун хизмат кўрсатувчи банкда кредит расмийлаштирилади	молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ	Пудратчилар, хизмат кўрсатувчи банклар
6-босқич	қурилиш объекти қийматининг 45 фоизи миқдорида ҳақ тўланади	объект қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида	Молиялаш-тирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
7-босқич	қурилиш объекти қийматининг 5 фоизи миқдорида ҳақ тўланади	кафолатли муддат тугагандан кейин	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар

Сифатли бажарилган ишлар ва хизматларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш юзасидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун шартнома шартларига мувофиқ буюртмачи моддий жавоб беради, шунингдек кўрсатиб ўтилган сабаблар натижасида солиқ органлари томонидан ҳисобланган, уларга тўланган жарималар ва пеняни пудратчига тўлиқ қоплайди.


Бизнинг фикримизча, агар бу ўрин бирликлари жорий қилинса, давлатимиз бюджетидан сарфланаётган маблағларнинг янада самарадорлигини оширишга ўз хиссасини қўшган бўлар эди.

Бундан ташқари қурилиш объектини молиялаштиришни бизнинг фикримизча босқичларини бир қанча босқичларга камайтирилгани янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорига асосан Ягона буюртмачи функциялари такомиллаштирилган бўлиб, бу вазифаларнинг асосийлари, бирламчи рухсат берувчи лойиха ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш, маркетинг қурилиш дастурини тайёрлаш ва танлов ишларини ташкил этиш, лойихаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш, молиялаштириш ва хўжалик шартнома муносабатларини ва юридик маслаҳат ишларини бажариш вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Ҳозирги кундаги капитал қурилиш ишларини молиялаштириш ва бу маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан давлат назорати ишларини қуйидаги схема орқали тасвирлаш мумкин.

**Республикада қурилиш ишларини молиялаштириш ва бу
маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан давлат назорати**



Назорат учун саволлар:

1. Пудрат савдоларини ташкил этиш бошқармаларининг вазифалари ва асосий фаолият турларини тавсифланг.
2. Капитал қурилишда буюртмачилар ва пудратчилар сифатида кимлар этиши мумкин.
3. Республикада қурилиш ишларида пудрат савдолари (тендер)ни ўтказиш усларини тасифланг.
4. Марказлаштирилган маблағлар ҳисобига қуриладиган объектларни қуришда пудратчини молиялаштириш усуллари ва тартибини тавсифланг.
5. Республикада қурилиш ишларини молиялаштириш ва бу маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан кимлар назорат олиб борадилар ва қандай мақсадда.

**мавзу: Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда
банкларининг роли (4 соат).**

Режа:

1. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришда банкларнинг роли.
2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредитлашнинг моҳияти ва ҳозирги кундаги аҳамияти.
3. Кредит шартномасини расмийлаштириш тартиблари.

***Таянч иборалар:** кредит, микрокредит, микрофирма, кичик корхона, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркор, гаров шартномаси, сугурта полиси, муддатли кредит, муддати узайтирилган кредит.*

1. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришда банкларнинг роли.

1. Мамлакатимизда тадбиркорликни молиявий куллаб-қувватлаш борасида банк тизимининг урни алоҳидадир. Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок, хусусий тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш, уларга банк кредитлари беришнинг соддалаштирилган тартиб-қоидалари амалиётини жорий этишни бошлаган эди. Марказий банк ўзининг бу борадаги сиёсатини такомиллаштира бориб, 2000 йил феврал ойида якка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш тартиблари тўғрисидаги Низомларини амалга киритди. 2006 йил сентябр ойида эса Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб Республикамизда фаолият кўрсатувчи ҳар қандай мулкчилик шаклидан қатъий назар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларини тижорат банклари томонидан микромолиялаш тартибларига асос солинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох. қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги 2000 йил 21 мартдаги фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларида ишлаб чиқариш микрофирмалари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг юқори технологик ҳамда инновация лойиҳаларини кредитлаш мақсадида мамлакатимизда амал қилаётган барча тижорат банкларида Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлатиришга доир қушимча чора-тадбирлари тўғрисидаги 2000 йил 19 майдаги 195-сонли Қарори билан Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлаш тартиби тасдиқланди. Мазкур қарорда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар учун ҳисобланадиган фоизлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ҳажмида белгиланган.

Ушбу маблағлар тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори булмаган фоизларда тулалигича инвестиция лойиҳаларини молиялашга йуналтирилди. Бу эса тадбиркорларнинг уз фаолиятларини бошлаш ва ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли Қарорида тадбиркорлик фаолиятини эндиgina бошлаётган юридик шахс макomini олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик

корхоналар ва фермер хўжаликларига «Бизнес-фонд» ҳамда Дехкон ва фермер хўжаликларини куллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали дастлабки (бошлангич) сармояни шакллантиришга кредитлар берилиши белгиланди. Бу тадбир уз фаолиятини бошлаш учун дастлабки маблағга эга бўлмаган тадбиркорларга амалий ёрдам беришни йўлга қўйиш мақсадида жорий этилди.

Ушбу тартиблар амалиётга кириталганидан кейин юридик шахс макomini олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехкон хўжаликлари тижорат банкларидан микрокредит олиш учун факатгина 2 та хужжат, юридик шахс макomini олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари эса 3 та хужжат тақдим этишлари кифоя қиладиган бўлди.

Кредитнинг қайтарилиши таъминоти сифатида тақдим этиш учун тадбиркорда гаровга қўйиладиган мулк ёки унинг бошқа турлари мавжуд бўлмаган ҳолда, таъминот сифатида тадбиркор яшаётган маҳалла кумитасининг қафиллигини тақдим этиш амалиётга жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан мазкур кредит ҳисобига сотиб олинаётган ускуналар ва мулклар улар кийматининг 80 фоизи миқдорида мазкур кредит таъминоти учун гаров сифатида олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг кредит ажратишни сураб тижорат банкларига ёзган аризаларининг банklar томонидан кўриб чиқилиш муддати якка тадбиркорлар аризалари бўйича 5 иш куни ва юридик макомига эга кичик бизнес субъектлари учун 10 иш куни қилиб белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, тижорат банklarининг мазкур соҳани куллаб-қувватлаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида, ушбу соҳага ажратган кредитлар миқдори банк активларининг 20 фоизидан ошган тақдирда Марказий банкдаги мажбурий захираларга ажратмалар ўтказишдан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Буларнинг барчаси республикада хусусий тадбиркорлар ҳамда якка тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиб беришга бўлган саъй-ҳаракат ҳамда улар фаолиятини кенг ривожлантириш учун молия, банк ва бошқа бозор тузилмаларининг тадбиркорлар билан муносабатларини мустаҳкамлаб бораётганликларидан дарак беради.

Тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорларни ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар республикада истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим рол уйнамокда.

Тижорат банклари томонидан республикамизнинг чекка ва меҳнатга ярокли аҳоли кўп туманларида кўшма корхоналар ташкил этилишини таъминлаш ҳамда хорижий кредит линиялари сармояларини ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий булимларида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилиб, мазкур бўлинмалар орқали тадбиркорларга лойиҳаларни танлашда маркетинг, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилиб, кредит линияларини ўзлаштиришга кўмак бериб келинмокда.

Ўзбекистон Республикаси банк системаси амалиёти шуни кўрсатмокдаки, хўжалик-молиявий фаолиятини қанчалик даражада мустақил олиб бориши бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўз ҳаракатлари ва уларнинг натижаларига ўз маъсулиятлари билан ҳисоблашишади. Барча банklar янгича хўжалик юритиш

шароитларида бир хилда фаолиятларини давом эттира олишмади. Баъзи бир банклар кредитларни кайтмаслиги оқибатида молиявий кийинчиликларга учраб қолган бўлса, баъзилари хўжалик фаолиятларини тўхтатишга мажбур булишди.

Ҳозирги кунда хусусий тадбиркорларни кредитлаш билан боғлиқ бўлган энг асосий муаммолардан бири ушбу кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлашдан иборат. Тижорат банклари учун хусусий тадбиркорларни қайтадан имтиёзли фоиз ва муддатларда молиялаштириш учун ушбу кредитларнинг ўз вақтида қайтиши албатта шарт. Шу сабабли Хусусий тадбиркорлар ва банк тизимини мутаносиб равишда ривожланишини таъминлаш учун тижорат банкларнинг манфаатини ва шу билан бирга хусусий тадбиркорлар субъектларининг манфаатини химоя қилувчи молия хизмат турларини тадбир қилиш, кредитлашнинг мукаммаллашган ва қулай усулларини ташкил этиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Эндиликда кичик бизнес иштирокчилари ва корхоналар банкларнинг ишончилигини аниқлашга ҳоят жиддий ёндашмоқдалар. Ўз навбатида банклар ҳам хусусий тадбиркорларни кредитлашни анча хатарли деб билишмоқда.

Банк буш пул маблағларини тўплайдиган ва уларни ўз ишини ривожлантириш учун маблағга мухтож бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қайта тақсимлайдиган молиявий воситачи ролини бажаради.

Фойда олишни кузлаб иш юритадиган банк факат маблағлардан самарали фойдалана оладиган ҳамда кредитни ва унинг фоизларини ўз муддатида тўлашга тайёр бўлган қарз олувчиларгагина кредит беради. Факат ана шундай шароитлардагина банк омонатчи талаб қилиши биланок унинг омонатини қайтариб беришга ва фоизларни тўлашга, миқдорларнинг топшириғи билан тўловларни ўз вақтида амалга оширишга, операцион харажатларни қоплашга, ўз акциядорлари учун фойда ишлашга, ҳамда давлат бюджетига солиқлар тўлашга қодир бўлади.

Ўз фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун тадбиркор маблағ сўраб банк молия секторига мурожаат қилади. Бизнесга хос бу хусусият кейинчилик методига кўра “самарали” ҳисобланади. Ж.М.Кейнс ўз назариясида самарали деб ҳисоблаган инвестицион талабни алоҳида таъкидлаган эди. Бозор муносабатлари элементлари жуда секинлик билан шаклланаётган даврда давлат миқёсида тадбиркорларнинг мақсадлари билан уларнинг кредит олиш имкониятлари орасида жуда катта номутаносибликлар юзага келади. Бу ҳолни албатта, барқарорлаштириш усули ёрдамида - талабни чегаралаш орқали эришиш мумкин. Бироқ бундай вазиятда биз тадбиркорлик талабини музлатиб қўйиб, уларнинг ўз инвестицион лойиҳаларини амалга оширишга тўсқинлик қилган бўламиз, натижада кўзланган мақсадга эриша олмаимиз. Ҳозирги кунда энг асосий вазифа республикамиз тараккиётини белгиловчи сектор – хусусий тадбиркорларни етарлича молиявий ресурслар ва хизматлар билан таъминлашдир. Бу эса банк тизимида кредитлаш механизминини такомиллаштиришни тақозо этади.

2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредитлашнинг моҳияти ва ҳозирги кундаги аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш тижорат банклари томонидан «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги Қонун, бошқа қонунлар ва норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда кредитларни қайтариш, тулаш, таъминлаш, муддатлилик ва улардан аниқ мақсадда фойдаланиш шартлари билан амалга оширилади.

Кредитлар Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тугрисида»ги Қонуни татбиқ этиладиган, уз капитали ва мустақил баланси булган юридик шахс ҳуқуқига эга булган мустақил ҳужалик юритувчи субъектларга берилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси қарорига кура иш хақи тулаш учун бериладиган кредит бунга қирмайди.

Тижорат банклари ҳужалик юритувчи субъектларга, уларнинг мулкчилик шаклларида катъи назар, шартнома асосида кредит берадилар. Кредитлар миқознинг ҳисоб-китоб варағи жойлашган манзил бўйича берилади. Бошқа банкларнинг миқозларига кредит берилишига йул қуйилмайди.

Зарар кўриб ишлайдиган, ноликвид балансга эга булган ҳужалик юритувчи субъектларга кредит берилмайди, илгари берилган ссудалар эса белгиланган тартибда муддатидан илгари ундириб олинади. Кредит ресурсларидан узок муддатли молиявий бузилишлар, ҳужасизлик ва зарарларни қоплаш учун фойдаланишга йул қуйилмайди.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий этилган қоидалар доирасида ссуда капиталидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлаган ҳолда қарз олувчилар билан уз муносабатларини йулга қуядилар, шунингдек, кредитлаш объектини белгилаш, кредит ёрдамида амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлиғи билан боғлиқ барча масалаларни мустақил равишда ҳал қиладилар.

Кредитлаш жараёнида мустақилликка эга булган ҳолда тижорат банклариға, хизмат қурсатилаётган миқозларнинг хусусиятларидан қелиб қиккан ҳолда, уларнинг мулкчилик шаклларида катъий назар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан қелишиб, ички кредит сиёсати тугрисида қушимча қоидаларни ишлаб қикиш ҳуқуқи берилади.

Республикамизда қикик бизнес ва тадбирқорликни молиявий қўллаб қувватлаш борасида 2000 йили туб ислохотлар олиб қорилди ва натижада уларни тижорат банклари томонидан кредитлашда бир қатор меёрий тартиблар ишлаб қикилди.

Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 15 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташқилотлари тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 20 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 4 октябрь.

4. Банк томонидан яққа тартибдағи тадбирқорлар ҳамда қикик бизнес ва бизнес субъектларини бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш Марказий банкнинг Адлия Вазирлиғида 2001 йил 15 августда 1074-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан яққа тартибдағи тадбирқорлар, қикик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш» тартибларига мувофиқ амалга оширилади.

Кредит деганда уз эгалари қулида вақтинча буш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тулаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан қелиб қиккан муносабатлар тушунилади.

Кредит муносабати икки субъект уртасида юзага келади: бири **пул эгаси**, яъни карз берувчи; иккинчиси **пулга мухтож**, яъни карз олувчи.

Кредит субъектлари хар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредит объекти - бу хар кандай пул эмас, балки факат вақтинча буш турган, берилиши мумкин булган пуллар ва товарлардир.

Буш пул уч хил булади:

-тадбиркорлар ёки катта пулдорлар кулидаги пул, яъни пул капитали;

-аҳоли кулидаги пул - эртами-кеч эҳиёжни кондириш учун тупланган пул, эгаси кулида капитал эмас, балки истеъмолни кондириш воситаси;

-давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.

Кредитлар фойдаланиш муддатига кура киска муддатли ва узок муддатли турларга булинади. Улар қайтариш муддатига кура муддатли, талаб қилиб олинадиган, муддати утган ва кечиктирилган бўлиши мумкин.

киска муддатли кредит - амал қилиш муддати 12 ойдан ошмайдиган ссуда бўлиб, унинг узайтирилиши кредитланаётган тадбирларни утказиш муддати, уларнинг копланиши ва бошқа шартлардан келиб чиккан холда белгиланади. киска муддатли ссудалар кредитларнинг бошқа турларига нисбатан ликвидлирок хисобланади.

Узок муддатли кредитлар - 1 йилдан ортик муддатга (ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадларга мулжалланган объектларни қуриш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жихозлашга доир харажатлар билан боглик) инвестиция мақсадлари учун берилади.

Мазкур кредитларга булган эҳтиёж ишлаб чиқариш даврийлигининг узига хос хусусиятлари ва битимлар шартларидан келиб чиккан холда юзага келади.

Курсатилган кредитлар хужалик юритувчи субъектларга янги хилдаги махсулотлар ва янги технологик жараёнларни узлаштириш билан боглик тез копланадиган ҳамда юкори самара берадиган тадбирлар учун берилади. Кредитдан фойдаланишнинг аниқ муддатлари кредитланаётган бойликларнинг айланиши ва харажатларнинг копланиши асосида белгиланади.

Барча кредитлар кредит шартномасида белгиланган муайян муддатда қайтариш шarti билан берилади. Бироқ улар амалда фойдаланиш вақтига қараб муддатли, муддати узайтирилган (чўзилган) ва муддати ўтган бўлиши мумкин. Муддати узайтирилган ва муддати ўтган кредитлар қайта расмийлаштирилган ссудалар тоифасига киритилади.

Қайтадан расмийлаштирилган кредит муддатли кредит сифатида балансда хисобга олиниши мумкин эмас.

Муддатли кредит - амал қилиш муддати утмаган ссудадир.

Талаб қилингунга кадар ссудаларга банк томонидан векселлар таъминоти асосида бериладиган кредитлар киради. Векселлар уни тулаш муддатида утмаган холда таъминлашга қабул қилинади. Карз олувчи курсатилган ссудани банкнинг биринчи талаби бўйича тулаши лозим. Агар банк уни қайтаришни талаб қилмаса, кредит карз олувчининг хохишига кура туланади.

Ушбу кредитларни беришнинг мажбурий шarti векселларнинг ликвидлиги хисобланади.

Муддати утган кредитлар - кредит шартномасида белгиланган қайтариш муддати утган ссудалардир.

Бу кредит шартномасида белгиланган қайтариб бериш муддати, шунингдек агар муддати кечиктирилган бўлса, уларни узайтириш муддатлари ўтиб кетган ссудалардир. Муддати ўтган кредитлар ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра қайта расмийлаштирилган кредитлар ҳисобланади, чунки кредит шартномасида муддатини кечиктирганлик учун оширилган фоиз ставкаларини қўллаш кўзда тутилади.

Муддати кечиктирилган кредитлар - айрим ҳолларда тулов муддати етиб келгунга қадар иқтисодий жихатдан асосланган ва банкка тақдим этилган ёзма ариза асосида кредитни қайтариш муддатини кечиктириш тугрисида қарор қабул қилинадиган ссудалардир.

Тижорат банки Кредит кумитасининг қарорига кура мижозга қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш муддати 12 ойдан ошмаган ҳолда бир марталик тартибда кредит тулаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериши мумкин.

Кредит тулаш муддатини кечиктириш кредит тулашнинг аввал қабул қилинган таъминоти мажбурий тарзда қайта расмийлаштирилган ҳолда, асосий шартномага қушимча битим сифатида расмийлаштирилади.

Кредит ҳукумат қарорига кура бериладиган бўлса, унинг тулаш муддатини кечиктириш тугрисидаги масала Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Кредит турт хил вазифани адо этади:

Биринчидан, пулга тенглаштирилган тулов воситаларини (масалан, вексел, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни ҳўжалик оборотига жалб қилади.

Иккинчидан, у буш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади, деган қондани амалга оширади.

Учинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар уртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг қучиб туришини таъминлайди.

Туртинчидан, қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий усишни рағбатлантиради.

Кредит ва ундан фойдаланиш натижасида турли натижаларга эришилади. Бу натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий натижалар деганда кредитдан самарали фойдаланиш натижасида қулга қиритилган ютуқлар тушунилади. Масалан, Андижоннинг Асака шаҳрида асосан банк кредити ҳисобидан қурилган «ЎзДЭУавто» қушма қорхонаси республиканинг енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қондирса ва жаҳон бозорида муносиб урин эгалласа, бу кредитнинг ижобий роли ҳисобланади.

Кредитнинг салбий роли асосан қуйидаги икки ҳолатда қомён бўлади:

■ кредит халқ ҳужалигига турли йиллар билан асосиз равишда қуп берилса ва оқибатда пул массаси қупайиб, миллий пул қадрсизланса;

■ агар олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланмаса ва мамлакат узининг бошқа қаромад манбалари, масалан, олтинини сотиш ҳисобидан кредитни қайтарса.

3. Кредит шартномасини расмийлаштириш тартиблари.

Кредит олиш учун ҳўжалик субъекти банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) кредит аризаси;

б) давлат солиқ ҳизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан

тасдиқданган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ёйилмаси ҳамда 90 кундан ошиб кетган қарздорликлари учун солиштирма далолатномалар, фойда ва зарарлар ҳақдаги ҳисобот;

в) олинадиган кредитнинг самарадорлиги, қайтаришилиги, тўланиши ва таъминланиши ҳамда пул оқимининг таҳлили албатта кўрсатилган бизнес режа.

Кредит ходими юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатларни олгач қуйидагиларни аниқдайди:

субъектнинг кредитга қобиллигини, унинг рейтинг баҳосини, бунда ликвидлик коэффициентидан мажбурий тартибда фойдаланган ҳолда, пул маблағларини қоплашни, алоҳида ишлатишни, жалб этишни, айланма маблағларнинг фойда келгиришини ва айланиш тезлигини, шунингдек кредитнинг мақсади устав фаолиятига мос келишини, кредитнинг турини, кредитга қобилликнинг ҳисоб -китобини.

Банк бўлимларида мижозларнинг банкдаги кредит аризаларини рўйхатдан ўтказиш учун махсус дафтар юритилади ва бу дафтар рақамланади, тикилади, раҳбар, бош бухгалтер ва банк кредит бўлимининг бошлиғи имзо чекиб, думалок муҳр қўйиш йўли билан тасдиқланади.

Мазкур дафтарда қуйидагилар бўлиши шарт: ариза берувчи мижознинг номи, ариза берилган сана, сўралаётган кредит миқдори, кредитни олишдан кўзланган мақсад, муддати, кредит бўлимининг ҳулосасини банк раҳбарига тақдим этиш санаси, банк Кредит қўмитаси томонидан кредит бўлимининг ҳулосасини кўриб чиқиш санаси, қарор қабул қилиш санаси, салбий ҳулосанинг асослари.

Қарз олувчи кредитни тўлай олмаслик хатаридан қочиш мақсадида ишончли кредитдан ташқари, асосий талаби унинг реализация қилинишидан иборат бўлган таъминлашга ҳам эга бўлиши керак.

Қарз олувчи банкга қуйида кўрсатилган таъминот турларидан бирини тақдим этишга ҳақли:

- мол—мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банклар ёки суғурта идораларининг кафолати;
- учинчи шахсларнинг кафиллиги;
- ўз фаолиятини қонунларда белгиланган тартибда юритувчи суғурта идораларининг кредитни қайтарилмай қолиш хатарини суғурталаганлиги ҳақидаги суғурта полиси.

Юқори ликвидликка эга бўлган давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) ҳам гаров объекти бўлиши мумкин ва уларни гаровга қўйиш алоҳида шартнома билан расмийлаштирилади.

Банкларнинг кафолатларига асосан кредит берилишида кафолатларни расмийлаштириш Фуқаролик кодексида кўрсатилган тартибда ёзма равишда амалга оширилади.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитлар бўйича суғурта полисини таъминот сифатида қабул қилиб олишга рухсат берилади.

Бунда кредит бериш фақат суғурта тўлови суғурта компаниясининг банк ҳисоб-варагига ўтказилгани ва қарз олувчи банкка суғурта полисини тақдим этганидан кейин амалга оширилиши мумкин. Суғурта полисида қарз олувчи олинган кредитларни ва у бўйича фоизларни тўлай олмаган тақдирда суғурта ташкилоти кредитнинг барча суммасини ва у бўйича ҳисоблаб чиқарилган фоизларни тўлаш маъсулиятини ўз зиммасига олиши тўғрисидаги ёзув бўлиши

зарур.

Бериладиган кредит ҳисобидан суғурта тўловини тўлаш ман этилади.

Мол-мулк гарови кредит таъминотининг асосий шакли бўлиб, қарз олувчининг мулки ҳисобланган ҳар қандай мол-мулк ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофиқ гаров объекти бўлиши мумкин бўлган оборотдан олиб қўйилган буюмлардан ташқари, қимматбаҳо-бойликлар, заргарлик буюмлари, эркин алмаштириладиган валюталар шу жумладан, буюмлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар) гаров объекти бўлиши мумкин.

Қарз олувчининг мажбуриятларини таъминоти сифатида қабул қилинган мол-мулк ва таъминотнинг бошқа шакллари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- бошқа гаровдан холи бўлиши;
- юқори ликвидликка эга бўлиши, бунда активларнинг пул маблағларига конвертациялаш қобилияти тушунилади;
- узоқ вақт сақланиш қобилиятига эга бўлиши.

Банк бўлими мол-мулк гарови асосида кредитни расмийлаштиришда ссуда олувчи билан гаров ҳақидаги ёзма шартномани тузади (кредит шартномаси лойиҳаси асосида). Гаров шартномасида гаровга қўйилган мол-мулкнинг рўйхати, баҳоси ва манзили, гаров билан таъминладиган мажбуриятларни бажаришнинг моҳияти, миқдори ва муддати кўрсатилади. Мол-мулк гарови қарз олувчи ҳисобидан Банк фойдасига суғурталаниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 271-моддасига мувофиқ албатта нотариал жиҳатдан тасдиқланиши керак.

Нотуларжой бинолар ва иншоотларни баҳолаш Давлат кадастри органлари томонидан амалга оширилади.

Асосий воситалар балансидаги қолдиқ қиймати бўйича, гаровнинг бошқа турлари эса балансидаги қиймати бўйича баҳоланади.

Мол-мулк гаровининг барча турлари бўйича банк ссуда олувчи билан биргаликда ўзаро баҳолаш далолатномасини тузади.

Банк гаровга қўйилган мулкни сақланиши бўйича кредит шартномада кўрсатилган муддатларда жойида текширув ўтказиши лозим.

Агарда гаровга бир неча шахснинг тасаруффида бўлган мол-мулк расмийлаштирилаётган бўлса, бундай ҳолда мулкга эгалик қилувчи барча шахсларнинг ёзма равишдаги розилиги билангина ушбу мол-мулк гаровга берилиши мумкин.

Нотуларжой бинолар ва иншоотлар гарови бўйича шартномалар Давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари органлари томонидан қайд этилиши лозим.

Туларжой бинолари баъзи банклар кредит комитети томонидан гаров объекти сифатида қабул қилинмайди.

Берилаётган кредитнинг миқдори гаровга қўйилган мулк суғурта баҳосидаги қийматининг 80 фоизидан ошмаслиги керак.

Гаровга қўйилган мол-мулк томонларнинг келишувига асосан тўлиғича қарз олувчининг тасарруфида қолади ёки банк ихтиёрига берилади.

Юқори ликвидликка эга бўлган давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) ҳам гаров объекти бўлиши мумкин ва уларни гаровга қўйиш алоҳида шартнома билан расмийлаштирилади.

Банкларнинг кафолатларига асосан кредит берилишида кафолатларни расмийлаштириш Фуқаролик кодексида кўрсатилган тартибда ёзма равишда амалга оширилади.

Кредитни қайтариш муддати келиб, қарз олувчининг депозит ҳисоб варағида пул маблағи бўлмаган тақдирда кафолат берувчи банк қарз берган банк бўлимининг ёзма равишда билдирган хабарномасига мувофиқ муддатида тўланмаган кредит ҳамда фоиз тўловларини ўз ҳисобидан ўзининг тўлов топшириқномалари билан бевосита қарз олувчининг ссуда ҳисоб варағига ўтказиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 292 —моддасига мувофиқ тузилган учинчи шахснинг қарз олувчининг тўлов қобилияти йўқлигида унинг қарзини тўлашга розилиги тўғрисидаги мажбурияти ҳам кредитни қайтарилишини таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин, бундай мажбурият мустақил мажбурият кафиллик тарзида расмийлаштирилади.

Тўлов қобилиятига эга бўлган, банк олдида ссуда ва бошқа қарзлари ҳамда 2-сонли картотекада муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари бўлмаган учинчи шахслар кафиллик берувчи бўлишлари мумкин.

Кафиллик қарздор билан кафиллик берувчи ўртасида банк фойдасига ёзма шаклда кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Шартномада кафиллик берувчи банк бўлимлари олдида ссуда олувчининг ушбу кредит бўйича мажбуриятларини, қарздор уни кредит шартномасида белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, бажариш юзасидан зиммасига мажбуриятлар олиши таъкидланади. Кафиллик берувчининг маъсулияти қарздорнинг қарз бўйича ҳисоблаб чиқарилган фоизларини ҳисобга олган ҳолда қарз миқдори билан чегараланади.

Кредит таъминоти сифатида кафиллик шартномасини қабул қилиш вақтида банк кафиллик берувчининг молиявий ҳолатини ҳамда унинг тўлов қобилиятини таҳлил этиши лозим ва ижобий ҳал бўлгандагина кафиллик шартномасини берилаётган кредит таъминоти сифатида қабул қилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси кафиллик берувчи мажбуриятлар бўйича асосий жавобгар бўлганидаги каби банкка кафиллик берувчининг мажбуриятларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Кафиллик шартномаси кредитнинг ва у бўйича ҳисобланган фоизларнинг бутун суммасини қамраб олади.

Кафиллик шартномасига қуйидагилар илова қилинади:

- кафиллик берувчининг банкдаги ҳисоб-варағи ҳолати тўғрисидаги маълумотнома;
- кафиллик берувчининг бошқа банклардаги барча банк ҳисоб-варақлари тўғрисидаги маълумотнома, улардаги қолдиқни кўрсатган ҳолда;
- кафиллик берувчининг ўз банки олдида ссудалари ёки бошқа қарзи йўқлиги;
- кафиллик берувчининг 2-сонли картотекада қарзлари йўқлиги.

Ушбу маълумотномалар ва маълумотлар талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб-варағига хизмат кўрсатувчи банк муассасасининг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади ва думалоқ муҳр билан тасдиқланади.

Банк бўлимлари зарур ҳолларда кафиллик берувчининг молиявий ҳолатини тасдиқловчи аудиторлик хулосаларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Кредитни қайтариш муддати келган ва қарздорнинг депозит ҳисоб-варағида маблағи бўлмаган тақдирда кафиллик берувчи шахс қарз олувчининг банкини ёзма хабарномасига асосан ўзининг тўлов топшириқномаси билан талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб-варағидан тўланмаган кредит миқдорини ва унга ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни қарз олувчининг бевосита ссуда ҳисоб-варағига ўтказди.

Такдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўргангандан сўнг банк ходими кредит битимини тузиш имконияти бор-йўклиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради, бунда қуйидагиларни кўрсатади:

- кредитга қобиллиги;
- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори;
- кредит қайтарилишининг таъминланиши;
- фоиз ставкаси.

Банк кредит бўлими ходимининг ва кредит бўлими бошлиғининг имзоси қўйилган хулосасини илова қилинган ҳужжатлар билан бирганликда кўриб чиқиш учун кредит кўмитага такдим этилади. Кредит кўмита эса ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда беш иш куни ичида тегишли қарор қабул қилади (Кредит кўмита баёни).

Мазкур хулоса Кредит кўмитаси раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг кредит шартномаси тузилади ёхуд ўша куннинг ўзида қарз олувчига ёзма равишда рад жавоби берилади. Рад жавобида ссуда ажратиш учун кредит битимини тузмаслик сабаблари кўрсатилади.

Кредит кўмитасининг ижобий хулосасидан кейин кредит шартномаси тузилиб, у банк раҳбари ва қарз олувчи томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Кредит шартномасида қуйидагилар кўзда тутилади:

- кредитнинг мақсади ва миқдори, уни бериш ва сқайтариш тартиби;
- мажбуриятларни таъминланганлик шакллари, фоиз ставкалари, уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби;
- кредитни беришда ва қайтаришда тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда маъсулиятлари;
- кредитни бериш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг даврийлиги;
- банк томонидан жойида ҳисоб китобларни юритилиши, кредитдан мақсадли фойдаланиши, кредитни қайтарилишини таъминоти сифатида гаровга олинган мол-мулкларни сақланиш ҳолати ва бошқа масалалар бўйича текширувлар ўтказилиши.

Кредит шартномаси тузилгандан сўнг банк бўлими раҳбари ва кредит ходимининг имзоси билан кредитни қайтариш муддати ҳамда фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда берилган фармойишга асосан мухосиблик бўлимида қарз олувчига ссуда ҳисоб-варағи очилади.

Ссудани бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан қарз олувчига кредит карточкаси очилади ва шу карточка бўйича кредит устидан назорат олиб борилади.

Кредит бериш алоҳида ссуда ҳисоб-варағидан қарз олувчининг кредит шартномасида кўрсатилган мақсадга мувофиқ товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш учун кредит бўлими ходимининг имзоси билан тасдиқланган тўлов топшириғини бажариш йўли билан амалга оширилади.

Савдо ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, уларнинг 2-сонли картотекасида тўлов ҳужжатлари, банк кредитидан ва фоиз тўловларидан муддати ўтган қарзлари бўлмаган ҳолда ҳамда банкка бир чорак мобайнида топширадиган ўртача нақд пул тушуми олдиндан берилган кредитни ва янгидан берилиши режалаштирилаётган кредитни ҳисобланадиган фоизлари билан биргаликда қопланишини таъминлаган тақдирдагина 90 кун муддатгача янгидан кредит берилишига руҳсат этилади.

Банк бўлимлари савдо ташкилотларига аҳолининг биринчи даражали эҳтиёжи ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш учун бир битим ёки босқичма босқич бир неча битимлар бўйича 12 ойдан ошмаган муддатгача кредит беришлари мумкин.

Банк бўлимлари ҳар ойда баланс ҳисоб-варақлари ва кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисоб-варақларида юритилаётган фоиз қарзлари бўйича қарздор мижоз билан таккослама далолатномалар тузади.

Кредитни сўндириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- муддатидан илгари, қарз олувчининг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб-варағидаги пул маблағларини эркин қолдиғини унинг тўлов топшириқномасига асосан ссуда ҳисоб-варағига ўтказиш йўли билан;

- муддатли мажбуриятнома ва мемориал ордерларга асосан қарз олувчининг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб-варағидан сўндириш муддати келган ссудалар бўйича қарзларни ундириш йўли билан;

- банк томонидан қабул қилинган кафиллик шартномаси, кафолат, суғурта полиси бўйича суғурта тўловлари мажбуриятларидан фойдаланиш орқали.

Узоқ муддатли кредитлар ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, таъмирлаш, техникавий қайта жиҳозлаш харажатлари билан боғлиқ инвестиция мақсадлари, техника, технология ва асбоб ускуналар, асосий пода ва кўп йиллик дарахтларни шакллантириш учун берилади.

Тақдим этилган барча ҳужжатларни синчиклаб ўргангандан сўнг банкнинг кредит бўлими илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда кредит берилиши мумкин ёки рад жавоби бериш ҳақида қарор қабул қилиш учун ўз хулосасини Кредит қўмитага тақдим қилади.

Кредит қўмитанинг ижобий хулосасидан сўнг банк бўлими қарз олувчи билан кредит шартномаси тузади.

Қурилаётган объектлар (корхоналар)нинг Дирекциялари билан кредит шартномалари тузишга йўл қўйилмайди.

Кредитни берилиши қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

- бажарилган ишлар учун пудратчи ташкилотларга тўлов ҳужжатларини тўлашда ушбу қурилиш сметасига киритилган асбоб-ускуна сотиб олиш ва бошқа харажатлар, қурилиш ишларининг йиллик ҳажмининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни амалга оширилганлигини эътиборга олиш лозим.

- қурилаётган корхонани Дирекциясини сақлаб туриш кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар, бинолар учун ижара ҳақлари ва шунга ўхшаш харажатларни кредитлаш объектининг сметасида кўзда тутилмаган бўлса кредит ҳисобидан тўлаш ман эътилади.

Назорат учун саволлар:

1. Тадбиркорлик фаолиятини банклар томонидан молиялаштириш.
2. Банк тизимида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришда амалга оширилган ислохотлар.
3. Банк тизимида кредит сиёсатига қуйилган талаблар.
4. Муддати узайтирилган кредитларнинг тузилиши.
5. Тадбиркорлик фаолиятида айланма маблағларни тулдириш учун кредитни расмийтириш тартиблари.
6. Банклар томонидан кредитлашда кредит таъминоти турлари.
7. Учинчи шахс кафиллигининг моҳияти ва тузилиши.

8. Банклар томонидан узок муддатли кредитларни бериш тартиби.
Банклар томонидан берилган кредитлар бўйича мониторинг олиб бориш тартиблари.

7-мавзу. Капитал қўйилмаларни кредитлаш (2 соат).

Режа:

1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш
2. Бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш
3. Капитал қурилишдаги ҳисоб китоблар

Таянч иборалар: лойиха-смета, конвертация, қурилишнинг аниқ рўйхати, қурилиш-монтаж ишлари.

1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш

Инвестиция дастурида назарда тутилган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида қурилишларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш буюртмачи томонидан амалга оширилади.

Буюртмачи инвестиция дастури тасдиқлангандан кейин бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига қурилишларнинг аниқ рўйхатларини келишиш учун тақдим этади.

Қурилишларнинг аниқ, рўйхатларига биринчи навбатда кейинги йилга ўтувчи объектлар, шу жумладан бажарилган ишлар учун исботланган кредиторлик қарзлар мавжуд бўлган объектлар киритилади.

Аниқ рўйхатларга янгидан бошланадиган объектларни киритишга, агар кейинги йилга ўтувчи қурилишлар ва объектлар, капитал қўйилмаларнинг зарур ҳажмлари билан таъминланган тақдирдагина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги иштирокида буюртмачилар томонидан тақдим этилган янгидан бошланадиган қурилишлар бўйича аниқ рўйхатларни уларга розилик бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун кўриб чиқади.

Кейинги йилга ўтувчи объектлар бўйича қурилишининг боришини ва объектларнинг тайёрлик даражасини ҳисобга олган ҳолда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажмларига аниқликлар киритилиши мумкин.

Белгиланган тартибда тасдиқланган техник иқтисодий асослаш, лойиха-смета ҳужжатлари ва маблағ билан таъминлаш манбалари билан таъминланманган қурилишларнинг аниқ рўйхатларини тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Қурилиш материаллари ва конструкциялар, бутловчи буюмлар, фойдаланиш даврида хом ашё ва материаллар ҳамда бажарилган пудрат ишлари учун эркин муомаладаги валюта харажатлари билан амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Пул —кредит сиёсати бўйича республика комиссияси билан келишиб олинishi керак.

Янгидан бошланадиган қурилишлар учун ишларни бажарувчиларни ва моддий —техника ресурслари етказиб берувчиларни танлаш буюртмачилар

томонидан, қоидага кўра, тендер асосида амалга оширилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ажратиладиган буюртмачи улардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағлари ажратиш буюртмачи томонидан тасдиқланган иш хажмларини бажариш, асбоб-ускуналар, бутловчи материаллар, буюмлар ва конструкциялар етказиб бериш ҳамда маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ рўйхатларига биноан амалга оширилади.

Бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидаги харажатлар ҳисобга олинади:

- ўтган йилда бажарилган ишлар ҳажми учун кредиторлик қарзларни тўлаш;

- қурилишларининг аниқ, рўйхатларига киритилган объектларда бажариладиган ишлар бўйича жорий йилнинг ҳисобот ойидаги кредиторлик қарзларни тўлаш;

- ҳисобот ойи капитал қўйилмалари хажмларини ўзлаштириш асосида аниқланган жорий ойда капитал қўйилмаларни кутилаётган ўзлаштиришнинг 40 фоизигача миқдорда аванс тўлаш.

Бунда аванс миқдори харид қилинадиган асбоб-ускуналар, буюртмачи томонидан материаллар етказиб бериш, пудрат ташкилотларга аванс тўлаш, шунингдек ҳар бир аниқ, ҳолатда ҳукуматнинг қарорига кўра республика объектлари қурилишини жадаллаштириш мақсадида республика ташқарисидан маҳсулотлар сотиб олиш учун конвертация қилиш маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иктисодий асослаш, лойиҳа-смета ҳужжатлари, бошқа зарур ҳужжатлар ва маблағ билан таъминлаш манбалари билан таъминланмаган қурилишларнинг аниқ, рўйхатлари бўйича маблағ билан таъминлаш бошланишига йўл қўйилмайди.

Капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун буюртмачилар ҳар ойда Молия вазирлигига тўловлар схемаси билан биргаликда маблағ билан таъминлаш ҳисоб —китобини ҳамда марказлаштирилган капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлашга йўналтириладиган ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисоботнинг белгиланган шакли бўйича ахборот ҳам тақдим этадилар.

Капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифномасига мувофиқ харажат жадвали билан расмийлаштирилади.

Харажат жадвали асосида буюртмачилар маблағ билан таъминловчи банкларга молия органлари томонидан бюджет маблағлари билан қопланган маблағ билан таъминлаш лимитларини етказадилар.

Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлашни расмийлаштириш учун буюртмачилар маблағ билан таъминловчи банкларга:

- лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иктисодий асосланишини (лойиҳа –смета ҳужжатларини);

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган янгидан бошланаётган қурилишларнинг йиллар бўйича бўлинган аниқ рўйхатларини, кейинги йилга ўтувчи қурилишларнинг аниқлаштирилган аниқ рўйхатларини;

қурилишнинг барча даври учун бажарилган ишлар учун ҳисоб —китоб

шакллари кўрсатилган пудрат шартномалари (контрактлар)ни;

қурилишнинг йиғма смета ҳисоб—китобларини;

лойиҳа ҳужжатлари бўйича "Давархитектқурилиш" қўмитасининг давлат идорадан ташқари экспертизаси ва давлат экология экспертизасининг ҳулосаларини тақдим этадилар.

Бажарувчилар тендер асосида аниқланадиган объектлар бўйича лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник иқтисодий асосланиши, аниқ, рўйхат ва пудрат шартномаси (контракт) тақдим этилади.

Буюртмачилар давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш лимитларини қурувчи корхоналарга етказадилар ҳамда уларга ҳар ойда бир йилга тасдиқланган лимитлар доирасида амалда бажарилган ишлар ҳажми учун ажратилган маблағларни ўтказадилар.

Сметаларда назарда тутилган асбоб - ускуналарни сотиб олишга контрактлар (шартномалар) бўйича, шунингдек буюртмачи томонидан материаллар етказиб бериш юзасидан импорт операцияларга ҳақ тўлаш улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

Бюджет маблағларини ўтказиш юзасидан буюртмачиларнинг топшириғини бажаришда банк шифрлар ва суммалар бўйича кўрсаткичларнинг харажат жадвалига мувофиқлигини текширади, лойиҳа-смета ва қурилиш-монтаж ишларига, асосий фондларни сотиб олишга харажатларга ҳақ тўлашнинг йиғма ҳисобини юритади.

Қурилаётган объектларни кафолатли ва ўз вақтида маблағ билан таъминлаш мақсадида, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган объектлар бўйича маблағлар вақтинча бўлмаган тақдирда, маблағ билан таъминловчи банклар Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ва унинг белгиланган тартибда берилган кафолати остида қарз олувчига қисқа муддатли кредитлар бериши мумкин.

Маблағ билан таъминловчи банкка қисқа муддатли кредитдан фойдаланилганлиги учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ставка билан бериш тавсия этилади.

Кредит объект бўйича жорий йилга ажратилган маблағ билан таъминлашнинг умумий лимити ҳисобига, кредит бўйича фоизлар эса - қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобига қайтарилади.

Буюртмачиларга марказлаштирилган капитал қўйилмаларнинг тасдиқланган лимитларида назарда тутилган қайтариб бериш асосидаги давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикасининг гаров ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, қурилиши тугалланмаган объектлар, моддий бойликлар ва бошқа мол-мулкни гаровга қўйиш шартномаси асосида ваколатли банк томонидан берилади.

Фоизлар миқдори ва уларни ҳисоблаб қўшиш муддатлари, шунингдек, қайтариш асосидаги бюджет маблағлари бўйича асосий қарз ва фоизларни қайтариш тартиби Молия вазирлиги билан - буюртмачига маблағларни қайта молиялайдиган ваколатли банк ўртасидаги шартнома билан тартибга солинади.

Қоидага кўра, кейинчалик қарз олувчига қайта молиялаган ҳолда бюджет маблағлари ажратиш юзасидан Молия вазирлиги тижорат банки билан тузадиган шартнома қарзни қайтариш жадвалига мувофиқ навбатдаги тўлов суммасини банкнинг вакиллик ҳисоб-варағидан сўзсиз ўтказиб олиш механизми назарда тутилади.

Қарз олувчининг қарзни қайтариш учун маблағи ва қарзни қайтариш истиқболи мавжуд бўлмаган тақдирда Молия вазирлиги белгиланган тартибда банкротлик тўғрисидаги жараён ташаббускори бўлади.

Ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириши ва капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш жараёнида маблағ билан таъминловчи банклар марказлаштирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини, қурилиш муддатларига, ажратилган маблағларни қайтариш муддатларига риоя қилинишини ва улардан фойдаланганлик учун ҳақ тўланишини назорат қиладилар, бажарилган ишлар ҳажмини назорат тартибида ўлчайдилар. Назорат банклар томонидан маблағ билан таъминловчи томон билан тузилган шартнома асосида банкка воситачилик ҳақи тўланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қонун бузилишлар, қўшиб ёзишлар ёки ишлар ҳажмларини бошқача тарзда ошириш ҳоллари аниқланган тақдирда маблағлар белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Тижорат банклари томонидан олинган давлат бюджети маблағлари қатъий равишда мақсадли фойдаланиши керак ва улар депозит счётларга ўтказилиши, банклараро кредитлар бериш учун фойдалинилиши ва бошқа қисқа муддатли тусдаги операцияларга жалб қилиниши мумкин эмас.

Қурилишнинг давом этиш муддатлари бузилган, маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган, капитал қўйилмаларни ўзлаштириш тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ошириб кўрсатилган тақдирда тижорат банклари буюртмачиларга нисбатан, айрим ҳолларда эса пудратчиларга нисбатан ҳам мавжуд қонун ҳужжатлари билан белгиланган кредит билан таъсир кўрсатиш чораларини қўллайдилар. ,.

2. Бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари (шу жумладан, хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати остида бериладиган кредитлар) ҳисобига маблағ билан таъминлаш (қайта молиялаш) томонларнинг келишувига кўра кредитлашнинг амалдаги қоидалари ва нормаларига мувофиқ, амалга оширилади.

Тижорат банклари (ваколатли банклар) кредитлари ҳисобига маблағ билан таъминланадиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишишдан олдин ушбу банклар билан келишиб олиниши шарт.

Банкларнинг буюртмачилар билан ўзаро муносабатлари кредит шартномалари асосида қурилади. Кредитлаш муддатлилиқ, ҳақ тўлаш, қайтариш, таъминланиш ва мақсадли фойдаланиш шартларида амалга оширилади.

Ссуда ҳисобварағи бўйича барча операциялар банклар томонидан смета бўйича харажатлар моддаларига риоя қилинган ҳолда объектнинг смета қиймати доирасида шартнома шартларига мувофиқ, амалга оширилади.

Кредит объектларнинг буюртмачиларига ва пудрат қурилиш ташкилотларига аниқ вазиятдан келиб чиқиб берилади.

Бунда, буюртмачилар кредитни қайтариш таъминланиши учун мол-мулк гарови, учинчи шахсларнинг кафиллиги, банк кафолати, тўланмаган кредит хавфи суғуртаси билан бир қаторда Молия вазирлигининг белгиланган тартибда берилган кафолатини тақдим этишлари мумкин.

Маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилган ресурслар билан таъминланиши кечиккан тақдирда тижорат банклари уларнинг ўрнини ўз

маблағлари ёки жалб қилинган маблағ билан вақтинча алмаштириш йўллари кидириб топишлари мумкин.

Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш тасдиқланган лойиха ҳужжатларига мувофиқ ва пудрат шартномаси асосида амалга оширилади.

Аралаш инвестициялаш объектлари қурилишини маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш объектлар қурилишининг барча даври мобайнида бюджет маблағларини, бошқа марказлаштирилган капитал қўйилмаларнинг ўз маблағларини харажат қилиш нисбатига риоя қилган ҳолда мазкур Тартибга мувофиқ амалга оширилади.

3. Капитал қурилишдаги ҳисоб китоблар

Маблағ билан таъминлаш бўйича операцияларни амалга оширувчи банклар буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиқади ва улар қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлганда қурилишни маблағ билан таъминлаш ҳисоб-варақларини очади. Қурилишни ҳисоб-китоб ҳисоб-варақларидан маблағ билан таъминлашга йўл қўйилмайди.

Банклар буюртмачилар, пудрат ташкилотлари ва қурилишнинг бошқа қатнашчилар ўртасида бажарилган ишлар, етказиб берилган моддий техник ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни шунингдек, бошқа ҳисоб-китобларни амаддаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Қурилишнинг барча даврига тузилган контракт (пудрат шартномаси) буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўзаро муносабатларини тартибга солиш асосий ҳужжат ҳисобланади. Буюртмачи билан пудрат ташкилоти ўртасидаги ҳисоб-китоблар контракт (пудрат шартномаси)да назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Тўлов ҳужжатларини ва уларга илова қилинган ёйилмаларни текшириш, шунингдек тўлов банк томонидан 3 кун ичида амалга оширилади. Асосланмаган тўлов ҳужжатлари тақдим этилган ва уларга тузатиш киритиш зарурияти пайдо бўлган тақдирда тўлов барча тузатишлар киритилгандан кейин ва банкка тузатилган ҳужжатлар тақдим этилгач амалга оширилади.

Инвестиция жараёнининг бошқа қатнашчилари томонидан тузилган шартнома (контракт)лар улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Буюртмачилар пудрат ташкилотларининг бажарган ишлари ва бошқа харажатлари учун уларнинг ҳисоб-варақларига тўғридан-тўғри ҳақ тўлайди.

Тўлов шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ, контрактлар (пудрат шартномалари)да белгиланади.

Бутловчи ташкилотлар ёки маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан йиғма конструкциялар, буюмлар ва материаллар учун ҳисоб-китоблар шартнома (контракт)да назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган қурилишларнинг аниқ рўйхатларини шакллантириш.
2. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш.
3. Бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш.
4. Капитал қурилишда ҳисоб-китоблар.

мавзу. Лизинг инвестициялашнинг муҳим шакли сифатида (2 соат).

Режа:

1. Лизинг операцияларининг вужудга келиши ва аҳамияти.
2. Лизинг моҳияти, турлари ва иштирокчилари.
3. Лизинг шартномаларини асослаш ва тайёрлаш босқичлари.

***Таянч иборалар:** лизинг, молиявий лизинг, ижара, сублизинг, револьвер лизинг, лизинг компаниялари, лизинг олувчи, лизинг берувчи, лизинг сотувчи.*

1. Лизинг операцияларининг вужудга келиши ва аҳамияти.

Лизинг битимларининг пайдо бўлиши Аристотел даври (милоддан аввалги 384—322)га бориб тақалади. «Риторика» асарида у шундай фикрни баён этади: «Бойлик - буюмга эгалик қилишда эмас, балки ундан фойдаланишдадир»¹. Бу асарда у фойда олиш учун бирон-бир мулкка эгалик қилиш жуда ҳам шарт эмас, фақат ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш ва самарали фойдаланишнинг кифоя қилишини асослаб берилади.

Иқтисодий муносабатлар тарихи билан шуғулланувчиларнинг фикрларига кўра ижара (лизинг) битимлари Аристотел яшаган даврдан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Лизинг битимлари қадимги Шумер давлатида ҳам тузилган, бунга милоддан олдинги 2000 йилдаги ёзувлар гувоҳлик беради. Шумер давлатидаги Ур шаҳарчасидан топилган лойтахталардаги ёзувдар қишлоқ хўжалиги қуруллари, сув манбалари, ҳўкиз ва бошқа иш ҳайвонларини ижарага берилганлиги тўғрисида маълумотлардан иборат бўлган. Бу ёзувлар бизга ибодатхона қўғонлари маҳаллий ер эгалари билан битим тузган ижарага берувчилар бўлганлиги ҳақида хабар беради.

XIX аср бошларида Англияда саноатнинг жадал ривожини туфайли, турли хил ускуналар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортиганлиги муносабати билан ускуналар лизинги ривож топди. Бунда темирйўл транспорти ҳамда тошқўмир саноатининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этди. Шимолий Америкадаги қўшма Штатларда XVIII аср бошларида шахсий мулкни ижарага бериш бўйича биринчи шартнома қайд этилади. Бунда гилдия аъзолари шартнома бўйича от, ёпик арава ва аравачани ижарага олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Австриялик тадқиқотчи В. Хойер «Европада қандай бизнес қиладилар» номли китобида, «лизинг» терминини биринчи марта 1877 йилда қўлланганини ёзади. ўшанда «Белл» телефон компанияси ўз телефон аппаратларини сотмаслик, балки уларни ижарага бериш ҳақида қарор қабул қилади, яъни аппаратни мижознинг уйи ёки офисига телефондан фойдаланганлик учун ижара ҳақи тўлаш асосида ўрнатади.

XIX аср бошларида АҚШда автотранспорт гуркираб ривожлангани туфайли транспорт воситаси билан боғлиқ лизинг бизнеси тез суръатлар билан тараққий этади. Автомобил лизингидан фойдаланишга биринчи мисол 1918 йилга тааллуқли. Генри Форд 30-йилларда ўз автомобиллари сотилишини кўпайтириш учун лизинг шаклидаги ижарадан кенг фойдаланади. Лекин Чикаголик савдо агенти — Золли Фрэнк автомобил лизинги бизнесининг отаси ҳисобланади. У 40-йиллар бошида биринчи бўлиб узоқ муддатли автомобил ижарасини таклиф этади. Лизинг муносабатлардаги ҳақиқий инқилоб Америкада ўтган асрнинг 50-йилларида содир бўлади. Унда технология жиҳозлари, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётлар ва бошқалар оммавий суратда лизинг асосида ижарага берилди.

бошлайди. 1952 йилда Сан-Францискода тузилган машхур Америка компанияси «United states leasing corporation» илк Компания бўлиб, лизинг операциялари унинг учун асосий фаолият тури, ҳисобланади. Бу компания биринчи бўлиб халқаро миқёсга чиқди, оқибатда халқаро лизинг юзага келди. 1982 йилда Мак-Доннел Дуглас корпорацияси лизинг ёрдамида самолётлар бозорини эгаллади.

Францияда биринчи лизинг компанияси 1957 йилда пайдо бўлади ва у SERAFITES (1962 йилдан -- Locafrance) деб номланган. Унинг фаолияти асосий йўналиши саноат ускуналари-нинг лизинги бўлди. Мазкур компания биринчи битимни 1961 йил 22 февралда имзолаган. Францияда лизинг 1966 йилда қабул қилинган.

Англиядаги замонавий лизинг бизнесининг илк қалдирғочи бўлиб, «Mercantile Leasing Company» ҳисобланади. У 1960 йил 8 июлда таъсис этилган «Mercantile Credit Company» ва «United States Leasing Corporation» француз-америка қўшма корхонаси тарзида юзага келган. Бироқ, Англияда лизинг фақат 1970 йил дағина сезиларли даражада, солиқ имтиёзи жорий этилгандан сўнг ривожланди.

Италияда биринчи лизинг компанияси 1963 йилда ташкил топади.

Германияда биринчи лизинг компанияси «Locallease Mietfinanzierung Gmbh» 1962 йилда тузилган, унинг устав капитали 1 млн. маркани ташкил этган. 60-йилларнинг бошларида лизинг бизнеси Осиё қитъасида ривож топади. Японияда 1969 йилда тузилган «Centry Leasing System» лизинг компанияси энг машхур ва йирик компаниялардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида лизинг гуркираб ри-вожланган давр XX асрнинг 60—70-йиллари бўлди, бу бозор муносабатларининг, айниқса молия соҳасининг янада ривож-ланишини тақозо этган замонавий технологиялар жадал суръатлар билан ўсганлиги билан алоқадор эди. Лизинг муносабат-лари пайдо бўлиш тарихининг шарҳига хулоса қилиб, уни қарзга олиш асосида юзага келган яхлит иқтисодий ва ҳуқуқий тизим сифатида қабул қилиш мумкин. Лизингнинг ривожла-ниш тарихи шуни кўрсатадики, лизингнинг пайдо бўлишига объектив сабаблар имкон берди ва тегишли шарт-шароитлар бир томондан лизинг мулкига талабни оширган бўлса, иккинчи томондан унга эҳтиёжни шакллантирди, учинчи томондан бўш турган молиявий ресурсларни лизинг муносабатларини ривожлантириш учун жалб этишнинг ошишига олиб келди, мазкур барча ҳолларда лизинг муносабатлари фақат лизинг муносабатида қатнашувчи томонлар ўзаро манфаати бир-бирига мос келган ҳоллардагина амалга ошди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, лизингга лизинг маҳсулоти ишлаб чиқувчилар ва истеъмол қилувчилар, шунингдек молиявий воситачилар, бизнеснинг шу тури билан шуғулланувчилар учун бир қатор муҳим масалани ҳал этувчи бизнеснинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ўзбекистон учун тадбиркорлик фаолиятини молиялашнинг янги усулини кенг қўллаш учун, шунингдек, чет эл лизинг тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнеснинг назаримизда лизинг муносабатлар иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқур англаш лозим бўлади. Лизинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиатини атрофли-ча ўрганиш, замонавий бозор иқтисодиётида барча функцияларини бажариш миллий иқтисодиётда уни кенг тад-биқ этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шароитларни яратиш имконини беради.

«**Лизинг**» сўзи инглизча бўлиб, «lease» феълидан келиб чиққан бўлиб ва тахминан, «**мулкни ижарага бериш**» ёки «**мулкни ижарага олиш**» маънолари ифодасини билдиради. Баъзи манбаларда таъкидланишича, машина, жиҳоз,

транспорт воситалари ва бошқа ишлаб чиқаришга тааллуқли ҳаракатланувчи мулкни узоқ муддатли ижарага олишдир.

Бир қатор махсус адабиётларда ҳам шунга яқин таърифлар берилади, уларнинг муаллифлари, лизинг бизнесига хос ижара муносабатларининг узоқ муддатлилигини таъкидлайдилар. Бироқ ўз моҳиятига кўра, бу муносабатларнинг кредит хусусиятига эга бўлган табиатини кўпинча инкор этадилар. Кўпчилик муаллифлар лизингнинг моҳиятини очиб берувчи ўзига хос хусусиятларни назардан четда қолдирадилар.

Маълумки, лизинг оддий ижара эмас, балки бу унинг ўзига хос кредитга яқинлаштирувчи хосса. Ижарадан фарқли ўлароқ унда, қоидага кўра, учта ва ундан ортиқ субъект қатнашади: ускуналарни етказиб берувчи, лизинг (молия) компаниялари ва фойдаланувчилар.

Иқтисодчилар орасида, «лизинг - ижара ҳақидаги оддий кенгайтирилган, битим» ёки «ижара бутун муддати мобайнида ижарага олувчининг мулкка эгалик ҳуқуқи сақланган ижара шартномаси» ёки «лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури» деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд.

Юқорида қайд этилган ифодаларда асосий эътибор битимнинг ўзига ёки ижара муносабатлар шаклига қаратилган, шу билан бирга, унинг мазмуни, моҳияти улар томонидан очиб берилмайди.

Чет эл адабиётларида лизингнинг бошқача таърифи ҳам учрайди. Баъзи иқтисодчилар лизингни кўчма ва кўчмас мулкни ижарага бериш бўйича, кўзда тутувчи контрактни уни ижарага олувчига сотилишини мумкинлигининг бир тури деб ҳисоблайдилар. Адабиётларда мулкни хусусий қилиб сотиб олиш ва кейинчалик маълум тўлов асосида вақтинча фойдаланишга бериш туфайли юзага келувчи мужассама мулкӣ муносабатлар лизинг деб аталади, деган фикрлар ҳам учрайди.

Пул, товар капитални ўзаро фойдали тақсимлаш ва жойлаштириш ҳамда лизинг ёрдамида ишлаб чиқаришга тадбиркорлик капиталини жалб этиш воситасида мавжуд қийматгина сақланиб қолмайди, балки у капиталга айланади, Тадбиркорлик тузилмаларда молиявий ресурслар чекланган шароитларда лизинг ҳам микро даражада, ҳам бутун миллий иқтисод миқёсида асосий капиталга молиявий инвестициянинг асосий усуллариинг ўрнини босиши мумкин.

Қуйидагилар лизинг муносабатларнинг пайдо бўлиш шакллари ҳисобланади:

- қарзга олиш (кредитга олиш), инвестициялаш;
- хусусий мулк муносабати (лизингга олувчи топшириғига кўра мулкни сотиб олиш ва ижарага бериш);
- мулкӣ муносабат (эгалик қилиш, фойдаланиш, мулкӣ ҳуқуққа кўра тасарруф этиш ҳуқуқининг алоҳидаланиши);
- ҳуқуқӣ муносабат (лизинг иштирокчиларининг ўзаро масъуллиқ муносабатлари);
- тақсимлаш муносабатлари (лизинг оқибати сифатида);
- лизинг моҳиятидан келиб чиқадиган ижара муносабатлари (эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш муносабатлари ва лизинг берувчи олдидаги масъулият).

2. Лизинг моҳияти, турлари ва иштирокчилари.

Биз юқорида баён этган лизинг тарихи ва унинг ривожланиши, лизинг тушунчасини жуда қадимий эканлигини билдиради. Шунга қарамасдан, лизинг

муносабатларининг моҳияти бугунги кунгача турли олимлар ва мутахассислар томонидан турлича талқин қилиниб келинмоқда. Лизинг амалиётларининг ҳажми кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги ҳамда унинг кўпдан-кўп шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги сабабли, лизинг тўғрисидаги мавжуд тушунчаларга аниқлик киритиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалиётда қўлланилаётган лизинг битимларининг бир-биридан фарқ қилувчи муҳим жиҳатлари бўйича у жорий ва молиявий лизинг тушунчаларига бўлиниб кетган. қонунчилик ҳужжатларида ижара бу - жорий лизинг, молиявий ижара эса молиявий лизинг ёки бир сўз билан лизинг деб қабул қилинган. Демак, молиявий ижара - булизингдир. Мазкур тушунчалар халқаро адабиётларда ҳам шундай маънода қўлланилмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабридаги 447-Н - сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Лизинг тўғрисида"ги қонунига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва республиканинг лизинг бўйича қонунчилиги халқаро андозалар талабларига мослаштирилди.

Бундан ташқари, лизинг моҳиятини очишда унинг таркибий қисмлари бўлмиш, лизинг объекти ва субъектларига ҳам аниқлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир. Бунда:

- **Лизинг берувчи** - лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш мақсадида мулк қилиб сотиб оладиган банк ёки лизинг компанияси ёки уларнинг шўъба компаниялари.

- **Лизинг олувчи** - лизинг шартномаси бўйича лизинг объектига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун оладиган юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор ёки жисмоний шахслар.

- **Сотувчи** - лизинг берувчига лизинг объектини сотувчи юридик ёки жисмоний шахслар.

Лизинг объекти - истеъмол қилинмайдиган ва қонунчилик билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган ҳар қандай буюмлар, барча мулк мажмуалари, шу жумладан, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин.

Хўш, лизинг нима? Келинг, халқаро миқёсда энг кўп тарқалган лизинг тушунчаларини таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, ХМК мутахассислари томонидан у қуйидагича талқин қилинган: *"Лизинг- бу мулккий муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига биноан учинчи тараф (мол етказиб берувчи)дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчига беради"*.

Лизингга берилган ушбу таърифда унинг моҳиятини очиб берувчи қатор муҳим белгилари мавжуд. Чунончи, унда лизингги мулккий муносабатлар мажмуи эканлигига алоҳида урғу берилган бўлиб, унинг моҳиятини очишда иқтисодий мазмунига таянишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, лизинг шартномасидаги келишувга асосан лизинг объекти шартноманинг амал қилиш муддати давомида лизинг берувчининг тасарруфида қолдириш шarti ҳам лизингги мулккий муносабатларга тааллуқли бўлган мазмунини тўлдиради.

Бундан ташқари, мазкур таърифда лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига вақтинчалик фойдаланишга тўлаш шарти ёки фойда олиш мақсадида беришини белгиланиши лизингни тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлик жиҳатига ҳам эътибор қаратилган ёки бошқача қилиб айтганда, лизинг бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган фойда олиш истагининг маҳсули сифатида қаралган.

Шу билан биргаликда, ушбу таърифда лизинг объектини лизинг шартномаси якунлангандан сўнгги тақдири аниқланмай қолган, яъни шартнома тугагандан сўнг у кимнинг мулкий тасарруфига ўтиши кўрсатилмаган. Мазкур мезон лизинг, яъни молиявий ижаранинг муҳим атрибутларидан бири эканлиги боис, бизнинг фикримизча, бу мазкур таърифнинг сезиларли камчилигидир.

Лизинг операциясига мулкий муносабат нуктаи назаридан ёндашган ҳолда, у бир-бири билан ўзаро боғлиқ иккита: лизинг объекти бўйича келишув муносабатлари ҳамда ундан муваққат фойдаланиш каби унсурлардан иборат эканлиги тўғрисидаги хулосага келиш мумкин. Агар лизинг шартномасида, унинг муддати тугагандан кейин лизинг объектини сотиш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасидаги **мулкдан муваққат фойдаланиш** муносабатлари **олди-сотди** муносабатларига айланади.

Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоциацияси томонидан лизингга берилган таъриф ҳам эътиборга моликдир. *"Лизинг - бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақсадида завод, саноат товарлари, ускуналар ва қўзғалмас мулклардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда мазкур товарлар ижара берувчи томонидан сотиб олиниб, у мулкка бўлган эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади"*.

Ҳеч қандай қийинчиликсиз сезиш мумкинки, ушбу таъриф лизингни ижара шартномаси сифатида баҳолаб, унинг моҳиятини ёритишда иқтисодий мазмунидан кўра, ҳуқуқий жиҳатларига асосий эътибор қаратилган. Эътироф этиш керакки, унда лизинг объекти ва ундан фойдаланиш мақсадларига аниқлик киритилган. Ёки қандай мол-мулк лизинг объекти бўлиши лозим ва ижарачи уни қандай мақсадларга ишлатиши мумкин эканлиги аниқ кўрсатилган. Албатта, бундай аниқлик лизингдан амалиётда фойдаланишда ўта қўл келади. Шу билан биргаликда, бундай чегараланиш ундан фойдаланиш доирасининг торайишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида қонун билан тақиқланмаган ва кўп марта ишлатиш қобилятига эга бўлган барча мол-мулклар лизинг объекти сифатида ишлатилмоқда. Шунингдек, лизинг объектидан нафақат ишлаб чиқариш мақсадларида, балки хизмат кўрсатиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш мумкинлиги соя остида қолдирилган.

Юқоридаги келтирилган лизинг бўйича таърифларда молиявий ижаранинг асосий атрибути, бу мазкур муносабатларда албатта уч субъектнинг иштирок этиши эканлигини пайқаш қийин эмас. Ёки бунда лизинг берувчи молиявий ижарада марказий ўринда туради. Лизинг берувчи компаниялар ёки банклар ушбу амалиётларни молиялаштирувчи субъект ҳисобланади, балки шу боисдан ҳам бундай ижара амалиётлари молиявий ижара номини олган бўлиши мумкин.

Биз лизингнинг моҳиятини аниқлашда иқтисодий адабиётларда ва ҳуқуқий хужжатларда кўпроқ қўлланиладиган лизинг тўғрисидаги тушунчаларнинг таҳлили билан чегараландик. Умуман, лизинг бўйича берилган ҳар қандай таъриф маълум устунликларга эга ва айни пайтда камчиликлардан ҳам холи эмас.

Лекин, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, баъзи адабиётларда лизингга

берилаётган тор тушунчалар, масалан, унга инвестиция фаолияти ёки молиявий хизмат, шунингдек, кредитлашнинг бир тури сифатида қаралмаслик лозим. Лизинг моҳиятини бундай талқин қилиш унга фақат бир томонлама ёндашишга олиб келади. Масалан, лизингни инвестиция фаолияти дейилганда, фақат лизинг берувчи ва лизинг олувчининг манфаатлари инобатга олинган бўлади, молиявий хизмат деганда эса лизинг компанияси ёки банкларнинг фаолияти билан чегараланишга тўғри келади, уни кредитлаш билан таққослаш эса банк ва бошқа кредит муассасаларининг умумий фаолияти билан чалкаштириб юборишга сабаб бўлади.

Лизингни таърифлашда аввало, у мулкрий муносабатларга тааллуқли эканлиги ҳамда унда иштирок этаётган барча субъектларнинг мавқеи ва манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан, Халқаро Молия Корпорацияси мутахассислари томонидан лизингга берилган таъриф биз юқорида келтирган бошқа лизинг таърифларга қараганда ана шундай талабларга кўпроқ жавоб беради. Шу билан биргаликда, ушбу таърифга лизинг шартномаси тугагандан лизинг объекти лизинг олувчининг тасарруфига ўтиши қоидасини ҳам қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Демак, **"Лизинг деганда, бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тарафнинг (лизинг олувчининг) топиригига биноан учинчи тараф (мол етказиб бе-рувчи) дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни лизинг олувчига ҳақ эвазига лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш үчүн ҳамда шартнома тугагандан сўнг лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқи билан берадиган мулкрий муносабатлар мажмуидир"**.

Энди лизинг турлари ва шакллари тўғрисида тўхталиб ўтсак. Лизинг турлари деганда унинг айрим мазмуний белгилари билан фарқ қилувчи лизинг шартномалари тушунилади. Лизинг шакллари деганда эса, унинг мазмуни бир бўлиб, фақат лизинг объекти ва субъектларининг, лизинг битими тузилган иқтисодий жараёнларнинг шакли ҳамда унинг ташкилий жиҳатлари билан бир-биридан фаркланадиган лизинг битимлари тушунилади. Демак, лизинг турлари бир-биридан мазмунан фарқланса, унинг шакллари эса лизинг битимларининг ташқи тузилиш белгилари билан таснифланади.

Барча мамлакатларнинг амалиётида кенг тарқалган лизинг турлари бу молиявий ва жорий ижара турларидир. Биз юқорида молиявий ижара - бу лизинг, оддий, яъни молиявий бўлмаган ижара эса жорий лизинг дейилишини айтиб ўтган эдик. Бугунги кунда ҳам амалиётда лизинг битимлари ё лизинг (молиявий ижара) ёки жорий лизинг (оддий ижара) шаклида тузилмокда, шу сабабли лизингдан жорий лизингни фарқини ажратиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, кўпгина ривожланган мамлакатларда лизингнинг бу турларини фарқлаш бўйича ўз ички қонунчилик ҳужжатларига тегишли меъёрлар киритилган ва шу меъёрлар бўйича лизинг шартномаларини молиявий ёки жорий лизингга таснифлашни бошлашди.

Айрим иқтисодчилар бу икки лизинг турини лизинг шартномаларининг муддатларига қараб, яъни узоқ муддатли лизинг шартномалари молиявий, қисқа муддатлилари эса жорий лизинг деб қабул қилинади. Шунга мувофиқ, жорий лизингда лизинг объекти фойдаланиш муддати давомида кўп марта қўлланилади ва улар муддатларига қараб *рентинг* (бир йилгача) ва *хайринг* (бир йилдан уч йилгача) битимлари деб номланади.

Лизинг (молиявий ижара) шартномаси эса узоқ муддатларга тузилиб, аксарият ҳолларда унинг муддати лизинг объектининг фойдаланиш муддатига яқин бўлади, бинобарин, ушбу лизинг объекти фақат бир марта қўлланилади. Бундан ташқари, лизинг муддати тугагандан сўнг, лизинг олувчи шартномада келишилган нархларда, лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Баъзи мутахассислар лизингни жорий лизингдан фарқини лизинг шартномаси давомида лизинг объекти бўйича вужудга келадиган барча молиявий масъулият ва хатарлар кимнинг зиммасига юкланишига қараб аниқлашни таклиф этишган.

Ушбу масала бўйича бир қарорга келмаслик лизингни халқаро муносабатларда қўллашда катта муаммоларни вужудга келтириб, унинг ривожланишига тўсқинлик қила бошлади. Айниқса лизинг ким-инг балансида ҳисобга олиниши, солиқ мажбуриятлари кимнинг зиммасида бўлиши ва молиявий ҳисоботларда қандай акс эттирилиш масалалари халқаро молиявий ташкилотларнинг диққат-эътиборини тортди. Натижада, жаҳон иқтисодчилари томонидан лизингни таснифлашнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди.

Бугунги кунда халқаро миқёсда лизинг (молиявий ижара) қуйидаги белгиларига қараб таснифланмоқда:

- лизинг шартномасининг муддати тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг хусусий мулкига ўтади;

- шартнома муддати лизинг объектидан фойдаланиш муддатининг кўп миқдорини ташкил этади.

- лизинг олувчи лизинг объектини бозор баҳосида паст баҳода ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг белгиланадиган баҳода сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади;

- лизинг шартномаси даврида лизинг тўловларнинг умумий суммаси (солиқлардан ташқари) лизинг объекти қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши лозим;

- ижарага берилган лизинг объектининг фойдаланиш хусусиятларини лизинг олувчи қайта ўзгартирмаслик лозим.

Башарти, лизинг шартномаси юқорида кўрсатилган талабларнинг ҳеч бўлмаса биттасига жавоб берган тақдирда ҳам уни молиявий ижара - яъни лизинг сифатида қабул қилиш ва улар лизинг шартномаси тузишда албатта инобатга олиниши лозим бўлади.

Бугунги кунда аксарият мамлакатлар-да лизингнинг бу икки турини ажратишда юқоридаги қоидалар асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикада лизинг муносабатларини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар ва имтиёзлар яратиш ҳамда унинг ривожланишига тўғанок бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини халқаро андозалар талабларига мослаштириш мақсадида янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Жумладан, 2002 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лизинг тизими ривожланишини янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-И - сонли қонуни билан республиканинг юқоридаги лизингга оид бўлган икки қонунчилик ҳужжатларига бир вақтда тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Фикримизча, олдинги лизинг тўғрисидаги тушунчага қуйидаги ижобий қоидалар қўшилди:

1. "Молиявий лизинг" ибораси бевосита "Лизинг (молиявий ижара)" сўзига алмаштирилди.

2. Лизинг берувчи лизинг объектини мулк қилиб сотиб олиши ёки лизинг объекти лизинг шартномаси тугагунча лизинг берувчининг мулки бўлиб ҳисобланиши қоидаси мустаҳкамланди.

3. Лизинг шартномаси муддати ўн икки ойдан кам бўлмаслиги талаби ўрнатилди.

4. Лизинг олувчига лизинг шартномаси муддати тугагач лизинг объектини бозор қийматидан паст нархда тўлаб сотиб олиш ҳуқуқи берилди.

Кўриниб турибдики, ушбу ўзгартириш-лар орқали қонунчилик ҳужжатларидаги лизинг моҳияти халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослаштирилди. Айниқса, молиявий лизинг тушунчаси лизинг ёки молиявий ижара ибораси билан алмаштирилиши юқоридаги фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Ғарб мамлакатларида лизинг хизматлари бозори лизинг шартномаларининг шакл ва моделлари хилма-хиллиги билан ва лизинг операцияларини тартибга солувчи турли юридик меъёрлари билан ажралиб туради. Замонавий бозор иқтисодиётида лизинг хизматларининг илмий асосланган таснифланиши шу шакллардан ҳар бирининг вазифаси ва муҳим тафовутларини ҳамда уларнинг ўрнини тўғри тушинишга ёрдам беради.

Лизинг мулкчининг янгиланиш муддатига боғлиқ ҳолда лизинг шартномалари қуйидагича таснифланади:

Янгиланадиган лизинг, бунда ижарачи талаби бўйича ускуна вақти вақти билан янги, худди шу турдаги анча такомиллашган намуна билан алмаштириб турилиши кўзда тутилади.

Револьвер лизинг ёки ускуна тадрийжий алмаштириладиган лизинг, бундан лизинг олувчидан унинг технологик хусусиятига кўра мунтазам равишда турли ускуналар талаб этилади. Бундай ҳолларда лизинг шартномаси шартларига мувофиқ лизинг олувчи муайян муддат ўтгунча ижарадаги мулкни лизинг бошқа объектига алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Учинчи шахс фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишига боғлиқ ҳолда лизингнинг қуйидаги турлари фарқланади:

Сублизинг, бу - тадбиркорлик фаолиятида лизинг олувчи кейинчалик лизинг объектини учинчи шахсга беришини англа-тувчи мажбуриятнинг бир тури. Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни 6-моддасига кўра лизинг олувчи лизинг шартномаси асосида вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олган лизингини учинчи шахсга сублизингга бериш ҳуқуқига эга. Бироқ, бунинг учун лизинг берувчининг ёз-ма розилиги бўлиши талаб этилади. Бунда лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи олдида масъулиятли бўлиб қолади. Сублизинг шартномасининг амал қилиш умумий муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддати билан чекланади ва кейинчалик муддатидан кўп бўлмаслиги керак.

3. Лизинг шартномаларини асослаш ва тайёрлаш босқичлари.

Лизинг шартномаси иштирок этувчи томонларнинг муносабатлари акс этадиган асосий ҳужжат ҳисобланади. У лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузилади ва унда лизинг мулки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун берилиши кўрсатилади. Лизинг шартномаси битим объекти фойдаланишга берилгани ва кўрсатилган муддат мобайнида ишлашлиги сифатида лизинг мулки

қабул қилингани тўтрисидаги далолатнома имзоланган вақддан кучга киради. Мулкнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади, лизинг шартномасини унда қатнашувчи барча томонлар имзолайди, яъни лизинг берувчи, лизинг олувчи, етказиб берувчи — лизинг мулк-кини ишлаб чиқарувчи.

Лизинг мулки фойдаланишга олинганлиги тўғрисидаги далолатнома имзолангач ва расмийлаштирилгандан сўнг, лизинг берувчи лизинг олувчи оддида масъулиятга эга бўлмайди, чунки у олинadиган лизинг мулкидан мустақил равишда фойдаланади.

Лизинг мулкидан фойдаланиш жараёнида юзага чиқадиган ва синиш, йўқолиш, муддатидан олдин ишдан чиқиш, бузилиш ва шикастланиш билан боғлиқ барча рискларни, етказилган зарардан қатъий назар, лизинг олувчи ўз зиммасига олади.

Қоидага кўра, лизинг тўловларнинг умумий ҳажми ва таркибига лизинг мулкнинг тиклаш қиймати (амортизация); фойдаланганлик учун лизинг берувчига тўланадиган тўлов; лизинг шартномаси бўйича жалб қилинган кредит ресурслари тўлови; лизинг берувчи коммиссион мукофоти; агар лизинг берувчи томонидан суғурталанган бўлса, лизинг мулкни суғурталаш учун тўлови; шартномада кўзда тутилган лизинг берувчига қўшимча кўрсатиладиган хизмат учун тўлов киритилади. Шартномада лизинг берувчининг бошқа кўзда тутилган харажатлари ҳам лизинг тўловлари таркибига киритилиши мумкин.

Лизинг олувчининг лизинг тўловлари барча миқдори улар ишлаб чиқарган маҳсулот (бажарган иш, кўрсатган хизмат) таннарига қўшилади. Лизинг битимини молиялаштириш учун сафарбар этиладиган кредитдан фойдаланганлик учун сарфлар миқдори лизинг берувчида лизинг хизмати тан-нарига қўшилади. Амортизацияга ажратиш масаласи лизинг берувчи ёки лизинг олувчи балансида ҳисобга олинadиган мазкур лизинг мулкига боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Лизинг тўловлари турли шаклда амалга оширилади: пулли тўлов, тоовон учун бериладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар. Шунингдек, амалиётда аралаш шаклда, яъни бунда турли тўловлар билан бирга товар ва хизматлар билан тўлашга ҳам имконият бўлади. Лизинг бизнеси амалиётида ҳам зуд тўловдан, ҳам бўнак тўловдан фойдаланилади, бунда лизинг берувчи шартномани расмийлаштириш вақтида бўнак беради, сўнг лизинг мулкидан фойдаланиш бошланганда лизинг тўловининг қолган миқдорини келишилган улушларда тўлайди. Тўловлар, одатда, томонлар келишиб олган муддатлар бўйича амалга оширилади, у лизинг шартномасига илова қилинади ва вақти турли (ойлик, учойлик ва йиллик) бўлади.

Лизинг олувчи молиявий аҳволига боғлиқ ҳолда, шартномада лизинг тўловларини амалга ошириш тартиби келишиб олинади, у тенг улушларда, ошиб борувчи ёки камайиб борув-чи миқдорда бўлиши мумкин.

Лизинг бизнеси барқарор ривожланиши учун бизнинг мам-лакатимизда лизинг битими қатнашчиларининг рискинни тўғри баҳолаш ва минималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Лизингдан манфаатдор тайинли миждозларни лизинг берувчи-нинг излаши лизинг битими тузиш бўйича ташкилий ишларнинг умумий мақсади ҳисобланади. Амалда лизинг битими тузиш та-шаббуси, одатда, тайинли лизинг олувчи томонидан бўлади. У за-рур мулкка эга бўлган етказиб берувчини мустақил танлайди ёки лизинг компаниясига ёки тижорат банкига етказиб берувчини топишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Бундай ҳолда ускуна тури ва

лизинг компанияси тавсия этганлардан бирини танлаш ҳуқуқини лизинг олувчи ўзида сакдайди.

Томонлараро ўзаро муносабатнинг барчаси кейинчалик тавсия-ариза асосида курилади, у лизинг берувчига лизинг олувчи томонидан берилади. Ариза ихтиёрий шаклда тузилади, лекин унда зарур ускунанинг техникавий тавсифи, унинг иқтисодий кўрсаткичлари, етказиб берувчининг номи ва рек-визитлари кўрсатилиши шарт.

Ариза билан бир пайтда тайинли лизинг олувчи лизинг бе-рувчига юридик тасдиқланган ўз устави ва инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бизнес-режаси нусхасини тақдим этади. Айни шу босқичда лизинг-компаниялар бизнес-режасини баҳолашда улар таклиф этган лойиҳалар сараланади. Лизинг компаниялари қабул қилган мурожатномалар, кўриб чиқилган лойиҳалар ва амалга оширилган шартномаларнинг нисбатини 100:50:5 га қиёслаш мумкин. Лизинг олувчилар лойиҳаларининг рад этилишига кўпинча тўғри тайёрланган ва ўз вақтида тақдим этилган бизнес-режа мавжуд эмаслиги сабаб бўлади. Мазкур режага лизинг компаниялари қўядиган талаб-лар, одатда, бир тахлитда бўлади, бу ҳақда қуйида келтирилган бизнес-режанинг тузилиши гувоҳлик беради:

1. Резюме (қискача хулосалар).

2. Корхонанинг жорий назорати:

фаолият йўналиши, бозордаги эришилган ютуқлар; рақобатдаги мавқе; раҳбарият, мулк шакли, фирма бошқарувнинг тузилиши; жо-рий молиявий натижалар; маҳсулот тавсифи ва тадбиқ этилиш соҳаси; етказиб берувчилар ва маҳсулот истеъмолчилари билан ишлаш тарзи; корхонани ривожлантириш стратегияси ва ҳ.к.

3. Лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган маҳсулот кўрсатиладиган хизмат:

лойиҳада тавсия этиладиган товарлар ва хизматлар тавсифи.

4. Маркетинг режаси:

бозорнинг кўлами ва ўзгариш йўналиши; лизинг олувчи доимий мижозларини таркиби; асосий рақобатчилар таркиби; мазкур ташкилотнинг аниқ афзаллик жиҳатлари ва камчилик-лари; товарларни тарқатилиш нархи; нарх шаклланиши; рек-лама; сотувни рағбатлантириш усуллари; фирма ва унинг то-варлари ҳақида жамоатчилик фикрларининг шаклланиши; сотув ҳажми ҳақидаги мўлжал.

5. Ишлаб чиқариш режаси:

ишлаб чиқариш хоналари ва ускуналарнинг аҳволи; материал-лар ва бутлов қисмларини етказиб берилиш манбаи; ишлаб чиқариш ҳажми; ишлаб чиқариш оқимининг тархи; сифат назора-ти; атроф муҳитни муҳофазалаш тизими ва чиқиндиларни яроқсизлантириш.

6. Ташкилий режа:

ривожланиш режасининг мавжудлиги, корхона ташкилий тузилиши; кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш; менежмент сифати, назорат ва мониторинг даражаси.

7. Рисклар баҳоси:

эҳтимоли бор рисклар рўйхати, рискларнинг табиати ва юзага келиши мумкинлиги кўрсатилган ҳолда, шунингдек ун-дан кўрилиши мумкин бўлган зарар ҳамда уларни минимал-лаштириш.

8. Молиявий риск:

молиявий режага шарҳлар; кирим ва чиқим режаси; ишлаб чиқариш ва

айланиш харажатлари хусусидаги башорат; пулнинг ҳаракатланиши хусусидаги башорат; молиявий барқарорлик тахлили.

Лизинг олувчи тўлов мажбуриятларини бажармаган тақдирда лизинг берувчи ўз эҳтиётини кўзлаб, мижозни тўловга қобиллиги нуқтаи назаридан иқтисодий фаолиятини баҳолашни ўтказди. Бундан ташқари, лизинг берувчи лизинг лойиҳасини мулкни қайта лизингга бериш эғтимоли борлигини ёки лизинг олувчининг айби билан лизинг шартномаси муддатидан илгари бекор қилинишига тўғри келганда уни сотишни тахлил этиш талаб этилади.

Лизинг олувчининг тўловга қобиллигини баҳўлаш банк мижозларининг кредитга қобиллигини тахдил қилиш учун қабул қилинган умумий асосларда амалга оширилиши мумкин. Бироқ, лизинг операцияси мумтоз талқинда узок муддатли тавсифга эга эканлиги туфайли лизинг берувчи фақат лизинг олувчининг жорий молиявий аҳволигина эмас, балки, лизинг битими муддатига мос келувчи истикболдаги давр ичида барча тўлов мажбуриятларини бажаришга қанчалик қобиллиги билан ҳам қизиқиши керак.

Узок муддат кредитлашда, худди, узок муддатли ижарадаги сингари корхонанинг кредитга қобиллигини белгилашнинг мукамал услининг йўклиги қарзни узиш коэффицентини, ликвидлиги ва кредитга қобиллик қўшимча кўрсаткичларини тахлил қилиш билан бир қаторда корхона умумий иқтисодий барқарорлигани баҳолашга, асосан, унинг ривожланиш истикболи тахлиliga алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, умумий конъюнктурани, мазкур корхонанинг бозор рақобатидаги ўрни ва истикболини баҳолаш зарур. Мана шулар асосида лизинг компанияси ёки банкнинг аналитик бўлими лизинг олувчининг тўловга қобиллиги ҳақида хулоса ва у билан лизинг муносабати ўрнатиши бўйича тавсия тайёрланади. Агар тузиладиган битим катта риск билан боғлиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчидан қўшимча кафолатлар талаб қилишга ҳақли. Лизинг битими тузиш ҳақида ижобий қарор қабул қилиш ҳолларида лизинг берувчи фойдаланувчи ариза-тавсияномаси ва унинг тўловга қобиллиги асосида лизинг мулкнинг етказиб берувчи фирма билан бўлажак лизинг олувчи ва етказиб берувчи ўртасида келишилган олди-сотди шартномаси ва техник шартлар ҳақида битим тузади.

Буюртма-нарядда лизинг берувчининг номи, манзили, ҳисоб рақами кўрсатилган бўлиши керак. Унда яна иш ҳажмининг тавсифи (зарур бўлса, босқичма-босқич бажарили-ши) ва бажарилиш муддати, ишнинг қиймати, ишни босқичлар бўйича ҳамда тўлиғича топшириш қабул қилиш таркиби берилиши лозим. Буюртма-нарядга техникавий топширик (талабнома) ва ишнинг бажарилиши шартларини белгиловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Лизинг объектини етказиб берувчи буюртма-нарядни олгач, лизинг берувчига уни олганлигини тасдиқловчи маълумот юборади, фойдаланувчига ускунани етказиб бергандан кейин ўз реквизитини кўрсатган ҳолда икки нусхада ҳисоб-китобни жўнатади.

Қоидага кўра, олди-сотди битими тузиш, етказиб берувчига буюртма-наряд жўнатиш билан бир вақтда лизинг битимини юридик жиҳатдан расмийлаштириш амалга оширилади.

Агар битим объектидан ижарага фойдаланмаса лизинг шартномасини, юқорида эсга олинган икки томондан ташқари учинчи томон — фойдаланувчи ҳам имзолайди, шу билан бирга фойдаланувчининг барча хатти-ҳаракати, шу жумладан кўрилган зарар учун юридик масъулият лизинг олувчи зиммасига тушади.

Лизингга олинадиган мулк амортизацияси даврига, одатда, мос келадиган ижара муддатини тўғри белгилаш анча муҳим аҳамият касб этади.

Лизинг битимини лойиҳалаш ва лизинг шартномасини тайёрлашнинг энг мураккаб унсурларидан бири бўлиб, лизинг тўлови миқдорини белгилаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги кўра, лизинг шартномаси ёзма равишда тузилади ва унда бир қанча шартлар (низомлар) кўрсатилади. «Лизинг тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, лизинг шартномасида қуйидаги талаблар кўрсатилган бўлиши шарт: лизинг объектининг ҳолати, шароитлари, ўлчамлари, лизинг тўловларини тўлаш тартиби ва муддати, томонларнинг лизинг объектидан фойдаланиш, уни сақлаш, ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлари, томонларнинг кўрсатмалари, лизинг объекти ва сотувчини танлаш бўйича жавобгар томон ва бошқалар. Шартномада томонларнинг келишувига асосан яна бошқа шартлар ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, лизинг битимида лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган шартномада сотувчи ҳам иштирок этади ва лизинг берувчи у билан лизинг объекти-ни олиш бўйича олди-сотди шартномасини тузади. Қонунчиликда лизинг олувчи тўғридан тўғри сотувчига олди-сотди шартномасидан келиб чиқиб, шундай талаб қўйиши мумкинки, лизинг олувчининг эътиборига лизинг шартномасининг шартлари етказилиши ёки у билан келишилган бўлиши керак.

Бу, биринчи навбатда, олди-сотди шартномасининг лизинг объектининг муддати, қўйиш жойи, қабул жараёни каби шартлари, сифат ва сони бўйича ўз эътирозларини билдириш ва бошқалари билан боғлиқ ва лизинг битимининг барча уччала томони учун бирламчи аҳамиятга эга. Масалан, қонунчиликка мувофиқ, лизинг олувчининг лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи лизинг объекти таъминланмаганда, таъминлаш кечиктирилганда ёки таъминлаш сифати олди-сотди шартномаси шартларига мос келмаган ҳолларда кўзда тутилган. Шундай қилиб, агар томонлар лизинг шартномасида юқоридагидек кўрсатмаган бўлсалар, олди-сотди шартномасини шартининг бузилиши лизинг шартномасининг бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Олди-сотди шартномасини тузаётганда бундай ҳолатларга тушмаслик учун лизинг олувчи шартноманинг бир томони бўлиб ёки лизинг шартномасининг ажралмас қисми сифатида олди-сотди шартномасининг иловаси нусхаси иштирок этса, қулай ҳолат бўлади.

Ва ниҳоят, қонунчиликда иккита шартнома-лизинг ва олди-сотди ўрнига ягона уч томонлама, яъни лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчидан иборат лизинг шартномасини тузиш ва томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш имкониятлари назарда тутилган. Шартномани амалга оширишнинг энг муҳим босқичи лизинг олувчининг лизинг объектини қабул қилиб олишидир. Бунда олди-берди далолатномаси тузилади. Юқорида таъкидланганидек лизинг битимида учта томон қатнашади ва улар лизинг объектини лизинг олувчига топширишдан манфаатдордирлар. Мақсадга мувофиқ равишда лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчи билан далолатнома тузилади ва имзоланади. Кўпинча лизинг битимидаги иштирокчиларнинг муносабати иккита шартнома (лизинг ва олди-сотди) билан расмийлаштирилади. Бундан мақсад лизинг объектини топшириш тартибини белгилайдиган низоми бир-бирини инкор этмаслиги керак.

Лизинг берувчи лизинг олувчига ўзининг мулкани эгалик қилиш ва

фойдаланиш учун бериб, лизинг объектидан фойдаланиш ва кўриклаш бўйича шартларини охиргача бажарилишини қаттиқ назорат остига олади. Шунинг учун лизинг олувчининг лизинг объектидан хўжалик белгиланганидек охиригача бажариши ва ўғирлик, йўқотиш ва бузилишга қарши хавфсизлик чораларини кўриши кўпгина лизинг шартномалари низомида кўрсатилади. Шунингдек, шартномада лизинг берувчининг лизинг олувчини тўловчанлик қобилиятини баҳолаш мақсадида унинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотни талаб қилиш ҳуқуқи белгиланади. Бундай ҳолатда лизинг берувчи лизинг олувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳужжатлар, яъни молиявий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини ва уларнинг доимий равишда берилишини шартномада кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Лизинг олувчида шахсий мулкка эга бўлиши учун молиявий манбалар етишмаслиги, уни молиявий ижара механизмини қўллашга ундайди. Ваҳоланки, лизинг шартномаси тугаши билан у мазкур мулкни ўз ихтиёрида қолдиришни хоҳлайди. Қонунчилик унинг шундай ҳуқуқини ҳимоя қилади (шундай бўлса ҳам таъкидлаш керакки, лизинг олувчи лизинг объектини ўзига олишга мажбур эмас).

Шу муносабат билан лизинг олувчининг лизинг объектини ўзига олиш механизми ва тартибига лизинг шартномасини киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда эса шартномаси муддати тугаши билан лизинг объектини ўзига олиш ҳуқуқини эмас, балки унинг баҳоси ва сотиб олиш тўғрисида аниқ банд киритилиши керак. Агар лизинг шартномасида фақат сотиб олиш ҳуқуқи кўрсатиладиган бўлса, у ҳолда бу банд сотиб олиш битими тузилиши олдида дастлабки битим сифатида қаралади ва лизинг шартномасининг бажарилиши ўз-ўзидан лизинг объектини олиш кераклигини билдирмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 361-моддасига биноан, томонларнинг келажақдаги белгиланган ишларини тугаллаш мажбуриятини юклайдиган шартнома низоми (мулкни қўлга киритиш) дастлабки шартнома ҳисобланади ва агар унда асосий шартнома тузиш муддати кўрсатилмаса, у ҳолда асосий шартномани бир йил давомида тузиш керак. Шундай қилиб, дастлабки лизинг шартномаси тузилгандан сўнг, агарда томонлар лизинг объектини сотиб олиш тўғрисидаги асосий шартномани тузмасалар, лизинг олувчининг лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқи бир йил ўтиб ўз кучини йўқотади. Томонлар лизинг шартномасида лизинг объектини сотиб олишнинг аниқ вақтини кўрсатишса, юқорида қайд этилган муаммоларга дуч келмасликлари мумкин.

Чет эл иқтисодиётидаги адабиётларда лизинг тўлови ҳисоб-китобига ёндашиш ўзининг услубий тавсифига кўра хилма-хил бўлиб, булар моҳиятан бир-биридан ўз мазмуни ва умумий лизинг тўлови ҳар бир унсурини белгилаш усулларида кўра фарқланади. Масалан, лизинг тўғрисидаги Россия қонунчилигида лизинг тўловини белгилаш усулида лизинг тўлови таркибига лизинг шартномаси хизмати бўйича лизинг берувчи тўлайдиган қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинади. Бу солиқ миқдори амортизация ажратмаси, кредит ресурслар учун тўлов, лизинг берувчи комиссия мукофоти, лизинг шартномасида кўзда тутилган лизинг берувчининг қўшимча хизмати тўлови каби лизинг ставкасига қўшиладиган шундай тўловлар умумий миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида қуйидагилар лизинг тўлови таркибига киритилган:

- а) лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисмининг қиймати;
- б) лизинг битими бўйича лизинг берувчининг чиқимлари;
- в) лизинг берувчи даромади (маржаси).

Юқорида баён этилганлар билан боклиқ равишда, лизинг ставкаси (лизинг тўлови)га қўшиладиган унсурлар таркибини аниқлаш ва лизинг тўлови унсурларини қисоблаш усулини такомиллаштириш зарурати юзага чиқади.

Лизинг тўлови таркибига қуйидаги унсурлар киритилиши лозим:

- 1) лизинг мулки амортизацияси;
- 2) лизинг битимини амалга ошириш учун лизинг олувчи жалб этадиган кредит ресурслар учун тўлов;
- 3) коммиссион мукофот;
- 4) риск мукофоти;
- 5) лизинг берувчи лизинг олувчига қўшимча хизмат кўрсатганлиги учун тўлов;
- 6) агар лизинг берувчи суғурталанган бўлса, лизинг мулкни суғурталангани учун тўлов.

Лизинг тўловлари лизинг мулкни фойдаланишдан келадиган фойдадан амалга оширилишини, яъни ижара тўлови ҳисобланишни ҳисобга олиб, улар амалда солиққа тортилиши керак эмас. Лизинг бўйича тўловлар қайд этилган бўлади, чунки, улар шартномада белгиланади ва валюта курси ўзгариб туришига ва ўрта муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлаш бўйича банк фоизлари ўзгаришига боғлиқ эмас.

Муқобиллик бўлган ҳолда, яъни ёки ссуда ёрдамида лизинг олиш ёки уни лизингга олишдан бирини танлаш имкони бўлганда лизинг олувчи юқорида қайд этилган усул ҳар бири бўйича қилинадиган сарфларни қиёслаш лозим. Бундай пайтда услубий маънода жиддий муаммо юзага келади: бу қиёс қандай амалга ошириш керак; қачон тўловлар миқдори бир хил бўлади-ю, лекин вақт бўйича фарқланиш, бир хилда ҳисобланмайди. Бу мураккаб масалани ҳал этишда, тўловларнинг молиявий муқобиллигини ҳисобга олиш зарур. Айни бир вақтга келтирилган тўловлар муқобил бўлиб, бир-бирига тенг келади. Тўловларни вақт бўйича ягона даврга келтириш жараёни дисконтлаш дейилади, бунинг натижасида олинган миқдор соф жорий қиймат аталади. Лизинг мулкни олишнинг юқорида келтирилган икки талқинини қиёслаш учун қуйидагиларни ҳисобга олувчи тўловнинг соф жорий қиймати ҳисоблаб чиқилади:

- ҳар бир вариантнинг солиқ имтиёзи;
- амортизация имтиёзидан фойдаланиш имкони;
- техника хизмати бўйича лизинг берувчи чиқими;
- қолдиқ қийматга бўлган ҳуқуқ.

Қарзнинг, банк ссудаси ёки лизинг ёрдамида олинадиган мулкни олиш вариантнинг қиёсий самараси хусусида бир қарорга келишда сарфларни вақт бўйича меъёрга келтириш (дисконтлаш фоизи) алоҳида аҳамият касб этади. Лизинг самаралилиги молиявий кўрсаткичи барча солиқлар тўлангандан кейинги пул маблағи ҳаракатланишининг тахлили ёрдамида баҳоланади. Мазкур қийматларга турли мамлакатлардаги қонунчилик хусусияти, солиққа тортиш тизими, фоиз сиёсати таъсир этади. АҚШ бозорида, масалан лизинг иқтисодий самарасини баҳолашда лизинг битими умумий қиймати, молиявий лизинг ставкаси, фойданинг кутилаётган меъёри белгиланади. Лизинг ёрдамида сотиб олиш варианты билан банк кредити ҳисобига ускуналар сотиб олишда шаклландиган фойда меъёрини қиёслаш асосида у ёки бу вариант фойдасига баҳолаш амалга оширилади.

Лизинг берувчининг лизинг битими самарасини баҳолаш мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, рисклар қиёсий даражасини эътиборга

олиб олинадиган пул маблағи жорий қийматидан солиқ тўлангандан сўнг лизингдан тушадиган пул маблағи жорий қийматини қиёслашга асосланади. Лизинг лизинг олувчи нуктаи назаридан катта молия леверажини таъминлайди, яъни у солиқ имтиёзларини лизинг мулкидан фойдаланувчидан капитал етказиб берувчи зиммасига ўтказади. Агар бу томонлар турли солиқ имтиёзлари шароитида бўлса, бунда улар, ўзлари ўртасида тузиладиган лизинг битимини тузиш ва амалга ошириш ҳисобига оладилар.

Лизингнинг умумий самарасига лизинг тўловларини тўлаш усули ва даврийлиги ҳам таъсир этади. Лизинг тўловларини тенг улушларда тўлаш, айниқса, камайиб борувчи миқдорларда тўлаш лизинг олувчи учун қулай, ошиб борувчи миқдорларда тўлаш эса лизинг олувчи учун қулай.

Соф жорий қиймат асосида лизинг тўловлари бўлажак қийматларига келтириш йўли билан дисконтлаш асосида кутилаётган натижаларни қиёслаш лизинг якуний самарасини баҳолашда энг муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан, лизинг самаралилигини баҳолашда мулк (сотиб олиш, банк кредити, ижара) олишнинг турли вариантлари бўйича инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари бутун мажмуини уларни вақт ва қиймат ягона даврига келтириш йўли билан қиёслаш лозим бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Тадбиркорлик фаолиятида лизингнинг афзалликлари.
2. Лизингнинг иқтисодий моҳияти ва вазифалари.
3. Ўзбекистон Республикасида лизинг амалиётининг ҳуқуқий асослари.
4. Лизинг турлари моҳияти ва аҳамияти.
5. Молиявий лизинг ва оператив лизингнинг фаркли жихатлари.
6. Сублизинг ҳақида тушунча.
7. Кредит операцияларига нисбатан лизинг операцияларининг афзалликлари.
8. Лизинг шартномаларини тайёрлаш босқичлари.

мавзу. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш (4 соат).

Режа:

1. Инвестиция лойиҳаларининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш услублари.
3. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда техник иқтисодий асослашнинг роли ва аҳамияти.

Таянч иборалар: *инвестиция лойиҳаси, инвестиция гоёси, лойиҳа цикли, концепция, лойиҳавий молиялаштириш, синдикатлашган кредитлар.*

1. Инвестиция лойиҳаларининг моҳияти ва аҳамияти.

Инвестиция лойиҳаси тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қаралиши мумкин.

Тўлиқ шаклланган, якунига етган инвестиция лойиҳасини тузиш ва амалга ошириш умумий ҳолда қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

- инвестиция ғоясини шакллантириш;
- инвестицион имкониятларни тадқиқ этиш;
- инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш;
- шартнома ҳужжатларини тайёрлаш;
- лойиҳа (ишчи) ҳужжатларини тайёрлаш;
- қурилиш-монтаж ишлари;
- объектни ишга тушириш ва инвестиция лойиҳаси (иқтисодий кўрсаткичлар) мониторингини олиб бориш.

Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. У ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, экологик, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Инвестициялаш нуқтаи назаридан инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва амалга ошириш услубиёти ва услубиётини ишлаб чиқиш масалалари гоят муҳим ҳисобланади. Жаҳон амалиётида фақат ҳаётӣ муҳим лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатадиган ва кенг тарқалган инвестиция лойиҳалари цикли концепцияси мавжуд.

Лойиҳаларни бошқариш услубиётининг «лойиҳа цикли концепцияси» ва «лойиҳа тахлили» кўринишларида кенг тарқалган. Ушбу концепциялар инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда пул оқимларини вақтли қиймати концепцияси асосида ташкил этилади.

Лойиҳаларнинг кўлами, тузилмаси, ресурслари, қиймати ва бошқаларга қараб уларни бошқаришнинг махсус усулла-рига эҳтиёж ортиб боради. Бошқариш аслида қўйилган мақсадларга эришиш вазифасини, лойиҳани амалга ошириш муаммоларини бартараф қилиш, ҳуқуқлар ва масъулиятларни жамлаш вазифаларини кўзлайди. Иқтисодиётларнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви, лойиҳаларни амалга оширишда чет эллик шериклар, турли субъектлар, молия институтларининг иштирок этиши, улар ҳаракатларини ва фаолиятларини мувофиқлаштиришни талаб этади.

«Лойиҳа» дейилганда бутун дунёда, ресурслар ва вақт бирлиги билан чекланган, назарий ишланмалар билан асосланган ва «лойиҳа цикли» концепцияси кўринишида таърифланган белгиланган жараёни тайёрлаш ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш тушунилади.

Лойиҳа цикли лойиҳани тайёрлаш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, амалга ошириш (музокаралар, бажариш) ва баҳолаш босқичларини, шунингдек лойиҳани амалга ошириш натижаларини баҳолаш мумкин бўлган кўпдан-кўп нуқтаи назарлар ва мезонларни қамраб олади.

Лойиҳанинг ҳаётӣ йўли лойиҳа циклини яратадиган, муайян изчилликдан иборат бўлган ўзига хос босқичларга эга. Лойиҳа базавий моделга (Баум цикли) ёки DPMS цикли (Development Project Management Setrre), Рондинелли цикли, Гудман ва Лав циклига (Интеграциялашган лойиҳавий режалаштириш ва бошқариш цикли), ЮНИДО (United Nations Industrial Development Organization) диаграмматизими, Мак Артур диаграммасига эга бўлиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган лойиҳа циклларида ўзаро ўхшаш томонлар кўп, лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос мақсадларни кўзлайди. Уларнинг ҳаммасида фаолиятнинг циклик характери тўғрисидаги ғоя илгари сурилади, шу билан бирга турли туман ва айни пайтда ўзгариб турадиган фикрлар янги маъно касб этади.

Лойиҳа, биринчидан, мақсадли йўналтирилган фаолият, иккинчидан, бу фаолият

вақт бирлиги ва ресурслар билан деярли чекланган, учинчидан эса, ундан келадиган наф қилинган харажатлардан доимо ортиқ бўлади. Чунки, келажакдаги даромадлар бугунги пул қийматлари билан ўлчанган бўлиб, замонавий харажат оқимларидан юқори бўлиши назарда тутилади.

Инвестиция лойиҳаси ўзаро боклиқ бўлган тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, чекланган давр давомида, белгиланган бюджет ҳисобидан, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга қара-тилган аниқ мақсадни назарда тутди. Яъни, *инвестиция лойиҳалари бошқа тадбирлардан қуйидагилар билан ажралиб туради:*

- *мақсади, унга эришиш ички кучи ва уни белгиланган вақт мобайнида амалга ошириш имкониятлари билан;*

- *белгиланган давр мобайнида лойиҳанинг ноёблиги ва танҳолиги даражаси ҳамда белгиланган вақтнинг ўзининг чекланганлиги билан;*

- *ҳар қандай тирик мавжудот каби унинг ҳам ҳаётий циклга эгалиги билан.*

Лойиҳани ишлаб чиқиш дастлабки муҳандислик лойиҳалаш, иқтисодий ва молиявий имкониятларни таҳлил қилиш, бошқаришнинг маъмурий тизимларини кўриб чиқиш, лойиҳанинг атроф-муҳитга, маҳаллий аҳолига таъсирини баҳолаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу босқичда лойиҳаларни қоникарсиз чиққан вариантларини яроқсизга чиқариш ва энг мақбулларини батафсил ўрганиш зарурати келиб чиқади.

ЦИКЛАР.

Лойиҳани молиялаштириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш муаммоларини тадқиқ этишда лойиҳанинг ҳаётийлик цикли бошланғич тушунча ҳисобланади. Лойиҳани фазаларга бўлиш ғоят хилма-хил бўлиши мумкин. Асосий нарса шундаки, бундай бўлиш энг муҳим назорат нуқталарини очиб берадиган бўлсин, бу фазалардан ўтиш вақтида қўшимча ахборотларни қараб чиқиш ва лойиҳани ривожлантиришнинг имкони бўлган йўналишларини баҳолаш мумкин бўлсин.

Жаҳон амалиётида лойиҳаларнинг мураккаблигига қараб уларни бошқаришнинг турли усулларида фойдаланилади. Лойиҳаларни барча мавжуд бошқариш усуллари назарда тутилган натижаларга қаратилади, ҳуқуқ ва бурчларнинг жамланганлигига, матрицали ташкил этилганлигига, тўқнашувлар ва муаммоларнинг олдини олишга қаратилади. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши кучли замин ва асос ҳисобланади. Лойиҳанинг келажакка қаратилиши унинг олдиндан айтиб бериш мумкин эмаслигидан далолатдир, шу сабабли инвестиция лойиҳасининг сифат тавсифларини ҳисобга олиш муҳим.

Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилган вақтга қадар ўтган вақт оралиғига лойиҳанинг ҳаёт цикли дейилади. Лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса фазалар, босқичлар дейилади.

Лойиҳалар ҳаёт цикли(ЛХЦ) нинг қуйидаги босқичлари фарқланади:

1.Инвестиция олди босқичи.

- а) инвестиция имкониятларини таҳлил қилиш;
- б) дастлабки техник иқтисодий асослаш;
- в) техник иқтисодий асослаш;
- г) маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- д) инвестиция имкониятлари тўғрисида доклад.

2.Инвестиция босқичи.

- а) музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;

- б) лойихалаштириш;
- в) қурилиш ишларини амалга ошириш;
- г) ходимларни ўқитиш.

3. Эксплуатация босқичи.

- а) қабул қилиш ва ишга тушириш;
- б) ускуналарни алмаштириш (янгилаш);
- в) кенгайтириш, инновация.

Меҳнат сиғимига кўра лойиханинг ҳаётийлик циклини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Босқичлар	Концепция	Режалаштириш	Лойихалаштириш	Қурилиш	Яқунлаш
Вақт	3%	5%	20%	60%	12%

Лойиха концепциясини ишлаб чиқиш лойиханинг якуний мақсадларини ва бу мақсадларга эришиш йўллариини белгилашни ўз ичига олади. Бунда муқобил мақсадлар кўриб чиқилади, ҳажмлар, муддатлар, фойда ҳажми миқдоран солиштирилади.

Лойихани яшовчанлигини баҳолаш дастлабки техник иқтисодий асослаш мазмунини ташкил этади. Бунда бир неча муқобил вариантлар кўриб чиқилади ва қиймати ҳамда фойда бўйича баҳоланади. Лойихани режалаштириш босқичида лойиха бўйича ишлар режаси тузилади. Бу режада ишларни таркибий ва вақт бўйича босқичлари, ижрочилари аниқланади.

Лойихани ишлаб чиқишни турли босқичларида турли даражадаги аниқликка, ҳатоликка эришилади ва қалтисликка йўл қўйилади.

2. Лойихавий молиялаштиришнинг услублари.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни лойихавий молиялаштириш молиялаштиришнинг энг тараққий этган замонавий шакллариандир.

Шундай экан, лойихавий молиялаштиришнинг мазмуни нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Турлича фикрлар мавжуд. Масалан, Дойче банк (Германия) нинг таркибий молиялаштириш бошқармаси ходимларининг фикрича лойихавий молиялаштириш, бу: «Лойиха бўйича асосий воситаларни сотиб олишни, ташкил этишни ёки қурилишни молиялаштириш бўлиб, унда кредитор асосан қуйидагиларга эътибор беради:

а) кредитни қайтариш манбаси сифатида, лойихани тадбиқ этиш натижаси бўйича олинандиган соф пул оқими (маблағларнинг қайтиш даражасига);

б) лойихани молиялаштириш учун берилган кредитнинг хавфсиз қайтишини таъминлайдиган манбасига, яъни миқдорнинг қобилиятига гаров, кафолат ва бошқа таъминотларга.

Бизнинг фикримизча, лойихавий молиялаштириш бу инвестиция лойихаларини кредитлаштиришнинг бир тури бўлиб, кредитор бу лойихани амалга ошириш билан боғлиқ хатарларни қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олади.

Агар банкларнинг оддий кредит операцияларида энг аввало қарздорнинг кредитга қобилиятлилигини ўрганишга, унинг молиявий ва иқтисодий ҳолатини, шунингдек гаров сифатида фойдаланандиган мол мулкларни баҳолашга асосий

аҳамият берилса, лойиҳавий молиялаштиришда эса лойиҳавий таҳлилга асосий эътибор қаратилади.

Лойиҳавий молиялаштириш моҳиятини ифода этишда қуйидаги асосий омиллар хизмат қилади:

- Лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз хатари ва маблағлари билан иштирок этади;

- Лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб, бу усуллардан фойдаланиши мумкин;

- Аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар лойиҳавий молиялаштириш объекти бўлиб ҳисобланади.

- Лойиҳавий молиялаштиришда энг асосий жараён бу лойиҳа ҳужжатларининг техник, иқтисодий, молиявий, экологик таҳлили ҳисобланиб, бу жараённинг қанчалик чуқур ва савияли ўтказилиши лойиҳанинг келгуси тақдирини белгилаб беради.

Лойиҳавий ҳужжатлар (лойиҳанинг техник иқтисодий асосланиши) лойиҳавий таҳлилнинг объекти бўлиб ҳисобланади ва у лойиҳанининг иқтисодий, молиявий самарадорлигини ва лойиҳа бўйича харажатларни аниқлаш, молиялаштириш манбалари ва хатарларни баҳолашдек ўз мақсадига эга бўлади.

Қандай турдаги лойиҳалар лойиҳавий молиялаштиришга мос келиши мумкин?

Авваломбор, лойиҳавий молиялаштиришнинг асоси бўлиб мустақил ва мақсадлари аниқ белгиланган лойиҳалар ҳисобланади.

Лойиҳа натижаси бўйича олинган соф пул оқимининг миқдори шундай белгиланиши лозимки, келгусида кўзда тутилмаган харажатларни ҳам ҳисобга олиш имконияти бўлсин.

Лойиҳа кўп сонли лойиҳа иштирокчиларининг талаби ва манфаатларини қондириши зарур.

Лойиҳа хатарларни унинг иштирокчилари ўртасида мос тақсимлаш имконияти мавжуд бўлишини кўзда тутиши зарур.

Лойиҳавий молиялаштиришда юқори даражали хатарларнинг бўлишини ҳисобга олган ҳолда кредиторлар хатарларни самарали бошқаришни таъминлашга ҳаракат қилади.

Лойиҳавий молиялаштириш орқали молиялаштирилган лойиҳалар асосан иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқ ва секторларида иштирок этиши мумкин:

- телекоммуникация ;
- транспорт;
- фойдали қазилмаларни қазиш;
- энергетика;
- қайта ишловчи ва бошқа айрим тармоқларда.

Лойиҳавий молиялаштиришда қуйидаги ишларни бажариш жуда муҳимдир. Бошқача айтганда, лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичлари қуйидагича:

Биринчи босқич, лойиҳанинг техник таҳлили. Бу босқичда қуйидаги саволга жавоб бериш зарур: лойиҳа ўзининг бошлангич смета харажатларига мос ҳолда амалга оширилмокдами?

Лойиҳавий молиялаштиришда қарздорлар тажрибали эксперт инженерларнинг (бу кўп ҳолларда махсус саволларда тавсиялар берувчи мустақил маслаҳатчилар) тавсиясига амал қилади. Бундай экспертларнинг ҳулосаси техник ҳисобот шаклида тавсия этилиши ва қуйидаги ҳолатларни ўзида қамраб олиши мумкин.

зарур инвестиция миқдорини;

-келгусидаги зарур инвестицияларни (кўзда тутилмаган харажатларни ва фавқулоддаги зарарларни қўшган ҳолда);

-лойиҳанинг қайтими учун зарур вақт. Зарар кўрмаслик нуқтаси;

-электр энергия, сув ва бошқа харажатлар қиймати;

-лойиҳада ишлаш учун ходимларни ўқитиш имконияти;

-лойиҳа маҳсулотини сотиш бозорининг мавжудлиги.

Иккинчи босқич, бу иқтисодий ва молиявий таҳлил.

Лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий таҳлили жараёнида лойиҳа барча олинган кредитлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоблар учун етарлича фойдага эга бўладими? деган саволга жавоб олиш зарурдир.

Пул оқимини таҳлили лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш асоси бўлиб ҳисобланади. Пул оқими ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади :

-лойиҳа эгаларининг акциядорлик капиталига дастлабки инвестиция қўйилмаларини ва кредиторларнинг қарз маблағларини;

-олинган фойдани;

-сарфхаражатларни;

Кредиторлар лойиҳанинг иқтисодий сезгирлигини жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган соф қоплаш коэффициенти ва умумий қоплаш коэффициенти каби кўрсаткичлар орқали аниқлашлари мумкин.

Лойиҳаларни молиялаштиришнинг учинчи ва тўртинчи босқичларида ҳомийлар фаолиятини, хатарларни ва уларнинг тақсимланишини таҳлил этади. Бу босқичда кредиторлар раҳбарларнинг фаолиятини ва уларнинг имиджини, лойиҳа иштирокчилари учун хатарларнинг тўғри тақсимотини ўрганади.

Лойиҳавий молиялаштиришни жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, молиялаштириш тартибига қараб икки турга бўлиш мумкин:

1. мустақил молиялаштириш;

2. ҳамкорликда молиялаштириш;

Биринчи тур молиялаштириш, одатда, параллел молиялаштириш деб ҳам аталади, яъни бир нечта кредит муассасалари инвестиция лойиҳасининг амалиётга тадбиқи учун қарз маблағларини ажратади. Бу бир томондан банкларга берадиган кредит суммаларининг меъёрий чегарасига риоя қилишига имконият берса, иккинчи томондан ўз кредит хатарларини камайтиради. Мустақил параллел молиялаштириш, яъни ҳар бир банк қарздор билан кредит шартномасини тузади ва инвестиция лойиҳасининг ўзига тегишли қисмини молиялаштиради.

Ҳамкорликдаги молиялаштириш, яъни кредиторлар ягона синдикат (консорциум)га бирлашади; ягона кредит шартномаси тузилади ;

Синдикат (консорциум)ни шакллантиришни, кредит шартномасини имзолашни менежер банк амалга оширади; келгусида кредит шартномасининг амалга оширилиши устидан назорат ва зарур ҳисоб-китоб операцияларини синдикат (консорциум) таркибига кирувчи махсус агент банк амалга оширади ва бунинг эвазига коммиссион ҳақ олади.

Бугунги кунда лойиҳавий молиялаштиришнинг иккинчи тури кенг

тарқалгандир. Лойиҳавий молиялаштиришнинг ҳамкорликда молиялаштириш тури йирик нуфузли банкнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай нуфузли биринчи тоифали тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини экспертизаси бўйича тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги, кредитлаш имкониятининг юқорилиги сабабли лойиҳаларни кредитлаш учун катта миқдорда аризалар олишади. Лекин бу йирик тижорат банклари ҳар доим ҳам барча лойиҳаларни молиялаштириш имкониятига эга бўлмайди ёки бу ҳолат уларнинг балансига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бундай банклар лойиҳаларни кредитлаш жараёнининг ташаббускори вазифасини бажаради. Корхонага қарз берилгандан сўнг ташаббускор банк шартнома бўйича қарздорга нисбатан ўз талабларини бошқа кредиторга узатади. Инвестиция лойиҳасини баҳолагани, кредит шартномасини ишлаб чиққани, қарз бергани учун ташаббускор банк комиссия ҳақ олади.

Бу қайд қилинган лойиҳавий молиялаштириш турларида асосий роль ташаббускор банк сифатида иштирок этувчи йирик тижорат банки ва ҳалқаро молиявий институтлар зиммасига тўғри келади.

Сўнгги даврларда «лойиҳа облигациялари» деб номланувчи қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи ва жойлаштирувчи молиявий компания ва банклар ҳам лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчиларига айланган. Дастлабки вақтларда бундай облигацияларни муомалага чиқариш инвестиция лойиҳаларини бошлангич давридан молиялаштириш учун эмас, балки банкдан олинган лойиҳавий кредитни қайта молиялаштириш мақсадида амалга оширадилар эди. 90 йилларнинг ўрталаридан бу облигациялар инвестиция лойиҳаларини бошлангич давридан молиялаштириш учун муомалага чиқарилмоқда.

Ривожланаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштириш ўз хусусиятига эга, яъни кўп ҳолларда улар концессия шартномасига асосланади. Бу шартноманининг мазмуни шундан иборатки, концессионер (лойиҳачи компания) келишилган давр мобайнида (20, 30 ва ундан ортиқ йилларга) инвестиция фаолиятининг объектини куриш, молиялаштириш, бошқариш ва хизматини ташкил этиш билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади. Сўнг эса объект давлатга (давлат корхонаси) топширилади. Концессия даврида концессионер объектдан фойдаланиб даромад олади, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш бўйича харажатларини қоплайди. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг бундай усули сўнгги вақтларда саноати ривожланган давлатларда ҳам кўп инфратизимли лойиҳаларни молиялаштириш чизмасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Демак, лойиҳавий молиялаштиришда турли инвестор ва кредиторларнинг маблағлари иштирок этиши мумкин, яъни маблағларнинг синдикатлашуви рўй беради. Шу жиҳатдан ҳам лойиҳавий молиялаштиришни синдикатлашган кредитлаштириш деб аташимиз ҳам мумкин.

Ҳозирда еврокредит бозорида ҳаракат қилувчи банк синдикат ва консорциумларининг лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли кундан кунга ўсиб бормоқда. Республикамизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам еврокредитлар ва бошқа ривожланган чет давлат банкларининг кредитлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, республика акциядорликтижорат ва хусусий банкларининг кредитлари иштирок этмоқда.

СИНДИЦИЯ

Бир лойиҳани амалга оширишга йўналтирилган молиялаштиришнинг барқарор

тури (синдикатга уюшган бир неча кредиторларнинг кредитлари мажмуи) синдициялашган кредит деб аталади. Бу кредит тури лойихани бир кредитор томонидан молиялаштириш учун талаб қилинадиган ресурслар хажмини таъминлашнинг иложи бўлмаганда ёки кредитор учун эҳтимоли бўлган риск даражаси, қабул қилиниши мумкин бўлганидан бир неча марта ортиб кетадиган бўлса, қўлланилади.

Синдициялашган кредитлаш ўтиш иқтисодистига эга бўлган мамлакатларда ҳар бир кредитор учун алоҳида кредит рискларини пасайтириб, жиддий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини беради. Синдициялашган кредитлаш асосида ташкил этиладиган лойиҳавий молиядаштириш ресурслар базаси сифатини баҳолашни назарда тутали. Бу баҳолаш ресурсларни жалб этиш нархларини, ресурслардан фойдаланиш муддатлари, жалб қилинган маблағларни кўйиш ва копланиш даври, рентабеллик даражаси ва уларнинг сифатига ички ҳамда ташқи омиллар мажмуининг таъсирини аниқлаш асосида ўтказилади.

Лойиҳавий молиялаштириш, одатда, жаҳондаги турли минтақаларда қўшма корхоналар, улар шўъбаларини ташкил қилиш мақсадида улкан харажатларни молиялаштиришни назарда тутати. Бунда лойиҳаларни молиялаштириш асосий фаолиятдан алоҳида, харажатларни молиялаштириш учун катта маблағларни жалб этиш йўли билан амалга оширилади. Лойиҳавий молиялаштиришнинг бундай механизми ёрдамида кредитлаш рисклари минималлаштирилади. Лойиҳавий молиялаштиришда қарз бевосита лойиҳа ташаббускорига эмас, балки синдинирлаштирилган кредит иштирокчилари назоратида бўлган институтга берилади, у эса ўз навбатида маблағларни лойиҳани амалга ошириш учун жавобгар бўлган шўъба корхонага ёки қўшма корхонага ўтказати. Синдициялашган кредитни берувчи институт, одатда, лойиҳа натижаси бўйича маҳсулотни келажакда етказиб бериш ҳисобидан аванс тўловларни амалга оширади. Бу маҳсулотни контракт бўйича молия институтидан бош (она) компа-ниянинг бошқа корхонаси сотиб олади.

Шундай қилиб, лойиҳавий молиялаштиришда синдициялашган кредитни жалб қилиш мураккаб ўзаро мажбуриятларни ва охир-оқибат бош компаниянинг ёки унинг асосий шўъба компанияларидан бирининг бевосита мажбуриятларини келтириб чиқаради. Бунда, синдицирлаштирилган кредит иштирокчилари қарзни қоплаш учун моддий кафолатлар етишмай қолган ҳолларда рискларни ўзаро тақсимлаш тўғрисида келишиб оладилар ва лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ рискларнинг белгиланган қисмини ўз зиммаларига оладилар. Корпоратив манфаатларни кўзлайдиган томон (бош компания) ўзининг бошқа активлари билан қарз учун жавоб бермайди. Бош компаниянинг балансида ушбу заём қарз кўринишида қайд қилинмайди.

3. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда техник иқтисодий асослашнинг роли ва аҳамияти.

Инвестиция лойиҳасининг дастлабки таҳлили ва самарадорлигини баҳолаш натижалари дастлабки техник-иқтисодий асослаш (ДТИА) ва техник-иқтисодий асослашни (ТИА)ни тайёрлашда қўлланилади.

Техник-иқтисодий асослаш — бу лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўришга имкон берувчи бошланғич маълумотлар, шунингдек асосий техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳисоб аналитик ҳужжатлар тўплами.

Техник-иқтисодий асослашни лойиҳанинг мақсадлилиги юзасидан олиб бориладиган техник-иқтисодий тадқиқотлар сифатида ифодалаш мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашнинг асосий мақсади инвестиция лойиҳаларининг миллий валютадаги каби хорижий валютада ҳам қопланишини аниқлаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасининг ТИАсини бажариш учун қарз олувчи лойиҳанинг амалга оширилишининг юридик, техник, иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида мужассам этган ҳужжатлар тўпламини тайёрлаши лозим.

Бу ҳужжатлар тўплами қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Қарз олувчининг молиявий ҳолати ва унинг кредитга лаёқатлилиги.
2. Хорижлик ҳамкорнинг иш фаоллиги, молиявий аҳволи, ташаббускорлиги.
3. Қарз олувчи корхона қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда, мазкур маҳсулотларнинг асосий харидорлари кимлар ҳисобланади.

4. Ички бозорда қарз олувчи корхонанинг маҳсулот улуши қандай ва у жаҳон бозорида қандай улушга эга, бозорнинг қандай секторларда ўсиш ёки ўзгаришлар кутилмоқда.

5. Рақобатчилар томонидан қандай рисклар мавжуд ва маҳсулот сотилиши учун ким асосий жавобгар ҳисобланади.

6. Қарз олувчи корхонанинг ва қафолат берувчи ташкилотнинг юридик мақоми ва ташкилий тузилиши қандай.

7. Қарз олувчи корхона малакали, юқори тажрибали, етук мутахассис ва ишчиларга эгами, агар улар йўқ бўлса, ходимларни ўқитиш ким томонидан ташкил этилган.

8. Хорижлик ҳамкорлар ва мутахассислар томонидан қандай ёрдамлар қанча вақт мобайнида кўрсатилиши лозим бўлади, хорижий мутахассисларнинг сони ва малакавий даражаси, улар томонидан кўрсатиладиган ёрдам харажатлари қандай.

Лойиҳани бюджет ёки бюджетдан ташқари фондлар орқали, марказлаштирилган ресурслар, давлат корхоналарининг ўз маблағларидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириш учун ТИАнинг тузилиши мажбурий ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигига, асосан, бошқа манбалар ҳисобига молиялаштиришнинг ТИА тузилиши тўғрисидаги қарорни инвесторнинг ўзи қабул қилади.

ТИА лойиҳани амалга оширишдан олдин инженер конструкторлик, технологик ва қурилиш қарорларини, муқобил вариантларни таққослаш ва лойиҳани амалга оширишнинг аниқ усулини аниқлашни ўз ичига олади, Унда лойиҳани амалга ошириш босқичида қабул қилинган технологик, конструкторлик, табиатга зарар етказмаслик ва бошқа масалалар аниқлаштирилади, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий натижалар ва лойиҳанинг хавфсизлиги тўлиқ баҳоланади.

Олдиндан ҳисобга олинмаган ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни асослаш қурилиш жойини танлашнинг муҳим омилларини ва табиий шарт-шароитларни баҳолаш асосида амалга оширилиши керак. Бу эса инвестиция ҳажми ва ишлаб чиқариш харажатларига маълум бир таъсирини ўтказди.

ТИА инвесторга келгуси корхонанинг молиявий барқарорлигини ва тўловга лаёқатлилигини тасдиқлаш учун қўлланилади. ТИА лойиҳачи ва буюртмачи ўртасида тузилган шартномага асосан лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун лицензияси бўлган лойиҳачилар томонидан ишлаб чиқилади.

ТИАни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичида инвестор (буюртмачи) мақсадлар тўғрисидаги декларацияни тайёрлайди. У қуйидаги маълумотлардан иборат:

- инвестор ва унинг манзилгоҳи;
- объектга тавсиф (номланиши, техник ва технологик маълумотлар, белгиланган фаолиятнинг асосланиши);
- объектни қуришда меҳнат ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёж (кадрлар сони ва уларни таъминлаш манбаларини, моддий ва хом ашё, сув ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж);
- асосий ускуналар рўйхати ва уларнинг қурилиштавсифи;
- транспорт таъминоти;
- ишчилар ва уларнинг оилаларини уй жой ва ижтимоий маиший томондан таъминлаш;
- атроф муҳитга бўлган таъсири;
- лойиҳани молиялаштириш манбалари;
- қурилиш муддати;
- тайёр маҳсулотдан фойдаланиш ва бошқалар.

Декларация тегишли давлат бошқарув органларига юборилади ва улардан ижобий хулосани олгандан сўнг ТИАни ишлаб чиқишга киришилади.

ТИАнинг таркиби ва мазмуни буюртмачи билан лойиҳачи ташкилот ўртасида ўзаро келишилган ҳолда қабул қилинади ва шартномада ҳам ўз аксини топади. ТИАда катта ва мураккаб объектларнинг муқобил вариантларини ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини алоҳида назарда тутиш керак ҳамда солиқ амортизацияси ва кредит сиёсатини ҳисобга олиш, иқтисодий ҳисоб-китоблар (қурилиш даври, лойиҳа қуввати ва эксплуатация объектини ўзлаштириш) бажарилиши учун аниқ даврни белгилаш лозим.

ТИА инвестиция лойиҳаси тўғрисида етарли маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Чунки шу асосда инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин ёки, аксинча, мақсадга мувофиқ бўлмаса, ушбу масала олдиндан бартараф қилинади. Инвестициялаш ва ишлаб чиқариш харажатлари, молиявий ва иқтисодий даромадларнинг қатъий ҳисоби фақат дастлабки ТИАда лойиҳа андозаси аниқ бўлган ҳолдагина бажарилади. Лойиҳа андозаси барча мумкин бўлган жиҳатлар ва улар билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олиши керак. Саноат корхоналарининг исталган тури, ҳажми ва категориясини қамраб олувчи ТИАнинг ягона бир ёндашуви ёки универсал модели амалиётда мавжуд эмас. Кўпинча инвестиция лойиҳаларига кенг кўламдаги тавсиялар қўл келади.

ТИА мазмунига кўра дастлабки ТИАга ўхшаш бўлса ҳам, оптимал тавсифларга тижорат, техник, тадбиркорлик рискларини қўшган ҳолда инвестиция лойиҳаси такрорланадиган жараён йўли билан пухта ишлаб чиқилиши керак. Агар лойиҳанинг пухталиги ёки унинг фойдалилигини асослаш ишончли бўлмаса, кўрсаткичлар чуқурроқ таҳлил қилиниши лозим, керак бўлса, лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлиши учун ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси ТИА босқичида мумкин бўлган тижорат, техник, тадбиркорлик ва бошқа рисклар нуктаи назаридан батафсил ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши керак. Бундан ташқари, келгусида корхонанинг зарарларини йўқотиш ёки ҳеч бўлмаганда қисқартириш (камайтириш) учун инвестиция лойиҳаси чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Чет эл мамлакатларининг тажрибасини, хусусан, ЮНИДО (United Industrial Development Organization) тажрибасини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳалари ТИАсининг тахминий таркибий тузилишини келтирамиз:

- лойиҳанинг асосий ғояси ва шартшароитлари;
- бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси;
- ресурслар билан таъминланганлик;
- инвестиция объектининг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атрофмухит;
- лойиҳалаштириш ва технология;
- корхонани ташкил қилиш ва устама харажатлар;
- меҳнат ресурслари;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнини режалаштириш;
- молиявий таҳдил ва инвестицияларни баҳолаш;
- резюме — ТИАнинг қисқача мазмуни.

Назорат учун саволлар

1. Инвестиция лойиҳасининг мазмуни ва моҳияти.
2. Инвестиция ғоясини шакллантириш ишлари ҳақида тушунча.
3. Инвестицион имкониятларни тадқиқ этиш ишлари ҳақида тушунча.
4. Инвестиция лойиҳасини техник иқтисодий асослаш ҳақида тушунча.
5. Инвестициянинг ҳаётийлик цикллари ҳақида тушунча.
6. Инвестиция лойиҳасининг олди босқичида таҳлил қилинадиган масалалар.
7. Инвестиция лойиҳасининг инвестиция босқичида таҳлил қилинадиган масалалар.
8. Инвестиция лойиҳасининг эксплуатация босқичида таҳлил қилинадиган масалалар.
9. Лойиҳавий молиялаштириш моҳияти ва аҳамияти.
10. Лойиҳавий молиялаштиришнинг банк кредитидан фарқи ва вазифалари.
11. Инвестиция лойиҳаларини параллел молиялаштиришнинг мазмуни ва моҳияти.
12. Инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда молиялаштиришнинг мазмуни ва моҳияти.
13. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитларнинг роли.
14. Лойиҳани техник иқтисодий асослашнинг афзалликлари.
15. Лойиҳани дастлабки техник-иқтисодий асослаш техник иқтисодий асослаш фарқлари.
16. Лойиҳани техник-иқтисодий асослашнинг бизнес режадан фарқлари.
17. Лойиҳани техник-иқтисодий асослаш пухта ишлаб чиқилганлигини аниқлаш омиллари.
18. Лойиҳани техник-иқтисодий асослаш учун бажариладиган ишлар ва улар билан боғлиқ харажатлар.

**мавзу: Инвестиция рисклари ва уларни
пасайтириш йўллари (2 соат).**

Режа:

1. Инвестиция рисклари тушунчаси ва уларнинг таснифланиши.
2. Инвестицион рискларни бошқариш ва риск даражасини пасайтириш йўллари.

1. Инвестиция рисклари тушунчаси ва уларнинг таснифланиши.

Инвестиция лойиҳалари рискларини таҳлил этиш инвестиция лойиҳаларини таҳлил этишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Риск таҳлили инвестиция лойиҳасининг барча иштирокчилари — буюртмачилар, пудратчилар, банк, суғурта компаниялари, лизинг компаниялари, мол етказиб берувчилар кабилар томонидан олиб борилиши лозим. У, одатда, бир-бирини тўлдирувчи икки турга:

— рискларнинг турлари, омиллари ва доирасини аниқлаш мақсадини кўзловчи сифатли таҳлил;

— алоҳида рисклар каби лойиҳаларнинг ҳам ҳажмини ҳисоблаш имконини берувчи миқдорий таҳлилга бўлинади.

Рисклар таҳлили лойиҳанинг иштирокчилари базавий ва бирмунча хавфли (рискли) вариантларда унинг ривожланиш ҳолатини ишлаб чиқишни кўзда тутди ва ҳар бир ҳолат ва тегишли шароитларда лойиҳани амалга ошириш механизми қандай ишлаши, бунда даромад ва йўқотишлар, барча иштирокчилар учун самарадорлик кўрсаткичлари миқдори қандай бўлиши тадқиқ этилади.

Инвестиция рисклари бир неча кўринишларга эга. Одатда, рискларнинг кўринишлари ва хавфлилигини билиш билан уларга таъсир кўрсатиш, яъни уларни бошқариш ёки уларнинг лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсирини камайтириш мумкин

бўлади. Шунга кўра, рискларни қуйидаги асосий белгилари бўйича таснифлаш мумкин:

1. Ҳосил бўлиш соҳалари бўйича рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

а) иқтисодий риск — унга иқтисодий омилларнинг ўзгариши билан боғлиқ рисклар тегишлидир, масалан, инвестиция фаолияти иқтисодий соҳада амалга оширилар экан, у албатта, иқтисодий рискга маълум даражада дуч келади;

б) сиёсий риск — унга давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ, инвестиция фаолиятида вужудга келган маъмурий чегаралашларнинг турли хил кўринишлари хос ҳисобланади;

в) ижтимоий риск — унга инвестицияланаётган корхоналарнинг ишчилари таъсири остида режалаштирилмаган ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва шунга ўхшаш бошқа кўринишдаги рисклар тегишлидир;

г) экологик риск — инвестицияланаётган объектлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи турли хил экологик офатлар ва фожиалар шулар жумласидан ҳисобланади;

д) бошқа турдаги рисклар — уларга рёкет, мулкни талон-тарож қилиш ёки ўғирлаш, инвестицион ёки хўжалик ҳамкорлари томонидан алдаб кетишлар кабиларни киритиш мумкин.

2. Инвестициялаш шакллари бўйича рискларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) реал инвестициялаш рисклари. Бу риск:

- қурилаётган объектнинг жойлашини номувофиқ танлаш;

- қурилиш материаллари ва усқунани етказиб беришдаги узилишлар;
- инвестицияланган товарлар баҳосининг сезиларли тарзда ўсиши;
- малакасиз ёки инсофсиз пудратчиларнинг танланганлиги;
- инвестицияланаётган объектнинг ишга тушишини кечиктирувчи ва уни ишлатиш жараёнида олинмаган фойда (даромад)ни пасайтирувчи бошқа омиллар билан боғлиқ;

б) молиявий инвестициялаш рисклари. Бу риск:

- инвестициялаш учун молиявий воситалар ўйланмасдан танланганлиги;
- инвестициялашдаги молиявий қийинчиликларнинг вужудга келиши ёки ундаги алоҳида қисмларида банкротликнинг келиб чиқиши;
- инвестициялаш шарт-шароитларининг кўзда тутилмаган ҳолда ўзгаришлари;
- инвесторларнинг тўғридан-тўғри ўзгариши (алмашиши) ва шу кабилар билан боғлиқдир.

3. Пайдо бўлиш манбалари бўйича рисклар иккита асосий турга ажратилади:

а) тизимли рисклар (ёки бозор rischi). Рискнинг бутури инвестициялашнинг барча шакллари ва инвестиция фаолиятининг барча иштирокчиларига хосдир. У мамлакат ривожланишининг иқтисодий цикли босқичларининг алмашиши ёки инвестиция бозори ривожланишининг конъюнктуравий цикллари ўзгариши билан аниқланади. Шунингдек инвестициялаш соҳасидаги солиқ қонунчилигининг сезиларли ўзгариши ва инвестициялаш объектини танлашда инвестор таъсир этаолиши мумкин бўлмаган шунга ўхшаш бошқа омиллар билан ҳам аниқланади;

б) тизимсиз (ёки махсус) рисклар. Рискнинг бутури инвестициялашнинг аниқ объектига ёки аниқ инвестор фаолиятига тааллуқлидир. У компаниянинг малакасиз раҳбариятга эгаллиги, инвестиция бозорининг алоҳида сегментидаги рақобатнинг кучайиши, инвестицияланаётган маблағларнинг нораціонал таркибга эгаллиги ва инвестицион жараёни самарали бошқаришга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

4. Мавжуд бўлиш хусусиятига кўра эса рискларнинг учта тури фарқланади. Булар:

а) тижорат rischi. Тижорат rischi даромадларнинг ишончилигини акс эттириш учун хизмат қилади ва у саноатнинг барча соҳаларига хосдир. Хусусан, илғор технологияли корхона интенсив халқаро рақобат билан яшайди, бироқ уларнинг маҳсулоти бир лаҳзада эскириб (маънавий жихатдан) қолиши мумкин. Бу ҳолат, айнан, тижорий riskни англатади ва у саноатнинг шу касб соҳаларидаги кредиторлар томонидан ўрнатилган фоиз ставкаларида ўз аксини топади;

б) ишлаб чиқариш rischi тармоққа нисбатан, кўпроқ, корхона даражасига ҳослиги билан тижорат riskдан фарқ қилади. Ишлаб чиқариш rischi корхонанинг ўз маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талаблардаги ўзгаришларга мослашиш қобилияти билан боғлиқ;

в) молиявий риск молиявий активлар билан боғлиқ бошқарув қарорларининг қабул қилиниши оқибатларида юзага келади.

Масалан, қатъий дивидендга эга бўлмаган оддий акциялар кредитга нисбатан молиялаштиришнинг кам чегараланган манбаи ҳисобланади. Сабаби, кредит ўзида қатъий ўрнатилган тартибда асосий қарз ва улар бўйича фоизларнинг тўлови учун шартномавий мажбурият касб этади. Оддиндан белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлай олмаслик қобилршти қарз олувчининг банкротлигига олиб келиши мумкин.

Шунингдек амалиётда рискларнинг яна бир қанча кўринишларини учратиш мумкин.

1. Ташқи кўзда тутилмаган рисклар бўлиб:

- моддий-техника таъминоти, атрофмухитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги тартибга солиш юзасидан кутилмаган давлат тадбирлари;
- табиий офатлар — сув тошқини, ер кимираши ва бошқалар;
- жиноятлар — очиқчасига иш ташлашни кўтариб чиқиш, қасддан иш ташлаш, тажовуз қилиш ва шу кабилар;
- молиялаштириш жараёнида пудратчиларнинг банкротлиги сабабли керакли инфратузилмани яратишдаги бузилишлар ҳисобланади.

2. Ички нотехник рискларга:

- қурилиш майдонларидаги ишчи кучининг, материаллар ва уларни етказиб беришдаги узилиш ва кечикишларга сабаб бўлган камчилик ва етишмовчиликлар ва бошқа ёмон шарт-шароитларнинг келиб чиқиши, лойиҳа буюртмачиси ва пудратчиларнинг имкониятлари ўзгариши, лойиҳалаштириш ва режалаштиришдаги хатолар, заиф бошқарув ҳисобига режаларнинг барбод бўлиши;
- иш режаларининг барбод бўлиши, таъминот стратегиясининг нотўғрилиги, ходимларнинг паст малакага эгаллиги, материаллар бўйича қўшимча (ёки қайта) тўловлар (турли хил сабабларга кўра) ва шу кабилар сабабли маблағларнинг қайта сарф этилишлари тааллуқли ҳисобланади.

3. Техник рисклар бўлиб:

- технологияларнинг ўзгариши;
- сифатининг ёмонлашуви ва лойиҳа билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг интенсивлиги пасайиши;
- лойиҳага жорий этиладиган технологиянинг махсус рисклари;
- лойиҳасмета ҳужжатларидаги йўл қўйилган хатолар ҳисобланади.

4. Ҳуқуқий рискларга:

- шартномаларнинг бажарилмаслиги;
- ташқи ва ички ҳамкорлар билан боғлиқ суд жараёнлари;
- томонлардан бири бошқасининг зарарига ихтиёрсиз равишда сабабчи бўлган ҳолларда шартнома шартларининг бажарилмаслиги натижасида келиб чиқувчи қайтариб бўлмас ва фавқулодда вазиятлар ва шу кабилар киради.

Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда қуйидаги рисклар ҳам келиб чиқиши мумкин:

—лойиҳа ҳаётийлиги rischi. Инвесторлар лойиҳадан кутилаётган даромадлар харажатларни, қарзлар тўловини ва капитал қўйилмалар қайтимини таъминлаш учун етарли бўлишига олдиндан ишонч ҳосил қилишлари лозим;

—солиқ рисклари лойиҳани амалга ошириш жараёнида солиқ қонунчилигининг ўзгариши билан боғлиқ;

—қарзларнинг тўланмай қолиши rischi. Ҳатто, муваффақиятли лойиҳалар ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган талабларнинг вақтинчалик, қисқа муддатга пасайиши ёки маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш сабабли баҳоларнинг тушиб кетишидан даромадларнинг вақтинчалик камайиши билан тўқнаш келишлари мумкин;

—тугалланмаган қурилиш (объектнинг ишга туширилмаслиги) rischi.

2. Инвестицион рискларни бошқариш ва риск даражасини пасайтириш йўллари.

Инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этишда риск таҳлили асосий ўринни эгаллаши билан ажралиб туради. Умуман олганда, риск таҳлили орқали лойиҳани ишга туширишдаги мақсад йўлида мумкин бўлган барча йўқотишлар ўрганилиб, уларнинг олдини олиш ёки тегишли вазиятларда уларни бенуқсон ҳал этиш ёки пасайтириш чоралари ишлаб чиқилади. Рискдан келадиган йўқотишларни камайтириш ёки барҳам топтириш ва улар билан боғлиқ салбий оқибатларни камайтириш усуллари таклиф этиш учун, энг аввало, рискларнинг вужудга келишига имкон берувчи омилларни аниқлаш, уларнинг аҳамиятини баҳолаш, яъни «риск таҳлили» деб номланувчи ишни бажариш лозим бўлади.

Риск таҳлилининг мақсади инвесторга инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва мумкин бўлган молиявий йўқотишлардан ҳимояланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларни тақдим этишдан иборат.

Шунга кўра, риск таҳлилин лойиҳанинг барча иштирокчилари мустақил тарзда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Одатда, риск таҳлили қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

—биринчи босқичда муайян турдаги рискнинг кўпайиши ёки камайишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар аниқланади;

—иккинчи босқичда аниқланган омиллар таҳлили ўтказилади;

—учинчи босқичда қуйидаги икки усул (ёндашув) асосида молиявий нуктаи назардан аниқ кўринишдаги риск таҳлили олиб борилади:

а) лойиҳанинг молиявий ахволи (ликвидлиги)ни аниқлаш;

б) инвестиция лойиҳасида иштирок этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини (молиявий маблағлар қўйилмасининг самарадорлигини) аниқлаш;

—тўртинчи босқичда рискнинг танланган даражаси бўйича алоҳида операциялар таҳлили ўтказилади;

—бешинчи босқичда риск оқибатида кутилиши мумкин бўлган йўқотишлар ҳажми аниқланади;

олтинчи — сўнгги босқичда, кўриб чиқиладиган лойиҳада қатнашиш бўйича ижобий қарор қабул қилинган ҳолларда рискни йўқотиш ёки пасайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Одатда, бундай вақтларда турли хил йўқотишларга тайёр туриш учун олдиндан хавфсизлик заҳираси ташкил этилишини ҳам кўриб чиқиш мумкин. Хавфсизлик заҳираси даражасини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

		Башорат қилинган сотиш ҳажми	—	Зарарсизлик нуктасига мос сотиш ҳажми	
Хавфсизлик заҳираси даражаси	к	Башорат қилинган сотиш ҳажми			х 100

Хавфсизлик заҳираси миқдори қанчалик кичик бўлса, фирманинг зарар кўриш rischi шунчалик юкори бўлади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги алоҳида рисклар таъсирини йўқотиш ёки юмшатиш учун бир қанча усуллар қўлланилади.

1. Рискдан қочиш. Қочиш деганда риск билан боғлиқ тадбирлардан шунчаки оғиш тушунилади. Рискни пасайтиришнинг бу усули мукамал кўриб чиқилмайди.

2. Рискни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш (рискнинг бир қисмини ҳамкорларга бериш). Рискни тақсимлаш лойиҳанинг молиявий режасини ва аниқ ҳужжатларини ишлаб чиқишда амалга оширилади.

3. Рискни суғурталаш. Рискни суғурталаш, мантиқан олганда, муайян рискларни суғурта компанияларига беришни англатади. Унинг моҳияти инвесторнинг рискдан қутилиш мақсадида даромаднинг бир қисмидан воз кечиш орқали акс эттирилади. Бунда инвесторнинг риск даражасини "нол" га тушуриш учун тўловни амалга оширишга тайёр эканлигини тушуниш мумкин. Кўп ҳолларда, суғурта компаниялари молиявий рискларни суғурталаш билан риск даражасини пасайтиришга тўлиқ эришишига хизмат қиладилар.

4. Рискни пасайтириш (кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун захира маблағларини ташкил этиш йўли билан йўқотишлар ҳажмини қисқартириш). Кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун захира маблағларини ташкил этишдаги асосий муаммо рискларнинг жиддий оқибатларини баҳолаш ҳисобланади. Бунинг учун лойиҳа қийматини бошланғич баҳолашни ҳисобга олиш лозим. Бу эса захира суммасини аниқлашга катта ёрдам беради.

Рискни пасайтиришнинг аниқ воситасини танлашда инвестор қуйидаги тамойилларга асосланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ортиқча таваккал қилиш керак эмас;
- риск оқибатлари тўғрисида ўйлаш лозим;
- кам нарса учун риск қилиш керак эмас.

Биринчи тамойилнинг амалга оширилиши инвестор капитални қўйишдан олдин:

—ушбу риск бўйича мумкин бўлган зарарнинг максимал ҳажмини аниқлаб олиши;

—уни барча хусусий молиявий маблағлари билан таққослаши ва ушбу капиталнинг йўқотилиши инвесторнинг банкрот бўлишига олиб келиш келмаслигини аниқлаши лозим.

Капитал қўйилмасидан кўрилган зарар ҳажми ушбу капитал ҳажмига тенг, ундан катта ёки кичик бўлиши ҳам мумкин. Хусусан, бевосита инвестициялардаги зарар ҳажми, одатда, инфляция омилини ҳисобга олган ҳолдаги венчур капитали ҳажмига тенгдир.

Иккинчи тамойилнинг амалга оширилиши инвесторнинг риск эҳтимоллиги миқдори ва оқибатларини аниқлаб олган ҳолда рискни пасайтириш усуллари тўғрисида қарор қабул қилинишини талаб этади.

Учинчи тамойилнинг амал қилиниши лойиҳадан кўриладиган зарар ҳажми нисбатан юқори бўлган ҳолларда рискдан (таваккал қилишдан) бош тортиш зарурлиги билан англанади.

Инвестор учун унинг манфаатига мос бўлган лойиҳа уни амалга оширишдаги юзага келувчи рискларнинг тўлиқ бартараф этилганидир. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муқобил лойиҳаларни таққослама таҳлил этишнинг аҳамияти жуда каттадир. Лойиҳаларнинг таққослама таҳлили, ҳатто, уларнинг қайси бири энг кам рискли, юқори фойдали, тез қайтимли, кафолатланган даромадли, ҳаётийлиги ишончли инвестиция лойиҳаси эканлигини аниқлашга имкон беради. Бундай таҳлил инвесторнинг молиялаштиришга лойиқ ҳақиқий рақобатбардош лойиҳани аниқлаши ва танлашига имкон беради.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ва қувватини аниқлашда муҳим омил бўлиб, лойиҳада ишлатилиши лозим бўлган технология ва «ноухау» ҳисобланади.

Аниқ жараёнлар кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг аниқ даражалари билан боғлиқ бўлади ёки фақат мана шундай даражаларда техник ва иқтисодий амалга ошириш мумкин бўлади. Бу бир жиҳатдан кимё саноатига тааллуқли бўлиши мумкин. Бунда баъзи жараёнлар ишлаб чиқаришнинг аниқ босқичларида сезиларли равишда самарали қўлланиши мумкин, аммо бу тамойил бошқа тармоқларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, комплексли қайта ишлаш марказларини қўллашни, агар ишлаб чиқаришнинг нисбатан паст даражалари кўзда тутишмаса, машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқаришда тадбиқ этиш ўзини оқламайди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда танланган технология хусусияти ва уни ишлатиш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мос келадиган технология ва «ноухау»ни танлаш исталган ТИАнинг муҳим элементидир. Бундай танлов технологик муқобилларни синчков кўриб чиқиш ва баҳолашга, берилган лойиҳа учун энг тўғри келадиган вариантни ёки инвестиция стратегиясини танлашга ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик шароитларга асосланиши лозим. Мос келадиган технологияни танлаш уни ишлатишдаги аниқ вазиятлар билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Технологияни баҳолашнинг асосий вазифалари — турли технологияларнинг жамиятга ва миллий иқтисодиётга (ҳаражат ва фойдалар таҳлили, бандлик ва даромадлар таъсири, инсон эҳтиёжларини қондириш ва бошқалар), атроф-муҳитга (экологик таъсирни баҳолаш) таъсирини аниқлаш ва баҳолаш, корхона нуқтаи-назаридан техник-иқтисодий амалга оширишни аниқлаш ҳисобланади.

Умумий режа ва корхона схемасини тайёрлаш ҳар қандай лойиҳа учун зарурдир. Буни режалаштиришнинг иккинчи босқичида амалга ошириш муҳимдир.

Биринчи ва бошланғич босқич бўлиб, назарда тутилаётган ишлаб чиқариш фаолияти турлари ва технологик муқобиллар асосида корхонанинг дастлабки режасини ва унинг умумий схемасини тайёрлаш ҳисобланади. Умумий схемалар ва режани ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичи технология, ишлаб чиқариш қуввати ва ускунанинг махсус жиҳатларига тааллуқли бўлган деталларни ишлаб чиқариш тугагандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Дастлабки умумий схема корхонани лойиҳалаштириш, физик қурилишига тааллуқли катталиқлар тартибини аниқлаш, машиналар ва ускуналарга, бошқа инвестицион элементларга талаблар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳужжатлар бўлиши лозим.

Функционал схемалар ва чизмалар тўплами қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- умумий функционал схемалар, машина ва ускуналарнинг ўзаро алоқаси, физик қурилишлар ва бинолар, объектлар ҳамда турли ёрдамчи цехлар ва хизматлар;

- технологияларнинг асосий хусусияти;

- материаллар ва коммунал хизматлар ҳаракатини акс эттирувчи материаллар ҳаракати диаграммаси;

- мавжуд ҳудудий тармоқлар билан боғланиш жойларигача бўлган йўллар (шоссе), темир йўллар ва бошқа транспорт объектларини кўрсатувчи транспорт схемаси;

- корхонани кенгайтириш ва ривожлантириш учун майдонлар;

- бундай чизмалар геодезия хариталари, геология маълумотлари, гидрология хусусиятлари, корхона учун танланган жойда грунт хусусиятларига асосланиши керак.

ТИА босқичида технологиялар бозори тавсифи ва мавжуд технологик муқобилларни ҳисобга олиш жоиздир. Мос технологияни танлаш бундай кузатувнинг, шубҳасиз, муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Технологияни танлаш корхонанинг иқтисодий ишлаб чиқариш қуввати ва минимал тежамли ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ бўлиши керак ҳамда корпоратив стратегия ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши керак. ТИА ҳам муқобил технологияларни, ҳам уни олишнинг муқобил манбаларини аниқлаши керак. Уларни баҳолаш технологияни олиш мумкин бўлган манбани танлаш мақсади ҳисобланиши керак.

Текширувда, жумладан, маълум бир технологияни олишда муҳим ўрин эгаллайдиган шартнома муддатлари ва шартлари кўрилиши лозим. қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик маҳсулотини ва узоқ муддатли қўлланиладиган товарларни ишлаб чиқариш, машина ва ускуналар технологияларини олиш шартлари ва муддатлари бирбиридан анча фарқ қилишлари мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш босқичида ва унинг ҳаётий цикли давомида технологик тенденцияларни баҳолаш ва башоратни ТИА таъминлаши керак. Юқори инновацияли тармоқлардаги инвестиция лойиҳалар учун технологик башорат ўта муҳимдир. Янги технологиялар соҳасида ишланмалар, жумладан, микроэлектроника, биотехнология ва янги материаллар ва энергияларни олиш технологиялари турли тармоқлардаги маҳсулот ва жараёнларга сезиларли таъсирини ўтказадилар. Мос малакали кўникмаларни ишлатиш ва ривожлантириш ҳамда бу технологиялар қай даражада эгалланиши мумкинлиги билан бир қаторда бу технологияларнинг имкониятлари баҳоланиши лозим. Янги технологияларни ишлаб чиқаришнинг аниқ босқичларида микрожараёнларни қўллаш янада анъанавий таҳлил этилиши керак. Шу билан бир қаторда ишлатилиши керак бўлган технология текширилган ва ишлатиб кўрилган ҳамда маҳаллий шароитларга тўғри келадиган бўлиши керак.

Хорижий технологияни сотиб олишга, технологияни эгаллаш ва ишлаб чиқишга тегишли жамият сиёсати аниқланган бўлиши керак. Ижтимоий-иқтисодий инфратузилма, жумладан, ишчи кучи тизими танланган технологиянинг амалга оширилишига сезиларли таъсир қилиши мумкин.

Атрофмуҳитга таъсирини баҳолаш — бу, биринчи навбатда, шу муҳитдаги омилларни эътиборга олишни режалаштириладиган ва қарорлар қабул қилинадиган жараёндир. Охирги икки ўн йиллик давомида турли саноати ривожланган мамлакатларда ўз қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда атрофмуҳитга таъсирни баҳолашнинг турли услублари ишлаб чиқилган эди. Бу услублар учун умумий бўлиб, корхона эгасининг атрофмуҳитга таъсири бўйича аризаси билан чиққанда лойиҳа амалга ошириладиган мамлакатда амалдаги қоидаларга мос равишда баҳоланиши ҳисобланади. Турли мамлакатларнинг услублари бирбиридан сезиларли фарқ қилганликлари сабабли, шу мамлакатнинг мос адабиётига муурожаат қилиш зарур.

Европа иқтисодий комиссияси, Европа ҳамкорлиги ва шу каби ташкилотлар томонидан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қўллаш учун корхонанинг атрофмуҳитга таъсирини баҳолаш стандартлари ишлаб чиқилган эди. Бундай стандартлар ривожланаётган мамлакатларда уларнинг қонунчилигига мувофиқ равишда янги саноат тармоқларини режалаштиришлари мумкин.

Технологияларни танлаш билан бирга уларни олишнинг муқобил манбаларини аниқлаш жоиздир. Патентланмаган технологик «ноухау»нинг

манбалари ишлаб чиқариш хусусияти ва мураккаблигига боғлиқ ҳолда турли хил бўлиши ва маҳаллий ва чет эл индивидуал мутахассисларидан тортиб то бутун корхоналар миқёсида фарқланиши мумкин.

Агар технология қандайдир бошқа корхонадан олинishi керак бўлса, уни сотиб олиш усуллари аниқлаш керак. Улар технологияни лицензиялаш, шу заҳоти нақд пул тўлаш орқали сотиб олиш ёки технологияни етказиб берувчи мулкка эгалик қилувчи қўшма корхона ташкил қилиш шаклини қўллашлари мумкин:

1. Лицензиялаш технология соҳасида оммавий ва самарали савдо механизми бўлиб қолади. Лицензия патентланган технологияни ишлатишга ҳуқуқ беради ва у билан боғлиқ «ноухау»ни ўзаро келишилган шартларда топширишни кўзда тутди. Ривожланаётган мамлакатларда саноат лойиҳалари учун кўпгина лицензиялар хорижий корхоналардан сотиб олинishi керак.

2. Технологияларни лицензиялаш муҳим бўлиб ҳисобланган пайтларда иложи борица турли технологиялар пакетига эга бўлиш ва шартноманинг нозик томонларини аниқлаш керак. Ҳатто, бу икки жиҳатлар ТИАни тайёрлашдан кейинги лойиҳани амалга ошириш босқичига тааллуқли бўлса ҳам, уларни ўрганиб чиқиш технологияни лицензиялаш шартномаси бўйича кейинги музокараларда катта ёрдам бериши мумкин.

3. Технологияни сотиб олиш. Баъзи тармоқлар учун технологияни шу заҳоти нақд пул тўлаш шартларида сотиб олиш афзалроқдир ва бу ҳолда булар ТИАда ўз аксини топиши лозим. Бундай шартларда сотиб олиш технология «бир марталик» ҳуқуқ ёки «ноухау» бўйича олинса ва кейинчалик технологияни такомиллаштириш кўзда тутилмаса мақсадга мувофиқдир.

Технологияга тааллуқли бўлган музокараларда муҳим масала бўлиб экспортни ривожлантириш ва лицензиат томонидан уни таъминлаш имкониятидир. Бундай имконият турли омилларга боғлиқдир, жумладан, ишлаб чиқариш қуввати, ишлаб чиқаришга маҳаллий харажатлар ва йирик экспорт бозорига жўғрофий яқинлиги. Аммо экспортни ва тадбирларни ривожлантириш учун ТИАда таҳлил қилиниши керак.

4. Лицензиарнинг қўшма корхонада иштирок этиши. Технология етказиб берувчисининг ўз акциядорлик капитали билан қатнашиши лойиҳа ҳомийлари учун сиёсат масаласи ҳисобланади ва ТИА доираларининг ташқарисида бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда технологияни, асосан, ташқи манбалардан олганлари сабабли технология етказиб берувчининг қатнашиш шакли муҳим масала ҳисобланади. Ускунани импорт қилиш билан бир қаторда технология бевосита йўл билан ёки чет эл филиаллари орқали ёки қўшма корхоналар орқали қўлга киритиши мумкин, бу ерда технология етказиб берувчиси лойиҳа мулкдори ичида иштирок этади. Бундай қатнашиш, кўпинча, сезиларли даражада технология етказиб берувчиси томонидан тақдим қилинаётган технология, ускуна ва техник хизматларнинг капиталлашган қиймати билан чекланади.

Охирги ўн йилликда бевосита лицензиялаш технология сотиб олиш ва ўтказиш учун муҳим канал бўлиб қолди ва унинг лицензион битимлар саноати ривожланган мамлакатлар корхоналари орасида сезиларли ўсиши кузатилмоқда. Технология лицензиари томонидан акциядор капиталида қатнашиш даражаси, одатда, қизиқувчи томонлар ўртасида музокаралар маркази бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Ишлатилиши керак бўлган технология тавсифи ва мураккаблиги нуктаи

назаридан танланган лицензиарнинг акциядор капиталида қатнашиши мақсадга мувофиқлигини ТИА кўрсатиши керак. ТИА технологиянинг маҳаллий шароитларда жорий қилиниши ўз самарасини кўрсата олишини акс эттириши лозим. Технологик битимнинг амал қилиш даври мобайнида технологияни ўзлаштириш корхона турли иш босқичларида профессионал кўникмалар ва қобилиятларни режали ривожлантиришни талаб қилади.

Кадрларни режалаштириш ва турли категориялардаги ходимлар учун таълимнинг кенг дастури билан мос келиши керак бўлган сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Лицензиарнинг таълим бўйича фаолияти лицензиат томонидан ташкил қилинган таълим жараёнига тўлдирилиш сифатидагина акс этирилиши мумкин. Шу билан бир қаторда таълим жараёни турли босқичларда ва турли маҳаллий ишлаб чиқариш интеграцияси босқичларида лицензиат корхонасидаги ходимларнинг профессионал кўникма ва қобилиятларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бу ҳам лойиҳалаштира олишни ва текширувлар, ишланмалар имкониятларини талаб этади. Бунга тааллуқли тадбир ва талаблар ТИАда акс этган бўлиши керак.

Лойиҳанинг ҳамма иштирокчилари лойиҳанинг нобуд бўлмаслигини хоҳлайдилар. Шу билан бир қаторда уларнинг ҳеч бири лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошишига тўлиқ ишончи бўлиши мумкин эмас, чунки исталган ҳақиқий ишда риск умумқабул қилингандир.

Риск — исталган корхона фаолиятининг шароит тавсифидир. Жумладан, у кўнгилсиз воқеаларнинг мумкинлиги ва ноаниқликни акс эттирувчи инвестиция лойиҳасига ҳам хосдир.

Рискларнинг турлари ва уларнинг хавфини била туриб, уларнинг лойиҳа самарадорлигига салбий таъсирини пасайтирган ҳолда уларга таъсир ўтказиш мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда капиталнинг қайтиши таъминланганлиги рискларининг қуйидаги асосий турларини инобатга олиш муҳимдир:

- лойиҳанинг ҳаётий эмаслик rischi;
- солиқ rischi;
- қарзларни тўламаслик rischi;
- қурилишни тўхтатмаслик rischi.

Инвесторлар учун инвестиция лойиҳасини амалга ошириш йўли билан ўз капиталини шакллантиришда солиқ рискларининг сезиларли таъсир кучи алоҳида ўрин эгаллайди. Солиқ rischi ўз ичига қуйидагиларни олади:

- лойиҳанинг аниқ муддатда эксплуатацияга топширилиши мумкин бўлмаганлиги учун солиқ чегирмасини кафолатлай олмаслик;
- солиқ қонунчилигининг ўзгариши;
- лойиҳанинг солиқ устунликларини пасайтирувчи солиқ хизматининг қарори.

Одатда, инвесторлар ўзларини солиқ рискларидан битим ва шартномаларда акс эттириладиган мос кафолатлар билан қисман химоя қиладилар.

Шу билан бир қаторда тугалланмаган қурилишни ҳам инобатга олиш зарур. Технология жараёни ёки «ноухау» ишлатилган лойиҳани инвестициялашда инвестор қурилишни тугатиш ҳақида кафолатларни талаб қилиши мумкин, чунки бундай лойиҳалар бошида назарда тутилганидан анча қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун қурилишни бошлашдан аввал лойиҳа қатнашчилари ва инвесторлар

курилишни тўхтатиш кафолатлари бўйича битимга келишлари лозим.

Инвестиция лойиҳасини технологик баҳолашда у ёки бу тармоқдаги янги лойиҳага тавсифли бўлган технологик рискларни ҳам инобатга олиш лозим. Технологик рискларга қуйидагилар тааллуқлидир:

- лоиҳа ташкилотишг йўқлиги ёки унча катта бўлмаган иш малакаси;
 - узок муддатли шартаомаларнинг йўқлиги;
 - ўқитиш ва махсус тайёргарликсиз ўз кучига ишониш;
 - жарима чораларисиз ноаниқ (муддати ва миқдорисиз) шартномалар;
 - техник рискларнинг юзага келиш сабаблари;
 - лоиҳалаштиришдага хатолар, технология етишмовчилиги;
 - ускунани нотўғри танлаш;
 - ишлаб чиқариш қувватларини нотўғри аниқлаш, пудратчилар томондан ўз мажбуриятларини бузиш;
 - бошқарувдаги камчиликлар;
 - малакали ишчи кучининг етишмовчилига;
 - маҳаллий ходимларнинг импорт килинган ускуна билан ишлаш малакасининг йўқлиги;
 - лоиҳада кўзда тутилган қувватга чиқмаслик ёқитўла қувватда ишламаслик ёки анча паст сифатли маҳсулотишлаб чиқариш;
 - курилишни ва тўла қувватга чиқишни ушлаб қолиш. Технологик рискни пасайтириш бўйича тадбирлар:
1. Янги лойиҳаларни молиялаштиришдан воз кечиш.
 2. Янги теҳнология ва ускуналарни ишлатишни минималлаштариш.
 3. Шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга оширишда юқори билим ва малакага эга бўлган лойиҳалаштирувчи ва пудратчини жалб қилиш.
 4. Аниқ шартлар ва жарима чоралари билан узок муддатли шаршомалар тузиш.

Рискларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларни пасайтириш услубларини кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, рискларни бошқаришнинг асосий усуллари бўлиб, уларни тўғри гуруҳлаш ва хаҳлил қилиш, ўлчаш, лойиҳа кўрсаткичларининг муҳим «мустаҳкамлик захираларини» барпо қилиш, суғурталаш ва рискларни лойиҳа катнашчилари орасида тақсимлаш ҳисобланади.

Технологик рискларни баҳолаш унинг имкониятларини олдиндан аниқлаш ва унга ишонч ҳосил қилиш, уни ўзлаштиришнинг мураккаблик даражаси ва узок вақт талаб этиши, унинг синалганлиги, текширилганлиги, лойиҳа мақсади ва маҳаллий шароитларга, атроф-муҳитни муҳофазалаш талабларига мослигини ҳамда унинг кам харажат талаблиги, яроқилик даврини, шунингдек технологик жараёнларнинг турли босқичларидаги операцияларнинг мураккаблиги ва муайян вақт талаб этишини аниқлаш билан боғлиқ. Баҳолаш натижаларига қараб технологик рискларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Инвестиция лойиҳаларини техник баҳолаш лойиҳани амалга оширишдаги келиб чиқиши мумкин техник муаммоларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида амалгаоширилади. Техник баҳолашнинг асосий вазифаси лойиҳа мақсадига мос лойиҳа технологиясини аниқлаш, маҳаллий шароитлар, капиталга эғалик қилиш имкони, хом ашё ва шу кабиларни режалаштириш ва лойиҳа бўйича пайдо бўладиган техник муаммоларни ҳал этишдан иборат.

Лойиҳани амалга оширишда кўлланиладиган технологик жараёнлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг мақсадга мувофиқлиги ва танланган технологиянинг

техник жиҳатдан ишончлилигини аниқлаш техник таҳлил этишнинг муҳимлигини кўрсатади. Лойиҳани амалга оширишда муқобил технологияларни техник афзалликлари ва фойдалилиги жиҳатдан баҳолаш технологияларни ишлатишнинг турли жиҳатларини таҳлил этиш билан амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Лойиҳа билан боғлиқ рисклар таҳлили мақсадлари.
2. Лойиҳа билан боғлиқ рисклар ҳосил бўлиш соҳалари бўйича тавсифланиши.
3. Ҳуқуқий рискларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
4. Лойиҳа билан боғлиқ риск таҳлили кетма-кетликда амалга оширилиши.
5. Технологик рискларнинг мазмуни ва технологияни баҳолашнинг асосий вазифалари.
6. Технологиянинг ташқи таъсир даражаси ва турлар.
7. Технологик баҳолашда тармоқ хусусиятларининг фарқи.
8. Технологик рисклар таркиби ва уларни пасайтириш учун кулланиладиган тадбирлар.

Маъруза матн бўйича таянч ибораларнинг изохи.

А

Аviso (итальянча *aviso*) — битим тузган томонлардан бирининг иккинчи томонга уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари аҳволи, ҳисоб-китоб рақамлари, шартнома суммаси, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳоказоларнинг ўзгарганлиги ҳақида берган хабарномаси.

Авуарлар (французча *avoir* мулк, бойлик) — банкнинг чет эл банкида сақланаётган хорижий валютадаги, қимматли қоғозлар ва олтин шаклидаги маблағлари.

Аккредитациялаш — рухсат бериш. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки чет эл банкларининг ваколатларини Ўзбекистонда аккредитациялаш ваколатига эга.

Акцептлаш (инглизча *acceptance*) — қимматли қоғозларнинг жойлаштирилишини кафолатлаш, акция олди-сотдисиди воситачи фирмалар томонидан амалга ошириладиган функциялардан бири. Компаниялар акциялари муайян фирмага сақлаш учун топширилади ва фирма ушбу акцияларни харидорлар ўртасида тарқатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мабодо акциялар сони жуда кўп бўлса, у ҳолда воситачи фирма таваккал қилишга мажбур бўлади, чунки акцияларнинг сотилмай қолиш хавфи мавжуд. Лекин улар тўлиқ сотилгудек бўлса, у ҳолда воситачи фирма катта миқдорда даромад олиши мумкин бўлади.

Акцепт — 1. Етказилиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун хўжалик субъектларининг ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шаклларида бири. Унга кўра маҳсулот (иш, хизмат) ҳақини тўлаш учун тўловга розилиги олиниши талаб этилади. Олдиндан ва кейинчалик акцептлаш турлари мавжуд.

Олдиндан акцептлаш пайтида банк олдиндан тўловчининг розилигини олгандан кейингина унинг ҳисобидаги маблағ тўлови амалга оширилади. Кейинчалик акцептлаш эса етказиб берилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) учун тўловчининг олдиндан розилигисиз амалга оширилади. Бунда харидор муайян муддат давомида амалга оширилган тўловдан норозилигини, бу тўлов тузилган шартномага мувофиқ эмаслигини маълум қилиши мумкин. Ушбу ҳолда тўловчига хизмат кўрсатаётган банк тўланган суммани қайтариб олиши мумкин бўлади.

2. Тўловчи (трассат) томонидан кўчириладиган вексель (тратта) учун кўрсатилган муддатда пул тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши:

3. Таклиф этувчи (офферент) шартларига кўра шартнома (битим) тузишга розилик билдирилиши.

Акцептант (лотинча *acceptants* қабул қилувчи) — вексель, ҳисоб бўйича тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олган шахс.

Аннуитет (лотинча *annuitas* — йиллик тўлов) — даврий тарзда тўланадиган пул суммаси (бадал, рента, даромад). Суғурта ишида Аннуитет рента ёки нафакани Суғурталаш юзасидан ҳар йили тўлаб бориладиган тўловларни ифодалайди. Аннуитет шунингдек, кредиторга олинган қарз юзасидан ҳар йили тўлаб бориладиган пул (фоизлар ҳам) суммасини ҳам англатади. Аннуитетнинг бир неча турлари мавжуд.

Арбитраж — 1. Хўжалик соҳасида ҳакамлик суди;

Турли бозорлардаги қандайдир активлар (маҳсулот, қимматли қоғоз, депозит, валюта ва ҳ.к.) қиймати, курси ўртасидаги фарқлардан фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган операция, битим.

Аудитор — тафтишчи фирмасининг ходими, корхоналарнинг молиявий фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш билан шуғулланади, йиллик бухгалтерия ҳисоблари ва баланслари юзасидан хулосалар беради.

Б

Банк — Қонунларда назарда тутилган банк фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ташкилоти. Банк юридик шахс ҳисобланиб, ўз мулкига, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулкка мустақил жавобгарликка, ўз номидан мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга ва бу ҳуқуқларни бевосита ўзи амалга ошира олади, шунингдек, суд жараёнларида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

Банк куйидаги фаолият турлари билан шуғуллана олади:

— юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда бу маблағлардан кредит бериш ёки инвестициялар учун фойдаланиш;

— тўловларни амалга ошириш;

— юридик ва жисмоний шахсларга бошқа турдаги банк ва кредит хизматларини кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасида банк ташкил этиш ва банклар фаолиятини йўлга қўйиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўқрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

Банк-молия академияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил, 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўқрисида»ги фармонида мувофиқ халқаро андозаларга мос келувчи юксак малакали молия-кредит тизими кадрларини тайёрлаш, молия бозорларини ривож топтиришга қаратилган фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган олий ўқув даргоҳи.

«Банк ахборотномаси» — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий наشري бўлиб, унда банк-кредит, пул муомаласи, валютани тартибга солиш ва бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳамда бошқа ахборотлар чоп этилади. Банк ходимларини банк-кредит соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар билан таништириб бориш мақсадида таъсис этилган.

Банк ассоциацияси — банклар фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни рўёбга чиқариш учун қонунга зид келмайдиган тарзда ташкил этилган иттифок, уюшма. Банк ассоциациялари тижорий бўлмаган ташкилот ҳисобланиб, тижорат фаолияти, шу жумладан, банк фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Банк ассоциациясининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мавқеи унинг таъсис ҳужжатларида, низомида белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикасида Банк ассоциацияси ташкил этилган ва ҳозирги кунда фаолият юритмоқда.

Банкнот (инглизча banknote) — қоғоз пулларнинг бир тури бўлиб, давлат томонидан эмиссия ҳуқуқи берилган банклар томонидан чиқарилади. Банкнотлар ҳазина билетлари билан бир қаторда муомала ва тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. Банкнотлар вексель муомаласи натижасида юзага келган бўлиб, муомалада металл (олтин ва кумуш) пуллар ўрнига чиқарилган. Улар моҳиятига кўра банк векселидан иборат бўлиб, банкнинг олтин захираси, қимматли қоғозлари, ҳазина билетлари ва ҳ.к. билан таъминланади.

XX асрнинг биринчи ярмида банкнотларни олтинга алмаштириш барҳам топди ва улар майдаланмайдиган мажбурий курсга эга бўлган давлат қоғоз пулларига айланиб қолди. Ҳозирги замон шароитида банкнотларнинг харид қуввати банклар томонидан муомалада қатъий чекланган миқдордаги қоғоз пулларни сақлаб туриш йўли билан таъминланади.

Банкрот бўлиш — ҳўжалик юритиш субъектларининг қарздор сифатидаги қарзлари ва бошқа мажбуриятларининг мол-мулкидан ошиб кетиши, бунинг натижасида товарларга (ишларга, хизматларга ҳақ тўлаш юзасидан кредиторлар талабларини қондира олмай қолиши, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги.

Банкрот бўлиш бозор иқтисоди ва рақобат кураши шароитида кузатиладиган оддий ҳол бўлиб, бу жараён натижасида «иқтисодий заиф» корхоналар табиий равишда «ўйиндан чиқади».

Бозор муносабатлари шароитида харидорлар бўлмаган ёки жуда қиммат турадиган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналар бундай маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечишлари, ўз маҳсулотлари нархини пасайтиришлари ёки ўзларини ноқобил деб эълон қилишлари ва ёпилишлари лозим. Бунинг натижасида бўшаб қолган меҳнат, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан янги, замонавий фирмалар, корхона ва ташкилотлар ташкил этишда фойдаланилади. Корхоналарни банкрот деб эълон қилиш асослари, шартлари, тартиблари ва оқибатлари ЎЗРнинг 1994 йил, 5 майдаги «Банкротлар

тўқрисиди»ги қонунида белгилаб қўйилган.

Бизнес — 1) иш, машқулот, тадбиркорлик фаолияти, муайян натижалар (даромад, фойда олиш)га эришиш мақсадидаги иқтисодий фаолият. Бизнес умумиқтисодий атама бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият соҳалари ва иқтисодий манфаатлари (қишлоқ хўжалиги, савдо, банк ва бошқа соҳалар), (кичик, ўрта, хусусий, йирик бизнес) ва бошқалар тушунилади.

2) Битимлар, савдо операциялари; 3) Ишбилармонлик ҳаёти ва доиралари, бошқа соҳалар (маданият, маориф, сиёсат ва бошқалар)даги ҳаёт фаолиятдан фарқ қилувчи иқтисодий ҳаёт фаолияти; 4) Компания, корхона, иқтисодий субъект. Тадбиркорликнинг у ёки бу соҳадаги фаолиятини акс эттирувчи ибора.

Бонд (инглизча bond) — товарнинг божхона тўловлари тўланмасдан олдинги ҳолати.

Бюджет — 1) қонунчилик йўли билан тасдиқланган ва муайян муддатга мўлжалланган давлат даромадлари ва харажатлари рўйхати; 2) давлат, корхона ёки фуқаронинг муайян даврда кутилаётган даромадлари ва харажатлари.

В

Вакиллик — юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракат. Унга кўра бир шахс (вакил) ўзига берилган ваколатга мувофиқ бошқа(учинчи) шахслар билан вакил қилувчи номидан ҳамда унинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилади. Ишончномага, қонунга, суд қарори ёки тегишли давлат органи берган ҳужжатга асосан вакиллик қилиш ҳоллари учрайди.

Молиявий муносабатлар соҳасида, айниқса, қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар номидан вакиллик қилиш кенг қўлланилади. Вакилнинг ваколатлари доираси, унинг масъулияти, ваколатноманинг бекор бўлиши асослари ва оқибатлари қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Ваколатхона — юридик шахснинг турган жойидан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодаловчи ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи айрим бўлинма. Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона юридик шахс ҳисобланмайди. Ваколатхона уни ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланади ҳамда тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади. Ваколатхонанинг раҳбари берилган ишончнома бўйича иш олиб борадиган юридик шахс томонидан тайинланади. Амалдаги қонунчиликда банк муассасаларининг чет элларда ўз ваколатхоналарини ташкил этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Вақтинчалик қиймат — буюмнинг ҳақиқий қийматига нисбатан аукционда белгиланган баҳонинг ортиб кетиши.

Вақтинчалик қоидалар — давлат бошқарув идоралари томонидан чиқариладиган, муайян иқтисодий ёки бошқа муносабатларни бу ҳақида махсус қонунлар қабул қилингунига қадар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни кўзловчи муваққат меъёрий ҳужжатлар. Молия ва кредит муносабатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, шунингдек, ЎЗР Давлат Солиқ қўмитасининг у ёки бу масалаларга оид вақтинчалик қоидалари қабул қилинади. Ушбу масалада асосий ҳуқуқий акт ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши билан вақтинчалик қоидаларнинг амал қилиши тўхтатилади.

Вексель — қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб, унга мувофиқ қарздор, вексель берувчи юридик ёки жисмоний шахснинг векселда кўрсатилган пул суммасини муддатида кредитор, вексель соҳибига сўзсиз равишда тўлаш юзасидан мажбурияти гувоҳлантирилади. Векселнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) оддий, яъни унда қарздорнинг муайян суммадаги пулни кўрсатилган муддат ва жойда, кимга ва ким томонидан тўланиши лозимлиги ҳақидаги оддий ҳеч қандай шартсиз ваъдаси акс эттирилган бўлиб, вексель тўлдирилган вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда вексель берувчининг имзоси билан тасдиқланади; 2) кўчириладиган (тратта), яъни трассант деб юритилувчи кредиторнинг иккинчи бир трассат деб юритилувчи қарздор берган оддий, ҳеч бир шартсиз кўрсатмаси бўлиб, унга мувофиқ трассат векселда кўрсатилган пул

суммасини учинчи бир шахсга(вексель такдим этувчи, ремитентга) тўлаб юбориши лозим бўлади; 3) тижорат (савдо) вексели — савдо битимларини тузиш пайтида товарларни гаровга олиш эвазига тўлов ҳужжати ёки қарз мажбурияти тарзида бериладиган қимматли қоғоз; 4) банк вексели — мамлакат банки томонидан чет эл банкига такдим этиладиган; 5) хазина вексели — давлат томонидан ўз харажатларини қоплаш мақсадида чиқариладиган вексель тури. Бозор муносабатлари қарор топа бориши билан бизнинг мамлакатимизда ҳам вексель тўлов ҳужжати ва қимматли қоғоз сифатида кенг қўлланила бошланди. Векселнинг қўлланилиши тижорат кредитининг ривожланишига, тўлов интизомига амал қилинишига, халқ хўжалигида нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларининг осонлашувига ёрдам беради. Ўзбекистонда векселнинг қимматли қоғоз ва тўлов воситаси сифатидаги ҳукукий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари ҳақида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори механизмини тартибга солиш тўққизинчи»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгилаб қўйилган. Векселнинг мамлакат иқтисодий муомаласидаги самараси ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 19 мартда «Мамлакатда вексель муомаласини тартибга солиш чоралари ҳақида»ги Фармони чиқарилган.

Г

Гаров — бирон бир юридик ёки жисмоний шахснинг бошқа бир шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқини мажбуриятларни таъминлаш учун унга бериб қўйиш. Бунга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларини бажармаган тақдирда кредитор (қарз берувчи, яъни гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талабларини гаров мулк қиймати ҳисобидан бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли суратда қаноатлантиришга ҳақли бўлади. Гаровга олувчи ўзига топширилган мулк учун жавобгар саналади. Гаров шартнома ёки қонунга асосан юзага келади. Гаров заклад, ипотека ёки ҳуқуқларни гаровга қўйиш тарзида амалга ошириш мумкин. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома ҳамда қонун актлари асосида тартибга солинади.

Д

Далолатнома — муайян далил фактнинг юз берганлигини тасдиқлаш мақсадида тузиладиган юридик ҳужжат бўлиб, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Одатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари, молиявий ва бошқа назорат натижалари тўққизинчи ҳамда бошқа ҳолларда далолатнома тузилади. Далолатнома тузиш тартиби, унинг мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар қонуний актларда белгилаб қўйилади.

Дебитор — корхона, муассаса, ташкилотдан қарздор бўлиб қолган юридик ёки жисмоний шахс. Хўжалик амалиётида олинган маҳсулот учун пул тўламаган, вексель юзасидан тўловни амалга оширмаган вексель берувчи шахс, тижорат кредитини олиб, тўловни амалга оширмаётган ташкилот ва бошқалар.

Депозит — 1) фуқаролар ёки корхоналар томонидан пул ёки қимматли қоғозларни банкларда сақлаш учун шартнома асосида омонат қўйилиши. Депозит маблағлар банклар ссуда фонди вужудга келишининг манбаларидан бири саналиб, кредитлар бериш, факторинг операцияларини амалга ошириш, инвестиция мақсадларида қилиш учун фойдаланилади, шу сабабли депозит банклар томонидан тўланади. Депозит муддатли ва талаб қилиб олингунга қадар қўйиладиган турларга бўлинади.

2) Биржадаги кафолатли, дастлабки заклад, фьючерс контрактлари умумий қийматининг олдиндан келишилган, биржа ҳисоб палатаси аъзоси томонидан тўланадиган, мижоз томонидан эса брокерга тўланадиган пул суммаси. Депозит одатда фьючерс контракти умумий қийматининг 2-10 фоизини ташкил этади.

И

Иқтисодий макон — муайян давлатлараро ҳудуд. Иқтисодий макон иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг бирлигини ёки лоақал ўзаро ўхшаш хусусиятлари билан яқинлигини тақозо этади. Ягона иқтисодий макон ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари

тараққийетини бир хил даражада тутиш, ягона иқтисодий-ижтимоий жараёнлар билан қамраб олинганлиги, кўзланган тараққийёт усуллари ва мақсадларининг умумийлиги билан характерланади.

Табиий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий омиллар билан бир-бирига боқланган давлатлар ўзаро келишган ҳолда куч ва имкониятларини бирлаштириш йўли билан ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга интилади. Ўзаро яқинликни, ягона иқтисодий макон мавжудлигини баҳона қилиб мустамлакачи давлатлар томонидан ўз собиқ мустамлакалари устидан иқтисодий, кейинчалик эса сиёсий ҳуқуқларини қайта тиклашга уриниш ҳоллари ҳам тарихда маълум.

К

Клиент, мижоз — корхона билан савдо ёки бошқача алоқаларда бўлган жисмоний ёки юридик шахс: сотувчи, харидор, воситачи ва б.

Компенсация товон ҳақи (лотинча *compensatio*) — қоплаш сўзидан олинган бўлиб, бир мажбуриятни унга тенг бўлган бошқа мажбурият ҳисобига ўтказиш ёки қоплаш йўли билан ижро этиш. Биржаларда компенсация деганда товарлар ёки контрактларни сотиб олишда ўзаро битимларнинг тартибга солиниши назарда тутилади.

Контракт — товар ёки хизматлар бўйича олди-сотди шартномаси.

Контракт, биржа контракти — товар биржаларида тузиладиган олди-сотди битимлари. Биржа контрактлари, одатда, стандартлаштирилиши даражасига кўра: а) вьючерс контрактлари б) реал товарлар бўйича биржа контрактлари каби турларга бўлинади.

Л

Либор (инглизча LIBOR-London Interbank offered Rate) — Лондон банклари томонидан евровалюта бозорида биринчи класс банкларига ссуда берилаётганида оладиган фоизнинг ўртача ставкаси. Либор валюта турига ва ссуда берилиши муддатига кўра (1, 3, 6, 12 ой) табақалаштирилган бўлади. Либорнинг расмий кўрсаткичи қайд этилмайди, уни евровалюта бозорида операцияларни амалга оширувчи ҳар бир йирик банк бозорида шаклланган талаб ва таклиф асосида белгилайди ёки ўзгартиради.

Евровалюта бозорининг ривожлана бориши билан либорга ўхшаш ставкалар Парижда (Пибор), Сингапурда (СИБОР), Қувайтда (ҚИБОР), Люксембургда (ЛЮКСИБОР) ва бошқа жойларда ҳам пайдо бўлди.

«Лидз ЭНД ЛЭГЗ» (инглизча — *leads and leads*) – молиявий ёки бошқа шаклда фойда олиш мақсадида ҳисоб китоб қилиш муддатларини бошқариш, пул тўлашни тезлаштириш ёки чўзиш. «Лидз ЭНД ЛЭГЗ» мамлакат ичкарасида ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларда ҳам қўлланилади.

Лизинг — турли техника воситалари, бинолар, иншоотларни ўртача муддатга ёки узок муддатга ижарага бериш. Бу уч томонлама битимга кўра амалга оширилади: лизинг фирмаси (арендага берувчи) ўз мижози (ижарага олувчи) танлови бўйича муайян мулкни тайёрловчи (мулк эгаси) ҳам сотиб олади ва ижарага олувчи ихтиёрига топширади. Томонлар ўртасидаги муносабатлар лизинг битими билан тартибга солинади. Бундай битимда унинг муддати, суммаси, ижара ҳақи миқдори, тўловларнинг амалга ошириш муддатлари, шартнома муддати тамом бўлган мулкнинг қолдиқ қиймати, мулкни ижарага олувчи томонидан тайёрланадиган мулк эгасидан қабул қилиб олиш баённомаси, мулкни Суғурталаш масалалари кўзда тутилади.

Лицензия — рухсат бериш: 1) патент эгаси томонидан фойдаланиш учун муайян ҳақ эвазига маълум муддатга рухсат беришлик;

2) маҳсулотларни экспорт ёки импорт қилиш учун давлат органларидан олинadиган ёзма рухсатнома;

3) юридик ва жисмоний шахслар томонидан фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланиш учун (масалан, тиббий хизмат, юридик хизмат ва ҳақозо) давлатнинг ваколатли органларига белгиланган тартибда мурожаат қилиш йўли билан олинadиган махсус рухсатнома.

М

Маржа (инглизча margin, французча marge) — 1) икки муайян кўрсаткич (сотувчи ва харидор нархи) ўртасидаги фарқни кўрсатувчи қиймат; 2) банкларда бериладиган кредит фоиз ставкалари билан қўйиладиган омонатларга тўланадиган фоизлар ўртасидаги фарқ; 3) қимматли қоғознинг бозор баҳоси билан унинг устидан олинган ссуда ўртасидаги фарқ; 4) саноат корхоналари томонидан қўйиладиган савдо устамаси; 5) биржада — ҳисоб палатасида брокер томонидан ёки брокерга мижоз томонидан нархларнинг ноқулай ўзгариши туфайли тўланадиган пул суммаси; 6) баъзан депозит маъносида ҳам ишлатилади.

Моддий жавобгарлик — меҳнат шартномасига кўра ёлланиб ишлаётган ходимни ўз айби билан корхонага етказган мулкий зарари учун меҳнат қонунларида белгиланган тартибда, шартларда ва ҳажмларда моддий жавобгар бўлиши. Амалдаги меҳнат қонунларида ходимларнинг чекланган (Меҳнат кодексининг 201-моддаси) ва тўла (МКнинг 202-моддаси) моддий жавобгарликлари назарда тутилган.

Ходимга етказилган зарар иш берувчининг жавобгарлиги ҳам моддий жавобгарлик ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси МКнинг 187—197-моддалари).

Н

Ностро (инглизча nostro account) — банкнинг чет элдаги барча харажат ва даромадларнинг ҳисоб китобини олиб борадиган ўз хорижий корреспонденти — банкдаги ҳисоб рақами.

Ноу-Хау — маҳсулот ишлаб чиқаришни осонлаштирадиган ва тезлаштирилишига ёрдам берадиган техникавий билимлар, техник тажриба, ишлаб чиқариш сири. Ноу-Хау ихтиро сифатида патентланиши мумкин эмас ва шу сабабли патент ҳимояси предмети ҳисобланиши мумкин эмас.

Ноу-Хау фирма мулки саналади ва шу туфайли олди-сотди предмети бўлиши мумкин. Ноу Хау патент ҳимоясидан фойдаланмаслиги туфайли уни бир шахсдан бошқасига ўтказилишида унинг махфийлиги ва бу талабни бузганлик учун қўлланиладиган санкция келишувининг асосий шартини ташкил қилади.

Неустойка (айбона) — ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф иккинчи тарафга шартнома асосида ёки қонунга кўра тўлаши лозим бўлган пул суммаси. Шартнома ва қонун асосидаги неустойкалар мавжуд.

О

Овердрафт (инглизча overdraft) — банк муассалари томонидан қўлланиладиган қисқа муддатли кредит бериш. Дастлаб Англияда қўлланилган Овердрафтнинг моҳияти шундаки, банк ўз мижозига унинг жорий ҳисоб рақамидаги қолдиқ пул суммасидан кўпроқ маблағ юзасидан чеклар билан тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Овердрафт банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан қўлланилади ва унда банк олдида ҳосил бўлган қарзни қоплаш муддати олинадиган фоизлар кўрсатиб қўйилади.

П

Пайчи — 1) биргаликдаги у ёки бу лойиҳага ўз маблағлари, мулки ёки бошқа бойликларини қўшиш орқали ушбу лойиҳа иштирокчиси бўлаётган жисмоний ёки юридик шахс; 2) жамият (акцияли жамият) иштирокчиси.

Пеня — турли молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган шахсларга қўлланиладиган жазо (санкция). Кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган қарз суммасига нисбатан муайян фоизларга қўлланилади.

Прайм рейт (инглизча prim rate) — кафолатланмаган қисқа муддатли қарзлар бўйича белгиланадиган энг кам фоиз ставкаси. Бу ставка америка тижорат банклари томонидан энг ишончли қарз олувчиларга нисбатан қўлланилади.

Пул (инглизча pool) — картелларнинг алоҳида тури, унга кўра барча иштирокчилар олган фойда умумий жамқармага тўланади ва кейинчалик олдиндан белгиланган

пропорциялар бўйича қайта таксимланади.

Р

Роялти — 1) лицензия келишувига мувофиқ лицензиар фойдасига тўланадиган мукофот пули. Бу пул лицензия асосида ишлаб чиқарилган товарлардан олинган фойданинг маълум ҳиссаси сифатида мунтазам равишда тўлаб борилади.

2) Табиий ресурсларни қайта ишлаш, уларни қазиб олиш ҳуқуқи учун тўланадиган ҳақ.

С

Санкциялаш — йирик корхоналар ва молиявий ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган давлат соқломлаштириш тадбирларининг мажмуи. Бундай молиявий соқломлаштириш тадбирлари қаторига: давлат қарзларини кечиб юбориш, бюджет ҳисобидан дотация бериш, бюджетга тўловлар муддатини узайтириш (пролонгациялаш), солиқлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар бериш, фойдаланилмаётган мол-мулкларни сотиш каби чоралар қиради.

Сивинг (Swing) — томонлар ўртасидаги автоматик тарзда ўзаро кредитлашнинг энг кўп миқдори. Ўзаро товар айланиши ҳажмининг муайян фоизлар миқдорида белгиланиши. Сивинг ҳажмидан ортиқча товар муомаласи қўшимча маҳсулотлар етказиб бериш йўли билан қопланади ёки эркин муомаладаги валюта тўлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

Сертификат — у ёки бу нарса (буюм, ҳужжат)дан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқига эгаликни тасдиқловчи гувоҳнома. Қўлланилиш соҳаларига кўра: а) Махсус давлат қимматли қоғозларига эгаликни, Суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сертификат; б) маҳсулот сифатини тасдиқловчи сертификат; в) аудиторлик сертификати, яъни эълон қилинган аудиторлик балансининг тўқрилигини тасдиқловчи ҳужжат; г) ҳисоб-китоб сертификати; д) гаров сертификати; е) мулкларни муайян қисмига эгалик ҳуқуқи ҳақидаги сертификат; ж) акциядорлик сертификати. Бошқа кўплаб турдаги сертификатлар ҳам мавжуд.

Т

Тендер (инглизча tender) — 1) савдолар ўтказилиши пайтидаги таклифлар. Тендер қоида тариқасида белгиланган муддатда, яширин равишда тақдим этилади; 2) фьючерс биржасида маҳсулот етказиб беришдаги носис.

Трансферт (французча transfert) — 1) ёзма равишдаги кўрсатма билан маблағни кўчириш, банкнинг ўз корреспондентига муайян суммадаги маблағни трансфертда кўрсатилган шахсга бериб юбориш тўқрисидаги буйруқи; 2) муайян пул суммасини ҳисоб рақамидан иккинчисига кўчирилиши, ўтказилиши; 3) эгаси кўрсатилган акцияни бир шахсдан бошқа шахсга ўтказилиши ва уни акцияли жамиятнинг махсус журналида қайд этилиши; 4) Пул маблағларини бир молиявий муассасадан бошқасига кўчирилиши; 5) чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан бошқасига кўчирилиши.

Трассант (немисча Trassant) — вексель муомаласидаги кредитор. Трассант кўчириладиган вексель чиқаради ва уни имзолайди. Ушбу вексель бўйича трассат унда кўрсатилган сумма пулни учинчи шахсларга — ремитентларга белгиланган муддат ичида тўлаши лозим бўлади.

Трассат (немисча Trassat) — вексель муомаласидаги қарз оловчи. Трассат трассант томонидан ва имзоланадиган кўчириладиган вексель (тратта)да кўрсатилган суммани белгиланган муддатда учинчи шахс (ремитент)га тўлаши лозим бўлади.

Траст (инглизча trust) — 1) хўжалик ва бошқа соҳаларда ишларни юритиш учун берилган ваколатнома. Банк муомаласи соҳасида траст операциялари одатда банклар томонидан амалга оширилади; 2) бирлашма, фондлар ишбилармонлик трасти, оммавий траст ва бошқалар мавжуд.

Тратта — кўчириладиган вексель.

Ф

Факторинг — молиявий-кредит хизмати турларидан бири. Унга кўра корхоналарнинг уларга етказиб берилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) учун тўлашлари лозим бўлган пул мажбуриятларини ўташ банклар зиммасига олинади ва маҳсулот етказиб берилгач ва

тегишли тўлов ҳужжатлари тақдим этилиши билан уларнинг ҳақи банклар томонидан тўлаб юборилади. Келгусида қарзлар мижоз томонидан банкка қайтарилади.

Банк муассасаси ўз мижозларига факторинг хизмати кўрсатганлиги учун келишилган миқдорда фоиз ҳақи олади.

Филиал (лотинча *filialis* ўқиллик) — муайян ташкилотнинг (юридик шахснинг) таркибий қисми ҳисобланувчи ташкилот бўлиб, уни ташкил этган юридик шахснинг айрим ёки барча ваколатларини бошқа ҳудудда амалга ошириш билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актларида филиал очиш ва унинг фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий тартиблари белгилаб қўйилган.

Форс-мажор — енгиб бўлмас кучлар юз бериши билан боғлиқ ҳолат, шартноманинг шу ҳақдаги қоидаларни кўзда тутувчи ҳолатлари. Бунда мажбуриятнинг ижро этилиши кечиктирилади ёки бу мажбурият томонлар жавобгар бўлмаганлари ҳолда бутунлай барҳам топади.

Форс-мажор ҳолатлари узоқ давом этадиган (удумлар, экспорт-импорт тақиқлари, давомли табиий офатлар ва бошқалар) ёки қисқа муддатли (ёнқин, сув тошқини, навичацияни ёпилиши ва ҳақозолар бўлиши мумкин. Форс-мажор туфайли етказилган зарарни ҳеч қайси тараф қоплашга мажбур эмас ва қопланишини талаб қила олмайди. Форс-мажор ҳодисалар рўйхати шартномада назарда тутилиши юз берганда эса бетараф ташкилот томонидан тасдиқланиши лозим.

Форвейтинг (французча *a forfait* яхлит, умумий сумма) — савдо операцияларини кредит билан таъминлашнинг ўзига хос шакли. Унга кўра товар учун берилган ва харидор томонидан акцентланган векселларни товар сотувчидан сотиб олинади, сотувчи сотган товари учун пул олиш бўйича ўз талабларини векселни сотиб олган кредит муассасасига ўтказди. Сотувчига маҳсулот баҳоси муайян фоиз ушлаб қолингани ҳолда дархол ва тўла ҳажмда тўланади. Харидор эса одатда олти ой давомида кредит муассасаси билан ҳисоб-китоб қилади. Форвейтинг сотувчи дебиторлик қарзларининг камайтирилишига, молиявий аҳволнинг яхшиланишига ёрдам беради.

Ч

Чек (инглизча *cheque*) — 1) Чек қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб, уни имзолаган шахс ҳисоб суммасини бериб юбориши ҳақида банк муассасасига берилган топшириқни акс эттирувчи махсус ҳужжатдир. Чеклар чек дафтари шаклида қўлланилиб, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бири саналади.

Чек қонуний тўлов воситаси саналмайди, мажбурий давлат курсига эга эмас ва ўзаро шартнома муносабатларида тўлов воситаси сифатида мажбурий тарзда қабул қилиниши шарт эмас; 2) сотиб олинган товар учун касса томонидан тўланган пул суммаси кўрсатилган ҳужжат; 3) бозорларда сотувчилар томонидан бозор хизматидан (жой ҳақи) фойдаланганлик учун пул тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат, патта.

Чегирма (скидка) — тузилган шартномаларга мувофиқ товар (иш, хизмат) дастлабки баҳосининг камайтирилиши. Томонлар келишувига кўра, муайян фойда олиш имконини вужудга келтириш мақсадида қўлланилади. Чегирмаларнинг куйидаги турлари учрайди: оддий, мураккаб, улгуржи нархлар бўйича, дилерлик, бонусли, махсус, нақд пул тўланганлиги учун, битим шартларидан четга чиқилганлиги учун белгиланадиган ва бошқа кўринишлари мавжуд.

Чегирмалар муайян объектив шароитлар туфайли юз бериши мумкин бўлган ортиқча харажатларни қоплаш, ҳамкорликни давом эттиришга рақбатлантириш, фойда олиш имконини бериш мақсадларида қўлланилади.

Ш

Шартнома (контракт, битим) — муайян юридик оқибатлар, уни тузувчи шахслар учун маълум ҳуқуқлар, мажбуриятлар ҳамда жавобгарликлар келтириб чиқаришга қаратилган ўзаро келишув. Шартномалар ўз шаклига кўра оғзаки ёки ёзма бўлади. Оғзаки шартномалар қонунда кўзда тутилган ҳолларда фуқаролар ўртасида, айрим ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида тузилади.

Юридик шахслар ўртасида ҳўжалик муомаласига таллуқли масалаларда тузиладиган шартномалар албатта ёзма бўлиши, муайян шартларни, зарур реквизитларни назарда тутиши лозим. Шартномада унинг томонлари, тузилаётган вақти-жойи, шартнома предмети, баҳоси, умумий қиймати, маҳсулот (иш, хизмат) сифати, ижро этиш усули, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари ва бошқа масалалар кўрсатилиши лозим. Шартнома тегишли ваколатга эга бўлган шахслар томонидангина имзоланиши мумкин.

Э

Экспорт — муайян мамлакатда ишлаб чиқарилган, тайёрланган, етиштирилган маҳсулотнинг шу жумладан, бошқа мамлакатлардан аввал келтирилган товарларнинг бошқа мамлакатларга чиқарилиши. Ҳозирги пайтда иш хизмат турларини экспорт қилиш амалиёти ҳам мавжуд.

Умумий, экспортни ҳисобга олиш пайтида мамлакатдан чиқарилаётган барча маҳсулотлар, махсус ҳисобга олишда эса божхона ҳудуди орқали ўтадиган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади.

Экспортни амалга ошириш шартлари ва тартиблари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси экспортни рақбатлантиришга ва қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий сиёсат юритмоқда.

Эмиссия — пул белгилари ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш. Пул белгилари фақат давлат (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) томонидан муомалага чиқарилиши мумкин. Қимматли қоғозлар эса акцияли жамиятлар, банклар ва бошқа шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда муомалага чиқарилиши мумкин. Пул эмиссияси мавжуд талабга мос бўлиши лозим. Талабдан ортиқча пул чиқарилиши пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Қимматли қоғозлар эмиссиясининг мақсади аҳолининг бўш турган пул маблағларини сармояга айлантириш йўли билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, давлат қарзларини қоплашидан иборат.

Эмитент — пул белгиси ёки қимматли қоғоз эмиссиясини амалга оширувчи субъект.

Ю

Юридик шахс — фуқаровий ҳуқуқий муносабат иштирокчиларидан бири, фуқаролик муомаласида иштирок этувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра ҳўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулклари билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки намунавий эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга оширадиган, мажбуриятларни ўтай оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар юридик шахс саналадилар. Юридик шахслар тижорат ташкилотларига ва нотижорат ташкилотларига бўлинади. Юридик шахслар низомларига асосан иш олиб борадилар.

Я

Яширин иқтисодиёт — ноқонуний йўл билан тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти билан шуғулланиши, иқтисодий фаолият криминал тус олиши, жиноий элементлар билан қўшилиб кетиши. Жамият ва давлат тараққиёти учун жиддий хавф туқдирадиган ижтимоий воқелик. Яширин иқтисодиёт туфайли моддий, хом ашё, меҳнат ва бошқа ресурсларни назоратсиз сарфланишига, олинадиган даромадларни солиқдан яшириб қолишнинг жиноий йўл билан топилган пул ва бошқа бойликларни «ювилишига», яъни ҳаромни «ҳалол» кўринишига киритишга имкон беради. Яширин иқтисодиёт натижасида олинган даромадларни жиноий мақсадларда ишлатилишига ва бошқа, оқир оқибатларга олиб келиши мумкин, шу сабабли ҳар қандай давлат яширин иқтисодиётга қарши қатъий кураш олиб боради.

Х

Халқаро ҳисоб-китоблар — Ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчи шахсларнинг мамлакат ҳудудидан четга маҳсулот (иш, хизмат) чиқарган ёки мамлакат ҳудудига олиб кирган маҳсулот (иш, хизмат) учун хорижий шериклари билан амалга оширадиган ҳисоб-

китоб операциялари. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиблари ва шакллари халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан белгиланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Асосий адабиётлар:

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Адолат», 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи. 1998 йил 24 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи. 1998 йил 20 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи. 1998 йил 21 май.
6. Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги Қонуни, 1995 йил 21 декабр.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 15 сентябрь.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 20 сентябрь.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 4 октябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 420-сон қарори “Ўзбекистон Республикаси инвестиция Дастурини шакллантириш”
16. *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.: — Ўзбекистон, 1999. 7-том.
10. *Каримов И.А.* Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи», 2000 йил 12 феврал.
11. Президент И. Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2003 йил 18 феврал.
12. Президент И. Каримовнинг 2002 йилининг биримчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаси. // Ўзбекистон овози. 2002 йил 20 июл.

13. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2005-585б.
14. Ангелиди М. С. Организация кредитного процесса в коммерческих банках, Т.: 1998. — 22 стр.
15. Банковское дело и финансирования инвестиций. / Под редакции Н.Брука. Институт экономического развития Всемирного банка, 1-том 1,2-часть, 2-том 1,2-часть, 1995.
16. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. Учебное пособие. –М.: Финансы и статистика, 1998.-160 стр.
17. Бромвич М. Анализ экономической эффективности капитальных вложений, М.: — Приор, 1995.
18. Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2003-400б.
19. Ваҳобов А. В., Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик, Т.: - «Шарқ», 2002. - 224 б.
20. Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций. Т.: — ГФНТИ, 1995.
21. Газибеков Д.Г., Сабиров О. Ш., Мўминов А.Г., Қўлжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т: 2004.308б.
22. Газибеков Д.Г., Ангелиди М.С. Инвестиционная деятельность перед вхождением в рыночную экономику. Т.: 1991.
23. Гитмаи А.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования. М.: — Дело, 1997.
24. Глазунов В.П. Финансовый анализ и оценка рисков реальных инвестиций. М.: — Финстатинформ. 2000.
25. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов, М.:—Финансы и статистика. 2001.
26. Клини М.И., Перекатов Б.А., Тютиков Ю.Т. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. Санкт-Петербург, 2001.
27. Жўраев А. С., Хўжамкулов Д. Ю., Маматов Б. С. Инвестиция лойилари тахлили «Шарқ» Тошкент-2003.-255 б.
28. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001.-257.
29. Шохазамий Ш. Ш., Рынки: финансов и ценных бумаг. Учебник –Т. МИ, 2003.-196с.

Қўшимча адабиётлар

1. Ангелиди М. С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов. Учебное пособие, Т. : Ташкентский Финансовый институт, 2000.88 стр.
2. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. М.: - Банки и биржи ЮНИТИ, 1997. - 613 стр.
3. Беренц В., Хавранек П. Руководство по оценке эффективности инвестиций, пер.с англ. А.П. Бельк, М.: — Инфра-М, 1995.
4. Грачева М.В. Анализ проектных рисков. — М.: 1999.
5. Дерил Н. Принятие инвестиционных решений. Пер. с англ. М.: —ЮНИТИ, 1997.
6. Ғозибеков Д.Р. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Тошкент — 2002 й., и.ф.д. диссертацияси автореферати, 11—14-бетлар.

7. Жўраев А. С., Маматов Б. С. Кичик бизнес ва бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси // Бозор, пул ва кредит, 2003. 2-сон.
8. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю. Лизинг кичик бизнес ва бизнесни кредитлашни самарали воситаси // Бозор, пул ва кредит, 2002. 8-сон.
9. Маматов Б.С. Особенности инвестиционной деятельности Узбекистана при переходе к рыночной экономике, // Сельское хозяйство Узбекистана, 2001. 6-сон.
10. Носиров Э.И. Кичик бизнес ва бизнес инвестицияларини ривожлантириш истиқболлари ва уни такомиллаштириш масалалари // Бозор, пул ва кредит, 2001. 7-сон.
11. www.eib.org
12. www.invest-faq.com
13. www.farmbil.unl.edu
14. www.wisebuy.co.uk
15. www.econsultant.ru